

Акбар
Мирзо

Снайпер

Акбар
Мирзо



Снайпер

Қисса

Тошкент
«O'ZBEKISTON»
2018

УЎК 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6
М 54

Тақризчи:

Ўткир Комилов, истеъфодаги генерал-майор

Маслаҳатчи:

Маҳмуд Йўлдошев, истеъфодаги полковник

Мирзо, Акбар
М 54 «Снайпер» [Матн]: қисса/А.Мирзо. — Тошкент: «O'zbekiston»
НМИУ, 2018 й. — 192 бет.

ISBN 978-9943-25-492-3

Ватанни ҳимоя қилиш масъулиятли ҳамда шарафли касб. Виждони ор-номус, бурчга садоқат каби ҳис-туйғуларга йўғрилган инсонгина Ватан ҳимоясига отланади. Негаки, у Миллат тақдирига, Юрт келажигага бефарқ эмас. Эртўгон ўзбек халқининг ана шундай мард ўғлонларидан бири. У азиз юрти ҳимояси учун ҳар қандай қийин топшириқни бажаришга тайёр. Моҳир снайпернинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур асар Ватан тинчлиги ва равнақи учун туну кун хизмат қилаётган барча ҳарбий ҳимоячиларимизга бағишланади.

Ушбу китоб Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан эълон қилинган «Ҳарбий-ватанпарварлик» мавзuidaги бадний ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳаси доирасида нашр этилди.

УЎК 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-25-492-3

© Акбар Мирзо, 2018
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2018

I. «ҚИШЛОҚДАГИ БЕГОНА КИМ?»

Ҳисор тоғларига қиш анча барвақт келди. Кечаси бошлаган изгирину эрталаб ҳаммаёқни қоплаган қор Зардоба қишлогининг аҳолисини ҳам шошириб қўйди. Кўпчилик ҳали қишга деб хас-хашак йигмаган, унча-мунча тўплаганини эса уйга олиб келмаган, эпчилик қилиб томорқасига босганлари ҳам устини ёпмаган эди. Катта-кичик қўралардаги қўйларни огилга қамаш кимнинг хаёлига келибди; қор босган жониворлар бир-бирига бағрини бериб тонг орттирган кўринади, аммо туғилганига бир ойча бўлган учта кўзи совуқдан нобуд бўлган эди. Баданни жунжуктирувчи шамол тўхтаган бўлса-да, ҳавонинг авзойи бузуқ: афтидан, ё қаттиқ совуқ бўлади, ё яна қор ёғади.

Тўнига маҳкам ўранган Саноқул атрофга аланглار экан, тоғ бағридаги дарахтларга келганда бир нуқтага тикилиб қолди. Қор босган арчалар гамгин кайфиятига таъсир этмаса-да, у ёқларга энди чиқиш мушкул-лашганини ўйлаб юраги сиқилди. Қор қалинлашган сўқмоқлардан юриш қийин, ён томондаги кенгликка эса айнан шу илонизи йўлдан борилади. Қайсидир йили таваккал қилганди: қари қўйлар ўзини эполмай, пастга қулаган, сакрашни канда қилмайдиган кўзилар-ку, сал юрмай тушиб кетган. Ачинмай бўладими? «Балки бир-икки кунда эриб кетар?» — хаёлидан ўтказди Саноқул томдаги озгина хашакка кўз қирини ташлаб. У тўқсон ёшни қоралаган қўшнисини Турсунхўжа отанинг гапига қулоқ солмаганига энди афсуслана

бошлади. Бўлмаса кўпни кўрган, тоғ ҳавосининг ин-жиқликларини кўравериб, салкам авлиё бўлиб қолган Турсунхўжа ота «Сен ҳаракатингни эртaroқ қилавер», деб тайинлаб айтди. Ётиб қолганига бир ҳафтача бўлиб қолган қўшниси дадаси Сиёвуддиннинг яқин дўсти эди. «Ташқарига чиқмаган бу чол ниманиям биларди дема, астойдил бўл», деди чиқиб кетаётганда. Саноқул кўнглидан ўтган гапни эшитиб, ғалати аҳволга тушиб қолганидан кўчага ошиқди. Бироқ, нафсиламрни айтганда, бу ишга вақти ҳам бўлмадида: қаттиқ шамоллаб қолган хотинини, ҳарна яқинроқ санаб, Сариосиё марказидаги шифохонага ётқизди, дори-дармонидан, иссиқ-совугидан хабар оламан, деб бир ҳафтача қолиб кетди; кейин дўхтирлар: «Бўйракни совуққа олдириб қўйибди», дея Термиздаги Марказий касалхонага жўнатишди: операция қилиш лозим экан, уларда имконият яхшироқмиш. Яна беш-олти кун бемор ёнида қолишга тўғри келди. Хайриятки, болаларига синглиси Шакаржон кўз-қулоқ, бўлмаса нима қиларди? Кўни-қўшни ҳам бор-ку, аммо қимирлаган жон қишга ҳозирлик кўриши лозим. Бу ерларда қиш бировни аяб утирмайди, айниқса, сал бепарво бўлган одамни.

Саноқул чуқур «уф» тортди. Эҳ, шунча ҳаракати бесамар кетди: бўйракдан айрилган Шоҳсанам тузалиб кетмади — бандаликни бажо келтирди. Тақдирга тан берган Саноқул елиб-югуриб кеча еттисини ўтказди, йигирмасига эса ҳали анча кун бор, белини маҳкам боглаб ем-хашак тўплаши керак. Ўқишидан жавоб олиб келган ўгли Эртўгон шу ердалигида фойдаланиб қолмаса бўлмайди, агарда уям кетаман деб қолса, барча юмуш бир ўзига қолиб кетади. Ҳали мактабни тугатмаган икки қизидан нима ҳам кутарди: уйдаги

озик-овқату кир-чирни эплаб утирса ҳам катта гап. Дадасига раҳми келиб, ёрдам берамиз дейиши турган гап, лекин: «Бундай совуқда қиз болани ишлатиб бўладими», бевақт хотинидан айрилган Саноқул шундай хулосага келди. Ахир Шоҳсанам ўзини ўтдан-чўққа уравериб, нима бўлди? На иссиқда тинди, на совуқда. Бечора: «Эримга кўмак бўлсин», деб ўзини ўйламади, ҳатто касаллигини ҳам билдирмади. Йўқ, энди қизларни қиш ичи ишлатмайди, ҳар қанча иш бўлса, ўзи қилади. Керак бўлса, мол-ҳолни ярмига қисқартиради. Бу ебтўймасларнинг дастидан хотини адоий тамом бўлди: «Етар!».

Саноқул пешонаси тиришиб бўғзидаги тахир нарсани туфлаб ташлади, сўнг ўгли ётган хонанинг деразаси олдига келиб овоз берди:

— Эртўгон.

Кеча маъракада асосий юмуш Эртўгоннинг зиммасига тушди, чарчаган шекилли, донг қотиб ухлаб қолибди. У дадасининг овозини аранг эшитди. Ўрнидан туриб, қишки уст-бошини кийиб остонада кўринди. Муздек тоза ҳаво уйқусини қочирган бўлса, атрофни қоплаган оппоқ қор ҳайратга солди. Қандай ажиб манзара!.. У тугилганидан буён шундай гўзал ва сокин табиат қўйнида яшайди, аммо бу ерлардан анча олисда юргани учунми, бугунгидай болаларча таажжубланмаган эди. Бироқ ҳов анави қирдаги бир чети кўриниб турган қабристонга кўзи тушганда, манзара бир зумда сўлгин кўриниш олди. Уй атрофидаги мевали дарахтлар, чор атрофдаги арчазор ва бутазорларнинг қадди букилгандай туюлди. Ҳаво қанчалар мусаффо бўлмасин, нафаси қисгандай сезди ўзини. «Она, онагинам, наҳот ўқишимни битирганимни энди кўрмасангиз? Шундай юксак тоғлар ҳам кўзимга

чўккан мисоли кўриняпти. Арчазору бутазорлар гамга ботгандай, жуда гариб. Дадам-чи, дадам, бир ҳафтада қадди букилиб, чолга айланиб қолди. Сингилларимни айтмайсизми! Улар онасидан айрилган кўзичоқларнинг ўзгинаси, чор атрофга аланглайдилар, сиз ётган хонага кирганлари-кирган. Баъзан хонанинг бурчагига ўтиришиб йиғлашга тушишади. Лекин ёшли кўзларини дадамдан яширишади, кўнгли ўксимасин дейишса керак-да. Онажон, онагинам, нега ўзингизни аямадингиз? Нега ўз вақтида шифохонага бормадингиз? Бизларни яхши есин, яхши ўқисин, келажақда қийналмасин деддингизми? Анави қўрадаги қўйлар кимга керак энди? Лоақал уч-тўрттасини соттириб, касал бўйрагингизни тузатишга сарфласак, нима қиларди? Ўзингизни аямабсиз, лоақал бизлар жон куйдирсак бўларди-ку. Нечун бунчалар бепарво бўлдик, онажон! Ким энди Сарвинозникига совчиликка боради? Сингилларимга келган совчиларни ким кутиб олади? Сиз бизга жуда керак эдингиз, онажон! Бу айрилиққа, бу бошимизга тушган мусибатга чидашимиз қийин бўляпти. Айниқса, дадам эзилиб, адойи тамом бўлди. Сизни вақтида дўхтирга олиб бормагани, яхшилаб даволатмагани учун ўзини айбдор сезади!.. Сингилларим юрагимни қақшатади, «онамизга эътибор бермабмиз, соғлигидан хабардор бўлмабмиз», деб. Эҳ, онажоним, бизларни бўзлатиб кетган меҳрибоним!..»

Ҳомуш тортган, кўзлари намланган, дили тигланган Эртўгон қандай қилиб юз-қўлини ювганини ҳам билмади. Елкасидаги сочиқни бетига босиб анча турди. Орадан бироз вақт ўтиб ўзини қўлга олди.

— Ассалому алайкум, дада, — деди Эртўгон бўм-бўш турган болохонага термилиб турган дадасининг ёнига келиб.

Саноқул ўглига кўз ташлаб, саломига алик олди, сўнг ўқишига қачон қайтиши кераклигини сўради. Эртўгон аслида бугун кетиши керак, онасининг маъракасини ўтказиб қайтишга жавоб олган. У дадасининг нима мақсадда сўраётганини англаб, кўнглидагини айтишга қийналди.

— Агар муддатинг тугаган бўлса, кечикма.

— Йўқ, эрта-индин кетсам ҳам бўлаверади.

— Бу қор бугун-эрта эрийдиганга ўхшамайди.

— Агар иш бўлса... қилавераман, дада.

— Йўқ, битирувчи курсан, ўғлим. Интизом қаттиқлигини биламан. Эрта-индин офицер деган унвон олиш арафасида турибсан. Майли, бу ёғи бир гап бўлар. Сен ташвиш қилмай, кетавер. Агар қорлар эриб, ўтлар сал селгиб қолса, амакингни ёрдамга чақирарман. Кеча қарашвораман, деди-ку.

— «Яна ўқишингдан қолиб кетмагин», деб менга ҳам айтдилар.

— Ундай бўлса, чойингни ичгин-да, йўлга туш. Ҳа, айтгандай, мана буни ол, камингга ишлатарсан. — Саноқул шундай деб, қўйнидан янги дастрўмолга ўралган бир даста пул чиқарди ва ўглига узатди.

— Пулим бор, — деди Эртўгон намланган кўзларини кафтига артиб. Жаназа кунни одамларга тарқатилган дастрўмол дийдорига тўя олмаган онаизорини эслатди, ҳойнаҳой, йўлига роса кўз тиккан бўлса керак, балки айтар сўзлари бўлгандир; афсус қиладида, етиб келолмаганига. Кўнгли бузилди: кафти тўла ёш бармоғига оқди.

— Зарар қилмайди.

— Сингилларимга ишлатарсиз.

— Уларга топилади. Ўртоқларинг олдида уялиб қолишингни истамайман.

Эртўгон дадасидан пулни оларкан, даструмолни кўзларига босди.

— Кўнглингдан ўтганини сезиб турибман, — деди Саноқул бир ютиниб оларкан. — «Бу пулларни онамга сарфласангиз, касалини даволатсангиз бўлмасмиди?» деган ўйга ҳам бординг. Аммо Худо шоҳид, ўнта қўйни сотиб, дўхтирнинг қўлига бердим. Айтган дори-дармонини ҳам олиб бордим. Бироқ... Ҳеч нарса қилмади. Умри қисқа экан. Қўлимиздан бошқа нимаям келарди, ўғлим. Энди ортидан дуо қилишдан ўзга чорамиз йўқ, жойи жаннатда бўлсин.

Саноқул шундан кейин ўгли томон аста бурилди ва қўлларини очди.

— Ке, энди хайрлашайлик. Мен шаҳарга тушиб, касалхонадан баъзи бир қогозларни олиб, мелисага, ундан кейин райсобесга учраб қўйишим керак. Расм-русуми шунақа экан. Ёки шаҳаргача мен билан бирга кетасанми?

— Мен... мен мазорбошига ўтиб, онам билан хайрлашаман, — деди Эртўгон узоқдан кўзга ташланиб турган қабристонга нигоҳ ташлаб.

— Унда мен борақолай. Хўш, ўғлим, омадингни берсин.

— Раҳат, дада. Энди ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Саноқул кўнгли ўксик фарзандини бағрига қаттиқ босди, сўнг «асдойдил бўл» дегандай елкасига уриб қўйди. Кейин йўлга чиқиш учун тузукроқ кийиниб олиш кераклигини ўйлаб ётоғи томон юрди: бу об-ҳавода, барибир, ишлаб бўлмайди, қор тагида қолган пичанни йиғишнинг ўзимас, ундан кўра шаҳардаги ишини битириб келади. Ўгли билан кетса ҳам бўларди, аммо ўйлаб қараса, йўл-йўлакай қиладиган ишлари ҳам бор экан.

— Сингилларингни уйгот, кетишингга у-бу тайёрлаб берсин. Ёки ўзим айтайми? — деди Саноқул эшикка яқинлашаркан.

— Ўзим айтаман, дада. Сизам нонушта қилиб кетсангиз бўларди.

— Ҳозир чой ўтмайди, ўғлим. Ҳа, айтгандай, бугун мактабга боришмасин, йўлни қор босган. Агар кетсанг, аммангникага кириб ўт, сингилларингдан хабар олиб турсин. Менам иложи борича эртароқ қайтишга ҳаракат қиламан.

— Ҳўп, айтаман. Дада, сиздан бир нарсани сўрайман деб тургандим: тунов куни дўкон олдида нотаниш одамга кўзим тушди. Кеча маъракага чиққан қўшнилاردан унинг отини Рўзимурод деб эшитгандай бўлдим. Қишлоқдаги бу бегона одам, ким?

Саноқул эшик тутқичини ушлаган ерида тўхтаб, ўғлига ўғирилди. Нима дейишини билмай, бир зум туриб қолди. Ахир, Эртўғоннинг қаерда таҳсил олиши маълум-ку, қизиқиши табиий. Лекин ўқишидан чалгитмаслик керак. Бўлмаса, «бегона» деб атаётган кишининг кетига тушиши мумкин. Тунов куни кечқурун ўғли Паркент томонларда тогдан тушиб келган қандайдир жангариларга қарши отишма бўлганини гапириб берганди. «Бу — одамларнинг лоқайдлиги оқибати, чегарачиларнинг масъулиятсизлиги натижаси» деганди. Ўқишида: «Сергак бўлинглар, юртимизга қадам босган ҳар қандай шубҳали шахслар, гараз ниятли бегона одамларни назардан қочирманглар», деб тайинлабди. Демакки, у ана шу чақириқни эсдан чиқармаган, қўйилган вазифани ҳаргиз унутмаган.

Саноқул томоқ қириб қўйди. Шу тобда «кимлигини билмадим» деса, ўғли гумонга бориб, ўқишидан қолиб кетиши мумкин. Ундан кейин, Рўзимуроднинг

ҳақиқатда ким эканлигини қаёқдан билади. Қишлоқ оқсоқоли ўртага тушгани учун ҳеч ким сўраб-суриштиргани йўқ. Мабодо ёмон одам бўлса, яна қасдлашиб... Ота шуларни ўйладими, фарзандини шубҳадан холи қилгиси келди.

— Гулбодомнинг Афғондаги узоқ қариндошларидан эмиш. Тул қолганини эшитиб, хабар олгани келибди-ю, ортига қайтгиси келмай қолибди. Баччагар Гулбодомга кўз тиккан кўринади.

— Худойқул ака ўлганига ярим йилча бўлиб қолди, шекилли?

— Ҳа, тўрт-беш ой ўтди. Аммо қариндоши энди хабар топибди. Одамлар шунақа дейишяпти, демак, тўғридир-да, ўғлим.

— Анча бўлдими, келганига? — Эртўгон ичкарига киришга интилган дадасига яна савол берди.

— Меҳмонни айтяпсанми? Икки ойга яқинлашиб қолди. Қишлоқ оқсоқоли Қаршибой отани танийсан, ўша киши ўртага тушиб, бошинг очиқ юрма, болаларингга ота керак, деб қистайвериб қўймаяпти экан. «Нимага бунақа қиляпсиз?» деб сўрасак, Рўзимурад қариндошини шу аҳволда ташлаб кетишни истамаётганмиш. Одамлар ёмон ўйга бормасин деб, Саидохуннинг дўкончаси омборида ётиб юрибди. Бу тарафдан ориятли одамга ўхшайди. Лекин тўғрисиям шу-да, тоғнинг овлоқ қишлоғида ёлғиз аёлга қийин.

Эртўгон дадасининг хотиржам айтган гапларидан шубҳа қилмади. Бироқ кўнглининг бир чеккасида «Гулбодом опанинг эридан ажраганини қандай эшитдийкин, қайси чегара постидан ўтиб келдийкин? Бемалол юрганига қараганда, ҳужжатлари жойида шекилли?» деган саволлар пайдо бўлди. Эртўгон сингиллари билан хайрлашаркан, улардан гап олиш

мақсадида Сарвиноз ҳақида гап очди. Фотиманинг бундан жаҳли чиқди, «шундоқ мотам кунларида қандай юрагига сиғдийкин, ўгил бола шу экан-да, ундан кўра, сизларга қийин бўлди, иссиқ кийиниб ол дейдиган онам йўқ энди, ўзларингни эҳтиёт қилинглар, деса бўлмасмикин?!» Кейин қовоқларини уйганича, ошхонани тарк этди. Синфдоши Сарвинозни ҳам бирдан ёмон кўриб кетди. Шу йил коллежни битиришса, Термиз шаҳридаги Педагогика университетига бирга ҳужжат топширмоқчи эди: бўлди, энди бормайди. Ҳалитдан акасининг хаёлини ўғирлаган бўлса, яхши қиз эмас экан. Унақа дугонанинг боридан йўғи!

Наврўза акасининг пинжига тиқилди. Фотимадан уч ёш кичик қизнинг гапини қаранг: «Опамнинг кўрслигидан хафа бўлманг», дейди-я. Тўққизинчида ўқиётган Наврўза бир ҳафтада кап-катта қизга айланиб қолганди, гўё. «Сарвиноз опам одобли ва меҳрибон қиз, доим мендан аканг яхши юрибдими, деб сўраб туради. Кеча қарашгани келмоқчи эди, аммо уялганга ўхшайди». Ана гап-у, мана гап! Эртўгон аслида бу самимий сўзларни Фотимадан кутганди. Аразлаган синглиси, балки айтмоқчи бўлгандир, бироқ нозик кўнглига саволи оғир ботди чоги, чимирилган лаблари, осилган қовоқларини тескари буриб олди. Зийрак Наврўза икки ўртадаги илиқ муносабатдан хабардор шекилли, ака юрагига малҳам топиб турибди. Эртўгон беихтиёр синглисининг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Ҳозир кетасизми, ака? — деди Наврўза акасининг кўзларига тикилиб.

Унинг пирпираган ва гамгин нигоҳи Эртўгоннинг қалбини ўртаб юборди.

— Ҳа, ўқишга бормасам бўлмайди. Имтиҳонларга жиддий тайёрланишим керак. Лекин сизларни ташлаб

кетишга кўзим қиймаяпти. Онам тириклигида кўнглим хотиржам эди. Энди...

— Дадам ёнимизда-ку, ака, хавотир олманг. Бунинг устига, энди кичкина қиз эмасмиз. Кеча Тоғайгул холам нима деганларини айтайми, сизга?

— Қани, айт-чи? — дея синглисининг намли кўзларини артди Эртўгон.

— «Кўнглингиз ўксимасин, энди бир оёғим сизларникида бўлади, онангиз каби меҳр беролмасам-да, иссиқ-совуғингиздан хабардор бўлиб тураман», деб айтдилар.

— Тоғайгул холам билан хайрлашиб кетаман.

— Хурсанд бўлади, ака. Ҳа, ёдимга тушди, ойим акангга мураббодан бериб юборгин, ўртоқлари билан баҳам кўрсин, деб тайинлагандилар. Сиз кийиниб чиққунингизча мен ертўладан опчиқиб тураман, хўпми?

Эртўгон ертўлага ўзи тушишини айтди. Аслида эса кўз ёшларини яшириш учун ўрнидан қўзгалган эди. «Онам раҳматли ўз қўллари билан тайёрлаган-да, — дея пичирлади ўрикдан қилинган мураббо банкасини қўлига олиб. Кейин бўйи тегар-тегмас ертўлага назар ташлади. Нималар йўқ бу ерда: ёшлигида кўп минганидан гилдираклари қийшайиб кетган иккита болалар велосипеди — бири уч, бошқаси икки гилдиракли; ёнида алюминий битон — ичида эритилган думба билан пахта ёғининг омухтаси бўлса керак; ундан кейинги йигирма литрли пластмасса идишларда гуруч, ловия ва туз солинган — у бундан уч йил аввал — институтга кирган йили йўгон ҳарфлар билан қогозга ёзиб, белига ёпиштириб чиққанди, ёрлиқлари жойида турибди, демак, ичига ҳамон шу озиқ-овқат маҳсулотлари солиняпти. Ўртадаги устунга биринкетин иккита ўроқ санчилган, сал пастдаги қозиқда

қалин ва ингичка арқонлар осилган. Қишга деб ёпилган шиша банкалар тахтадан қилинган икки қаватли тоқчага дид билан териб қўйилган. Пастда уч литрли банкага солинган помидор ва бодринглар; тепада ўрик ва олчали мураббolar — улар ҳар доимгидай фақат бир литрли шиша банкаларга жойлаштирилган. Сал нарироқда яна алланималар. «Сандиқ жойидамикин?» бирдан устига эски-туски нарсалар ташлаб қўйилган бурчакдаги сандиқ ёдига тушиб, ғимирлаб қолди Эртўгон. Қўлидаги банкани беихтиёр жойига қўйди: сандиқни топиш ва ичидаги қадрдон буюмни кўриш истаги устун келди. Ҳа, мана у! Бобосидан қолган ёдгорлик — ов милтиги. Эртўгон ранги бироз ўнгиган жигарранг гилофни аста очиб, милтиққа кўзи тушаркан, юраги орзиқиб кетди. «Эҳ-ҳе, аввал бобо-жони, кейин дадаси билан неча марта овга чиққан, аммо тўққизни битиргандагина ундан бир-икки бор отган, холос, асосан, қуролни ушлашни ўрганди, кейин мўлжал олишни, аммо коллежда ўқиб юрган кезлари росмана овга чиқди. Ўлжа яхши бўлган кунлари дадасининг «сендан яхши овчи чиқади, қўлингни қалтирамасликка ўргатганинг фойда беряпти, ундан кейин мўлжални ҳам аниқ оляпсан, бобонгнинг нафаси теккан-да» деган гаплари ёдига тушиб, мийигида кулиб қўйди. Милтиқнинг учини хира ёниб турган чироққа тўғрилади. Шунда бир пайтлар касал ётган бобоси унинг бошини оҳиста силаб: «Сенинг нигоҳинг ўткир чиқди, мерганлик маҳоратингни оширсанг, бир кун асқатади» деган гапини эслади. Овга чиққан кезлари у отда ўтирган жойида қаерда қандай жонивор юрганини ёки қўниб турганини адашмай кўрсатиб турарди. Эртаси куни тонг саҳарда йиги овозидан уйғониб кетди. Энди билса, бу сўзлар бобосининг

охирги тилаги экан. Шунданми, васиятдай бўлиб қолган отасининг сўнгги нидосига амал қилган дадаси унинг қўлига эрта милтиқ тутди. Ҳар гал қўшотарни елкасига тираркан, антикар, ҳаяжонланар эди. Бу нарса то мактабни тамомлагунча давом этди. Коллежни битириш арафасида овга чиққанларида эса, у милтиқни совуққонлик билан қўлига оладиган бўлди. Ҳозир анчадан бери кўрмагани ва ушламагани учунми, худди ёшлигидагидай ҳаяжонланган эди. Ахир бу кимсан, Сиёвуддин мерганнинг милтиги. «Мерган» деган лақабни эса бобоси немисларга қарши урушда орттириб келган...

II. «ЧЕГАРАДА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

Танаффусга кўнгироқ чалинди. Уқитувчи дарсга яқун ясади:

— Ҳурматли курсантлар! Бу охирги дарсимиз эди. Уйлайманки, ўқув машқлари ва давлат имтиҳонларидан олдин ўтказилган бугунги мавзуда шаҳар ва қишлоқ шароитларида хавфли вазиятни юзага келтирган, яъни аҳоли тинчлигига рахна солган душманни ўраб олиш, таслим қилиш, агарда қаршилиқ кўрсатса, уни йўқ қилиш борасидаги назарий билимларни эгалладингиз. Олган билим ва кўникмаларни кейинчалик ҳам қўлдан чиқариб бординг. Булар сизларга асқатади, албатта. Энди эса сизлар билан хайрлашаман. Келажакдаги ишларингизга омад тилайман!

— Курсант Қодирниёзов. Домла, савол мумкинми? — деди қўл кўтарган Эртўгон ташқарига чиқишга тайёр турган курсдошларига аҳамият бермай.

— Марҳамат!

— Бизларга тогли шароитларда ҳам душман билан қандай жанг қилиш тактикасидан кўпроқ сабоқ берилганда янаям яхши бўларди. Ахир республикамиз давлат чегарасининг кўпгина ҳудудлари...

— Саволингни тушундим, курсант Қодирниёзов, мараҳамат, ўтир, — деб талабанинг сўзини бўлди ўқитувчи. — Биз яқинда раҳбарият билан худди шу мавзуда гаплашдик. Ўқув дастурларига ўзгариш киритишни ҳам режалаштирганмиз. Махсус тажрибага эга мутахассисларни ёллашимиз билан ҳам назарий, ҳам амалий билим беришни йўлга қўямиз.

— Унгача...

— Унгача борини ўқиб-ўрганишга тўғри келади.

— Албатта. Лекин афсуски, бу йўналишда етарлича билим ололмадим, — деди курсант Эртўгон Қодирниёзов.

— Сен тоғда ўсган бўлсанг, унинг паст-баландини яхши билсанг, бунинг устига, қуролдан фойдаланишда, баландликка чиқишда курсдошларинг орасида пешқадам экансан, ҳуш, яна нима керак сенга, курсант Қодирниёзов? Бу кўрсаткичлар билан ҳар қандай ҳарбий қўшинда хизматни давом эттиришинг мумкин.

— У чегарада хизмат қилмоқчи, — деди Эртўгон билан доим баҳслшиб юрадиган Жоббор орага гап қўшиб.

— Жуда соз! — дея курсант Жоббор Мажидовга танбеҳ беришдан ўзини тийди подполковник Мансуров. Битирувчи курслиги ёки танаффус пайтини назарга олдими, ўзини таништириб мурожаат қилмагани учун жазо тайинламади, акс ҳолда, кечирмас эди. Муаллим бу гал бағрикенглик қилди. — Менимча, курсант Қодирниёзов тўғри қарор қабул қилган.

— Лекин қабул қилишмаса керак, деб қўрқяпти.

— Нима учун? — курсант Жоббор Мажидовдан нигоҳларини узмади подполковник. — Бизнинг билим юртини битирган кадрлар ичида ҳар томонлама етук офицерлар борки, улар қаерда ишламасин, берган қасамёдига содиқ қолишади. Ана шундай бўлажак офицерлардан бири курсдошинг Эртўгон Қодирниёзов деб биламан.

— Бироқ у чегарада хизмат қилишни ёшлигидан орзу қилиб келганмиш. Бу ерга ноиложликдан кирганман деб нолийди, очигини айтсам юраги тоғларда қолган экан, — танаффус пайти бўлгани учунми, Мажидов подполковник билан тенгма-тенг савол-жавоб қила бошлади. Ёнига келиб «бас қилсанг-чи!» дегандай елкаси билан аста туртиб қўйган Мардонга парво ҳам қилмади. Эртўгонга эса кўз қирини ташлаб қўйди, холос.

— Унинг яна бир плюс томони ҳам бор, — деди йигитларнинг кўпинча баҳслашиб туришидан бохабар подполковник Мансуров. Муаллим айна пайтда атай қилгандай, курсант Қодирниёзовнинг яхши томонларини гапирди. Жобборнинг тор пешонасида майда чизиқлар пайдо бўла бошлади. — Узоққа беҳато отишингни эшитганман. Демак, мергансан. Мабодо омадинг келиб, мақсадинг амалга ошса, биздан ололмаган унча-мунча назарий билимларни хизмат вақтида ўрганасан. Шахсий тажрибангдан келиб чиқиб, балки эсдаликлар ёзарсан, китоблар чоп этарсан.

— Ў-ў, профессор бўларкансан-да! Кечирасиз, ўртоқ подполковник, у чегарани қўриқлайдими, ёки китоб ёзадими?

— Менимча, курсант Эртўгон Қодирниёзов иккаласига ҳам улгуради, у иродали йигит, — қатъий жавоб берди муаллим.

Бу таъкид Жобборга галати таъсир қилди. Негаки, муаллиф энди очиқдан-очиқ Эртугоннинг тарафини олиб гапирган эди. Тушунмади, нега ахир? Билишга қизиқди, аммо бу ҳақда сўраб бўларканми?

— Китоб ёзиш ҳақида билмадим-у, аммо чегарада хизмат қилиш ниятим бор, — деди Эртугон Жобборнинг луқма ташлаётганига эътибор бермай.

— Маълумот ўрнида шуни айтмоқчиманки, — деб сўзини давом эттирди муаллим танаффусга чиқишга шошилмай, — тоғли ҳудудларда давлат чегарасини қўриқлаш, кутилмаган ҳужумда душман билан жанг олиб бориш, тактик ва стратегик режалар тузиш ҳамда уни амалга ошириш бўйича Миллий Армиямиз учун махсус ёзилган қўлланмалар ростдан ҳам жуда кам. Бу тўғрисида бадий асарлар ҳам деярли йўқ. Битта-яримта кинофильмни айтмаса, ҳарбийлар ҳаёти очилмаган қўриқ.

— Сўрашга ижозат беринг, ўртоқ подполковник, бунга нима тўсқинлик қиляпти?

— Менимча, бу соҳадаги ҳарбий ўқитувчиларнинг малакаси камлиги, журналист ёки ёзувчиларнинг бу мавзуга дангал қўл урмаётгани, янаям аниқроқ айтадиган бўлсам, ҳарбий мавзуга ихтисослашмагани сабаб. Балки яна бошқа омилар бордир, лекин сенда бу йўналишга қизиқиш мавжуд экан, мақсад сари астойдил интилишинг керак. Қаршилиқдан чўчимаслик лозим. Сенга бу борада омад тилайман. Агар бошқа саволлар бўлмаса, ҳаммага рухсат!

Курсантлар йигирма дақиқалик танаффусни савол-жавоб билан ўтказишни ишташмайди. Шундоқ ҳам дарслар кўпайиб, мавзулар қийинлашиб боряпти. Қўлланмалар, асосан, рус тилида, терминлар эса энди-энди ўзбек тилига ўгириляпти. Тоғли ҳудудларда

жанг олиб бориш тактикасини ўргатувчи дарслик ёки қўлланмалар деярли йўқлиги Эртўгонга ўхшаган курсантларни ташвишга солаётган эди. «Нима учун бу йўналишга аҳамият берилмаган?» деган саволига қониқарли жавоб ололмади. «Шунча йиллик армия сафидаги қўмондонлар ичида малака ва тажриба етарли бўлмаслиги мумкинми? Албатта, мумкин эмас, фақат уларда лоқайдлик кайфияти устун бўлган. Ташаббус, фидокорлик, рағбат бўлмаган. Мана, гап қаерда?»

Эртўгон кейинги кунларда кўпроқ шу ҳақда ўйларди. Тугрисиям шу-да, тоғда текисликка нисбатан жанг олиб бориш жуда мушкул: душман қайси харсангтош, баланд дарахт ёки қалин бута ортига яширинганини пайқаш қийин. Дайди ўқ қаердан учиб келганини англагунча нарги дунёга равона бўласан. «Қўлинг-да снайпер милтиги турса, сал бежавотирсан, бироқ рақибда ҳам худди шундай қурол ва у сендан кўра эпчил ёхуд тажрибали бўлиши мумкин, — ўйга берилади Эртўгон қишлоқ ва шаҳарга қилинган шартли макетга тикиларкан, — домлалар тўғри айтишади, душманга қарши муносиб жанг қилиш учун тоғ шароитини яхши билишдан ташқари мустаҳкам ирода, ва, албатта, амалий кўникма зарур. Минг афсуски, ўқиш давомида бир мартагина тоққа чиқдик, холос, ўқув машғулоти ҳам номига ўтказилди. Кўпроқ сайрга ўхшаб кетди. Билмадим, бу, биз, курсантларнинг талаб қилмаганимизми ёки ўқитувчиларнинг эътиборсизлигими? Балки, домла айтгандай, дастурга киририлмагандир? Катта харажат талаб қилинади деб, атай режалаштирилмаган бўлса-чи? Худо кўрсатмасин, вилоятимизнинг тоғли чегараларида отишма бўлиб қолса, нима қиламиз? Ахир ҳозирги вақтда хорижда яширин иш олиб борётган турли экстремистик кучлар-

нинг диёримизга ҳам кўз тикиб туришгани сир эмас-ку. Албатта, сон ва техника жиҳатдан ғанимлардан устун бўлишимиз мумкин. Бироқ бизда ҳам қурбонлар бўлса-чи? Нотинч ёки жанг кетаётган давлатларнинг яширин базаларида ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган жангарилар, асосан, ўрмон ва тоғу тошларда яшаркан. Машқлари ҳам шундай шароитларда ўтаркан. Мана шуларни инобатга олиб, бизларга ҳам кўпроқ амалий дарс ва машғулотлар ўтказиш лозим эди. Кейинчалик ҳар қандай шароитда жанг олиб боришга тайёр туришимиз керак. Тўғри, армиямизда махсус отрядлар бор ва улар шароит танламайди. Бироқ улар сафида хизмат қилиш, жуда катта тажрибага эга бўлиш лозим. Қани эди, ўқишни тамомлаб, ўшандай отрядларга қабул қилинсам. У ердаги снайперчилардан орқада қолмасликка ҳаракат қилардим».

Эртўгон Олий ўқув юртига ўқишга кирганидан сўнг мерганлик бўйича ўтказилган мусобақада голиб бўлди-ю, негадир снайпер бўлишга қизиқиб қолди. Шундан кейин бу тўғрисидаги жамики фильмлар, компьютердаги ўйинлар ҳам қолмади. Биринчи курсдаёқ ҳаммасини кўриб, ўйнаб бўлди. У, айниқса, ўрмон ичида ва тоғли ҳудудда олинган жангари киноларни диққат билан томоша қилди, вақт топди дегунча уларни таҳлил қилди. Йўқ, шунчаки ишқибозликдан эмас, сюжетдаги ютуқ ва камчиликлари аниқлаш, солиштириш, мулоҳаза учун. Жанг пайтида снайпер нималарга аҳамият берди-ю, қайси муҳим жиҳатларга эътиборсизлик қилди. Фильм якунида у нега ҳалок бўлди ёки ғалаба қозонди? Уни худди шу саволлар қизиқтирар, ечим топса қувонар, тополмаса қийналарди: кейин қайта кўришга ўтирарди.

Аслида, Эртўгонга, аввало, бобоси, ундан сўнг دادасининг ишончи туртки бўлди. Айниқса, дадасининг

шу қобилиятини оширишга даъвати ундаги ҳарбий бўлишга тугилган илк ҳавас ва туйғуларини кучайтириб юборди: «Бу ёруғ оламда касблар бисёр, ўғлим, — деганди дадаси коллежни томонлаган фарзандининг олиб келган дипломига тикилганича. — Аммо ҳозир юртимиздаги тинчликни сақлаш, ҳар доимгидан ҳам муҳим вазифа бўлиб турибди. Экстремист, террорчи, ёлланма қотил деган гап-сўзлар тез-тез тилга олин-япти. Бундай кимса ёки гуруҳларнинг турли мамлакатларда содир этаётган жиноятлари кундан-кунга кучайиб, даҳшатли тус оляпти экан. Буни мендан кўра ўзинг яхши биласан. Демокчиманки, ҳарбий бўлсанг, айниқса, чегарада хизмат қилсанг, дегандим. Тўғри, бу жуда хавфли ва машаққатли юмуш, лекин эр йигитнинг иши-да. Бобонг раҳматли сенинг исмингни ўзи танлаган, кўриб турганингдай, чор атрофимиз деярли тоғлардан иборат. Ана шу чуққилардан тушиб келувчи хавфга: хоҳ у ҳайвонот зотидан, хоҳ у одамзод қавмидан, йўлига тўгон бўлсин деб, исмингни Эртўгон қўйган. Узоқни кўзлаган бобонг худди шуни назарда тутган, ўғлим».

* * *

Дадаси айнан кўнглидагини қандай пайқади экан? Қишлоқ болалари билан «уруш-уруш» ўйиниданми? Балки, бу «отишма»ларда у кўпроқ чегарани пойлагани учундир? Ёки овга олиб чиққан чоғида тоғу тошларга диққат билан разм солишидан уқиб олдимикин? Эҳтимол, энг олисдаги нарсаларнинг нима эканлигини фарқлагани сабаб бўлгандир? Яна ким билади дейсиз, дадаси атай қўйнига қўл солиб кўрдимикин?

Йўқ, Эртўгон айтилган гапни самимий ёки шунчаки эканлигини ажрата оладиган зийрак бола. Да-

даси чин дилдан гапирди, бу аниқ, балки ўзининг ёшликдаги орзуси ҳам шунақа бўлгандир, оталар купинча ушалмаган мақсадлари ҳақида афсус билан гапиришади, бирор фарзадини уни амалга оширишга ундайди, деган гапларни эшитган. Лекин у дадасидан болаликдаги ниятини сўрамаган экан. Ўзи эса овга чиққан пайтларида қўшотарнинг оғзини узоқ-узоқларга тўғриларкан, ҳали уни, ҳали буни нишонга олиб, «Аскарларда бунақа оддий эмас, ҳақиқий қурол бўлади, юз метрнимас, минг метрни мўлжалга олади, қанийди, менда ҳам шунақа милтиқ бўлиб қолса», деб ўйларди. Орзуси дадасининг маслаҳатидан сўнг қарорга айланди. Мактабни тугатиб, ота-бола Хоразмга йўл олди: Эртўгон ҳеч иккиланмай Урганч ҳарбий-юридик йўналишдаги академик лицейга ҳужжат топширди. Кейинги мақсади Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юртида ўқиш эди.

Бироқ у ўйлаганидай, мамлакатда ягона бўлган билим юртига кириш осон эмас экан. Тайёргарлик машқларини аълога топширди, бироқ тест синовларига келганда етарлича балл тўплай олмади. Бир йиллик ҳарбий хизматга отланди. «Имтиёзли йўлланмани қўлга киритсам, албатта, мақсадимга эришаман», деб ҳаёл қилди. Лекин инсоннинг ҳамма нияти ҳам бирдай амалга ошавермас экан. Яна тест синовларидан ўта олмади.

Институт ҳовлисига илинган эълонга тикиларкан, пешонасидан муздай тер чиқиб кетди.

Эртўгон, асосан, қўшимча мавзудаги тест саволларини еча олмаётганига амин бўлди. Ҳарбий машқларни аъло топширяпти, айниқса, ўқ отишда энг юқори балл. Партага ўтириб тест саволларини ўқиганда ҳаёли тўзғирди: математикани амаллаяпти,

тарихни ҳам эплаяпти, аммо физикани кўнгилдагидай еча олмаяпти. Таваккал қилади. Лекин...

— Ғам тортма, — деди Саноқул ака ўғлининг маҳзун ҳолатига ичи ачишса-да, буни билдирмасликка уриниб. — Бу синовлар сени курашга чорлаяпти. Агар қўл силтасанг, бир умр армонда ўтасан. Қани, ўзингни қўлга ол! Ҳарбий бўлиш осонми, унга шу каби машаққатларни енгиб эришилади. Ахир юртнинг сарҳадларини қўриқламоқ мард йигитларнинг иши. Мардлар эса курашларда синалади ва тобланади.

— Гапингиз тўғри, дада. Аммо юринг, қишлоққа қайтамиз. Бундай олий масканларда ўқиш биз оддий одамларга эмас шекилли. Бу ерга, барибир, кира олмайман. Гап тест синовларида эмасга ўхшаяпти. Озгина қўллаб-қувватлайдиган одамнинг ҳам бўлиши керак экан.

— Ўқишга киролмаганларнинг гап-сўзларига қулоқ тутма. Улар алам қилганидан нималар дейишмайди. Балки сендан у-бу нарса унармикин, деб олдинга хўрак ташлаб кўришаётгандир? Наҳот шундай нарсаларга ақлинг етмаса, ўғлим? — деб қадоқ қўлларини ўғлининг елкасига ташлади Саноқул ака.

— Йўқ, дада, келгуси йили Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига бораман. У ерда терроризмга қарши кураш ва махсус операция кучлари бўлинмалари йўналиши бор экан. Тактик қўмондонлик факультетини тамомласам, истаган ҳарбий округда ишлашим мумкин. Лекин ўзи ҳам зўр факультетга ўхшаяпти. Халқаро терроризмга қарши кураш бўлимида ишлаш ҳар бир йигитнинг орузи. Дада, розилик беринг, кучимни синаб кўрай. Агар яна бир йил киролмасам, ўқишдан ҳам, ҳарбий бўлишдан ҳам кўнглим совиб кетиши мумкин. Кейин адирма-

адир чорванинг кетидан юравераман. Қишга ем-хашак туплайман, баҳорги ёмгирда ивиб, кўчиб тушган шувоқнинг ўрнига қайта лой чаплайман, қўйларнинг юнгини олишни қотираман, таппи қилиш, тезак териш қўлимдан келади. Қишлоқдаги умр шундай кечади-да. Ўзингиз айтардингиз-ку, мен каби тоғу тошларда чориқ судраб қолиб кетмагин, деб. Шунинг учун бошқа олийгоҳга ҳам бориб кўрай-чи, балки Худо насибамни ўша ёққа қўшгандир.

Саноқул ака нимаям дерди, ўглининг раъйига қарши бормади, омад тиларкан, қўлини маҳкам сиқиб қўйди.

— Шуни астойдил истаётган экансан, омадингни берсин, ўғлим.

* * *

Чирчиқдаги билим юртида ўқиш ниятидан воз кечмаган, қайсар, бир сўзли ўғлонни қучоғига олди...

Ойлар кетидан йиллар ўтиб, мана, кўз очиб юмгунча олийгоҳни тамомлаш арафасида турибди. Айни пайтда эса муаллимнинг ортидан танаффусга отланди.

— Саволинг ҳар қанча ўринли бўлмасин, роппароса етти дақиқа вақтимизни олдинг, — деб эътироз билдирди Жоббор курсдошини елкаси билан туртиб ўтаркан. — Топган вақтингни қара!

— Менимча, у чинданам ўзи тугилиб ўсган тоғда хизмат қилмоқчи, у ерда эса севган ёри бор. Ҳам чегарани, ҳам севгилисини қўриқлайди, — дея Эртўгондан аввал жавоб қилди қитмирлиги тутган Самариддин.

— Демак, республикамининг жанубий сарҳадларидан хавотир олмасак ҳам бўларкан-да, — деди йигитлардан бироз ўтиб, ногоҳ ортига бурилган Жоббор.

— Бўлмасам-чи!

— Ҳа, тоғли қизларнинг магнити кучли бўлади, деб эшитганман, — тиржайди Жоббор.

— Сен ҳам юрибсан-да, Мирзачўлда адашган бўталоқдай, — деб Жобборни туртиб қўйди Самариддин.

— Тополмадинг, — деди курсдошининг ўхшатишидан кўнгли тўлмаган Мардон. — Чирчиқ дарёсида тўрга илинишдан қўрққан сазан балиқдай десанг, чиройли чиқарди-да.

Самариддиннинг тутган йўли атрофдагиларга яхши маълум: бировга дўстлигини ҳам, душманлигини ҳам билдирмайди, масофани ушлайди; яқин олиб сиринг-ни айтсанг, ҳеч кутмаганингда ҳазил аралаш ошкор қилиши мумкин; ўзингдан узоқ тутсанг, бирдан тарафинг-ни олиб, ёлғизлатиб қўймайди. Охири йигитлар унга эътибор бермайдиган бўлишди: масхарабоздай гапга аралашиб юраверади; лозим топишса муносабат билдиришади, бўлмаса, йўқ.

Мардон эса Эртўгоннинг ҳамхонаси. Тўрт йил давомида дўстлашиб ҳам кетган. Тенгқур бўлса-да, Эртўгонни «устоз» деб чақиради. Албатта, мерганлик маҳоратини оширишда ёрдамини аямагани, унча-мунча билган сирларни айтиб, бегараз ўргатиб келгани учун. У ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган, озғин, аммо чайир ва чаққон йигит. Қўли очиқлиги унинг фазилати, бироқ калта сочлари тўлқинсимон шаклини ўзгартирганига кўниколмай пешонаси тез-тез тиришиб турар, айниқса, бу ҳол ётоқхонада яққол билинарди: тумбочка устидаги ёғоч рамкада ўқишга киришдан аввалги сурати бўлиб, узун тўлқинсимон сочлари қулоғидан пастга тушиб турарди; ҳазил-мутуйибага ўч йигит шундай пайтларда: «О, ёшлигим, қандай зўр сочларим бор эди-я?» деб афсус-надомат билан

бош чайнаб қўярди. Уч ўғилнинг кенжаси бўлган Мардон Самарқанд шаҳридан бўлиб, яқинда Ички ишлар вазирлигидан нафақага чиққан генералнинг эрка ўғли эди.

— Нима бўпти?

— Шунчаки айтдим-қўйдим-да, ошна. Қани, кетдикми буфетга, бир пиёла чойми, ёки қаҳвами ичмасак бўлмайди. — Мардон шундай деб Эртўгоннинг қўлтигидан олди.

Самариддин уларга эргашди.

Жоббор буфетга бирга кирса-да, бошқа столга ўтирди. Салдан кейин унга Руслан деган татар йигит шерик бўлди. Борисни эса деярли чақириб олди. Учовлари ўтирган жойда енгил кулги кўтарилди. Эртўгон бунга парво ҳам қилмади.

III. БУ ҚАНДАЙ СИНОВ БЎЛДИ?

Битирувчи курсантларнинг ўта масъулиятли кунлари бошланган эди. Давлат тестларига жиддий тайёргарлик кўришаётган бир пайтда, эртага ҳарбий машқларни бажаришдан имтиҳон топширишга буйруқ олинди. Бўлажак офицерлар шошиб қолишди, ахир бундай синовларга яна бир ҳафта муддат бор эди-ку? Тўсатдан эълон қилинишига нима сабаб бўлдийкин?

Командирлар бунинг сабабини тушунтириб ўтиришмади, аммо курсантлар тахмин қилишди ва бу борада қилган хулосалари тўғри эди: ширин уйқуни бузиб, ярим кечада тўсатдан «тревога» бўлаганидек, ҳаёл бошқа имтиҳонлар билан банд бўлиб турганда қўрққисдан бизларни синовдан ўтказишмоқчи!

Аслида ҳам шундай эди: курсантларнинг ҳарбий маҳорати бутунлай янги усулда, кутилмаган жойлар ва шароитларда жиддий кўрикдан ўтказилиши керак.

Эрталаб курсантлар уч гуруҳга бўлинди ва машиналарда ўқув машгулотлари ўтказиладиган ҳарбий дала машқ майдонига олиб кетилди. Курсантлар доимий базага яқинлашганларида хавотирга тушишга асос йўқ экан, дея бир-бирлари билан қўл уриштириб қўйишди. Бироқ ҳарбий базадан қурол ва жанг пайтида керак бўладиган бошқа яроқлар ҳам олиниб, машиналар колоннаси Паркент томонга йўл олганда кўнгилдаги хотиржамлик ўрнини сал ваҳм босди.

Майор Набиев гуруҳи жойлашган машинада суҳбат қизгин эди:

— Бизни қаёққа олиб кетишяпти? Синов машқлари базада ўтмайдими? Нега бизни олдиндан огоҳлантиришмади? — дея Жоббор Мажидов майордан сўради.

— Янги дастур бўйича синовдан ўтасизлар, — деди майор Набиев гуруҳидаги курсантларга нигоҳ ташлаб. — Буни сизлар бошлаб берадиган бўлдинглар. Кейинчалик фахрланиб эслаб юрасизлар ёхуд уялиб хотирадан ўчириб ташлайсизлар.

— Нима учун? — Жобборнинг кўзлари катталашди.

Майор Набиев жавоб беришга шошилмади.

— Хорижий мамлакатлар ҳарбийларининг ўта мураккаб шароитларда ўтказадиган машқлари ҳақида эшитгансиз. Мана, бизда ҳам ана шундай машгулотлар жорий қилинмоқда. Ҳарбий билим юртлари талабалари ўртасида биринчи марта биз бошладик. Намуна сифатида ўтказилади. Аммо ҳар қандай топшириққа тайёр турунглари. Гуруҳимнинг орқада қолишини истамайман. Тушунарлими?

Жаббор ўтган ҳафта Эртўғоннинг «Ватанпарвар» газетасида Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўттизга яқин давлатларнинг ҳарбийлари ўртасида уюштирилган

халқаро мусобақа ҳақидаги эълонни ўқиб ўтирганига кўзи тушган эди. Унда жиддий синовлардан мардонавор ўтган ва голибликни қўлга киритган британиялик аскарлар тўғрисида илиқ сўзлар ёзилганди. Энди эса уларни ҳам қандайдир синовлардан ўтказгани олиб кетишяпти. Наҳот, нуфузли мусобақаларда қатнашиш учун олийгоҳни битириб чиқаётганлар орасидан ҳам номзод танланмоқчи? Жаббор Эртўгоннинг «шундай жанговар тадбирларда қанийди қатнашсам», деган гапини эсларкан, бирдан қони қайнаб, жўшиб кетди. «Нега мен қатнашмас эканман, сендан асло кам жойим йўқ, менам бораман!» — дея ўша кунги қарорини ичида яна қайтариб қўйди.

Бироқ олдиндан пухта тайёргарлик кўрмасдан машаққатли машқларни қандай бажариши мумкин? Ахир халқаро мусобақадаги машқлар оддий эмас, вазифалари, шарт-шароитлари ҳам огир. Шунақаси ҳам бўладими? Ишқилиб, уялиб қайтиб келишмаса эди. Курсантларнинг кўнглидан ўтган саволларга манзилга етиб келишгач жавоб олишди.

— Ҳа, шунақаси ҳам бўлади, — тушунтириш берди қўмондонликни янгича синов жорий қилишга кўндирган, бутун масъулиятни ўз зимасига олган полковник Саидикромов. — Тасаввур қилиб кўрамиз: юртимиздаги тинчликни, барқарорликни кўролмаган душманлар бирдан чегарамизга ҳужум қилиб қолди. Ҳўш, бундай қалтис шароитда нима қиламиз? Ўйлаб ўтиришга вақт топиладими?.. Қўлингизга қурол бериб жангга йўллашга мажбур бўламиз. Вазиятни ҳам йўл-йўлакай тушунтирамиз: «Душмanning бир қисми чегарамизнинг тоғли ҳудудидан ўтган. Ҳар бир гуруҳнинг биринчи вазифаси — рақиб турган жойни аниқлаш ва уни йўқ қилиш.

Иккинчи вазифа, Чирчиқ дарёсидан кесиб ўтиш ва пистирмадаги душманнинг кузатув нуқталарини йўқ қилиш. Учинчи вазифа, беш километр наридаги Каттабулоқ қишлоғига югуриб бориш, гаровга олинганларни озод қилиш ва душманни асир олиш. Ярадорларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва уларни хавфсиз жойга яшириш ёки ҳарбий врач қўлига топшириш. Хуллас, фавқулодда вазиятдасиз!

Ҳа, биз сизни унчалик қийин бўлмаган ҳарбий машқларда синаб, тоблантириб, ана ундан кейин эгаллаган кўникмаларингизни хавфли зоналарда қайтадан синовдан ўтказишимиз мумкин эди. Бироқ қўмондонлик билан келишилган ҳолда битирувчи курсантларимизни фавқулодда ҳолатларда кўрикдан ўтказишга қарор қилдик. Буни шунчаки машқ деб ўйламанг. Ўзингизни гўё жанг майдонида деб тасаввур қилинг. Мардлик ва жасорат кўрсатадиган вақт келди. Шу азиз Ватан учун фидойи ўғлон эканингизни исботлашга имкон тугилди. Сизларнинг барчангизга галаба ёр бўлсин!»

Бу кутилмаган режа ростдан ҳам ҳақиқий «жанг майдони»ни эслатарди. Адир этагида мажақланган танк, сал нарида гилдираклари қийшайиб, тутаб ётган бир неча бронотехника, дарахтлар соясига қурилган палаткалардан эса асар ҳам қолмаган — ёниб кул бўлган. Шу пайт қазилган хандақ ва жарликлар орасидан «тирик» қолган, «ярадор» бўлган ўнга яқин аскарлар аста чиқиб келишди. Улар кўмакка муҳтож эди: бир-бирларини суяб зўрга туришарди. Кимнингдир боши, кимнингдир оёғи боғланган. Охирги ўқларини ҳам сарфлаб бўлган чоғи, қўллардаги қуроallarини ерга ташлашди. Бир қарашда ҳаммаси табиий: бу ерда қаттиқ жанг бўлган-у, гўё энди янги

кучлар ёрдамга етиб келган. Душман тоққа яширинган, бироқ қаерига? «Мадад кучлари»нинг асосий вазифаси ёвуз кучларни топиш ва тор-мор келтириш. Рақиб ортга чекинган ёки узоққа кетмаган, шу яқин атрофда бўлиши ҳам мумкин.

Машинадан тушиб саф тортган курсантлар бу манзарага ҳайратланиб тикилиб қолишди. «Жанг» дан қайтган ҳарбийлар жўнаб кетишгандан кейингина ўзларига келишди. Бу ҳолат атай уюштирилган эди, аммо ҳақиқийдай таассурот қолдирарди. Бунини курсантларнинг нигоҳлари, юз ифодаси ва жимгина кузатувларидан ҳам билса бўларди.

Эртўгон қўмондонликнинг бу тадбирни ўтказишга яхшигина тайёргарлик кўрганини, бўлажак офицерларнинг ҳарбий салоҳиятини бирдан қаттиқ синовдан ўтказишнинг йўлини топганини англади ва қалби ҳис-ҳаяжонга тўлди. «Шундай йўл тутиб, балки яхши қилишгандир, кўксига муштраб, «Мен ҳарбий бўламан, юртни душмандан қўриқлайман, унга содиқ қоламан, элимга, юртимга, Президентимга қасамёд қиламан», деб эрта-индин тантанали ваъда берувчиларнинг қанчалик куч-қудрат, сабр-тоқат ва садоқатга эга эканлигини амалда кўришмоқчи бўлишган. Бу гап-сўзлар фақат тилимиздами, ёки ҳақиқий ҳаётда ҳам шундаймизми? Қандай яхши усулни қўллашяпти. Бунини аввалроқ қилиш керакмиди? Шунда Мюнхенга бизнинг ҳарбийларимиз ҳам бориб, фахрли ўринларни забт этишармиди? Ҳа, майли, Миллий Армия тузилганига эндигина тўққиз йил бўляпти, биз ҳали кимлигимизни намоён қиламиз».

Шуларни хаёлидан кечирган Эртўгон қўлига ҳақиқий снайпер милтигини олди. Албатта, унга ичига тутун тўлдирилган ўқ беришди. Бироқ етакчи тушун-

тиргандай, биринчи галдаги мақсад «душман»нинг қаердалигини топиб, мўлжалга олиш ва рақия орқали уни «йўқ» қилингани ҳақида қўмондонликка хабар бериш. Аниқ белгилар асосида фош этилган рақиб ўйиндан чиқади. Агарда бошқа бириси ногоҳ қарши-сидан чиқиб қолса, голибни «олишув» ҳал қилади. Ҳеч қанақа гирромлик кетмайди.

Командирлар ўз гуруҳларига тушунтириш бера бошладилар. Капитан Давлатбеков гуруҳига Эртўгон ва Мардондан ташқари яна ўн иккита курсант бириктирилган эди. Жоббор Мажидов иккинчи, яъни майор Набиев гуруҳига тушган ва бу жанговар синовда голиб бўлиш йўлларини ўйлаётганди. Майор гуруҳни мардонавор курашга чорлади, аммо Жоббор жангда кўпроқ ҳийла ишлатиш ҳам галаба келтиришини уқтира бошлади.

— Жанг тақдирини биргина аскар ҳам ҳал қилиши мумкин, агар у айёрлик ила душманни тузоққа илинтира олса, — деди у ишонч билан. — Ҳозирги урушда куч ишлатиш шарт эмас, асосийси — ақл. Ҳийла ва макрни ҳам ақли расолар ўйлаб топади.

— Гапингда жон бор, бироқ рақибнинг куч-қудратини билмасдан туриб, менсимаслик ярамайди, — дея эътироз билдирди майор Набиев. — Ҳатто мен ҳам тасаввур қила олмаяпман, «душман» кимлигини? Қандай қуроллари бор? Махсус тайёргарликдан ўтган бўлса, уларга бас кела оламизми-йўқми? Балки улар бизни ҳозирнинг ўзидаёқ кузатиб тургандир? Мен биринчи босқичдаёқ ўйиндан чиқиб кетишингизни истамайман. Майли, айёр бўлинг, аммо ўта хушёр тулинг. Яширмайман, ҳар бир босган қадамингиз хавф-хатарли бўлиши мумкин. «Душман» чегарани кесиб ўтибдики, тиш-тирноғигача қуролланган, бу

ерларни яхши ўрганган ва қаердан туриб ҳужум уюштиришни билади. Сиз эса бундай жиддий вазиятга биринчи марта рубару келишингиз. Мана шундай огир ва мураккаб шароитда сизнинг топқирлигингиз, яъни вазиятни тўғри баҳолай олишингизни, жанговар ҳолатларда ўзингизни тута билишингизни ва охир-оқибатда галабага эришиш учун қилган барча ҳаракатингизни баҳолаб кўришмоқчи. Ўйлайманки, мени уялтириб қўймайсизлар. Асло шошма-шошар бўлманг, бир-бирингизни қўллаб-қувватланг, командирнинг буйруғини бажаринг.

— Уртоқ майор...

— Бу сен ўйлагандек, фақат бир кишининг жангги эмас, — дея майор курсант Жоббор Мажидовнинг сўзини бўлди. — Жамоа бўлиб ҳаракат қилингандagina мақсадга эришамиз. Буйруқ тушунарлими!

— Тушунарли, ўртоқ командир! — дейишди курсантлар бир овоздан.

— Қолган режани йўл-йўлакай гаплашиб оламиз. Хавотирим капитан Давлатбеков гуруҳидан. Улардан ортда қолиш, иснод билан тенг. Шунинг учун синовларга бардош бериб, барча босқичларда галаба қозонишимиз шарт.

— Эртўгонни назарда тутяпсизми? Унинг мерганлигини ҳисобга олмасангиз, ўзи жуда зўр эмас, — дея пешонасини тириштирди курсант Жоббор Мажидов.

Майорнинг гапига курсатнинг гаши келгани билиниб турарди.

— Буни шартли «жанг» давомида билиб оламиз. Кимнинг ким эканлигини шу уч кунлик «олишув» кўрсатиб беради.

— Ҳали бу ерда уч кунлаб юрамизми?

— Курсант Мажидов, ҳар бир босқичга бир кун вақт ажратилган. Рўпарадаги тоғнинг баландлиги қанча? Қани, ким айтади?

Курсантларнинг тахмини тўғри чиқмади. Етакчи бир минг саккиз юз эллик метр деганидан сўнг, тилларини тишлаб қолишди.

— Биз камида бир ярим-икки километр баландликка кўтарилишимиз керак. Балки ундан ҳам юқорига чиқармиз. Ҳар бир метрни жуда секинлик билан босиб ўтсак, «душман»ни аниқлаш ва ҳужумга ўтишимизга ярим кун вақтимиз кетиши мумкин. Полковник тўғри айтдилар: «Бу шунчаки оддий машқ эмас!». Яна қайтариб айтаман, бу ер ҳақиқий маънодаги жанг майдони! Қаршингизда эса ёвуз «душман» яшириниб турибди. Тўрт йилда олган билим ва кўникмаларга, эгаллаган маҳоратингизга хулоса қиладиган вақт етди. Қани, кетдик йигитлар! Галаба биз томонда бўлади!

Қўмондонликнинг буйругидан сўнг, учта гуруҳ қалин арча ва буталар билан қопланган тоғнинг шимол, ғарб ва шарқ томонларига — шартли бўлинган қисмлари томон йўлга отланишди. Курсантларга бу ҳудудда бундан бир неча кун аввал турли ҳарбий қисмларнинг профессионал аскарлари ўртасида худди шундай жанговар ҳолатдаги амалий машқлар ўтказилгани очиқ айтилди. Уларнинг кайфиятини билиш муҳим эди-да.

Генерал-майор Муҳаммаджонов Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмлар ўртасида ўтказилган мусобақа натижаларидан деярли қониқмади. Шундай пайтда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг раҳбари унга таклиф билан келиб қолди.

Полковник Саидикромов билим юрти ўқитувчиси подполковник Мансуровдан курсантларнинг етарлича

амалий тажрибага эга бўлмаётгани тугрисидаги эътирозларини эшитиб, ўйланиб юрарди. Кейин яқиндаги бир йиғилишда Паркент ва Хужакент тоғларида янгича тактик усулда синов ўтказилаётганидан хабар топиб, буни ўз курсантлари ўртасида қўллаб кўриш учун қўмондонликка мурожаат қилган эди.

— Бундай жиддий машғулотга рухсат беролмайман. Уларнинг руҳи синиб қолиши мумкин, — деди генерал-майор Муҳаммаджонов таклифни кескин рад этиб. — Беш-олти йилдан буён хизмат қилиб юрган аскарларнинг натижаларидан хабарингиз бор-ку!

— Аксинча, уларнинг кайфияти кўтарилади, ўзининг нималарга қодир эканлигини билиб олади. Бу нарсa курсантларнинг келгуси ҳаётига, албатта, таъсир кўрсатади. Чинакам ҳарбий бўлишга аҳд қилганлар сафимизда қолади, иккиланганлари, ўз кучига ишонмаганлари эса бошқа соҳаларга ўтиб кетади. Бунинг яна бир яхши томони бор, ўртоқ генерал-майор. Яъни, шундай йўл билан ҳарбий хизматчиларнинг сифат даражасини яхшилаб борамиз, натижада қисмларда адашганлар, ҳавасга юрганлар қолмайди. Ахир сиз биздан ана шундай жанговар кадрлар етказиб беришимизни талаб қиляпсиз-ку.

— Курсантлар бу машаққатларга чидай олармикин? Синовдан кейин уларнинг учдан бири қолсачи? — дея бироз хавотир билан гапирди генерал-майор.

— Демак, ана шу қолган қисм Миллий Армиямизнинг ҳақиқий таянч кучлари бўлади. Ҳарбий аскарларнинг сони эмас, сифати керак деганимиз шу бўлади.

— Майли, истисно тариқасида рухсат бераман, фақат сизнинг жавобгарлигингиз остида».

Икки кун олдин бўлиб ўтган суҳбатдан кейин полковник Саидикромов қўл остидаги ходимларига жиддий машғулотга тайёргарлик учун розилик олинганини маълум қилди. Курсантлар эса бу пайтда тест саволларига жавоб қидириб, бош қотираётган эдилар. Олдинда қандай синов кутиб турганини хаёлига ҳам келтирмаган эдилар. Мана бугун кутилмаган жойга келиб, тасаввур қилмаган синов олдида туришаркан, ҳамон бу имтиҳоннинг сабабини тушунолмай ҳайрон бўлишди. Мардоннинг Эртўгонга қарата: «Сенинг эътирозингдан кейин тоғда атай шундай машғулот уюштирган кўринади» деган гапида жон бормикин?

Эртўгон ўзи истаган милтиқ билан олға бораркан, ичида севиниб қўйди. Мардоннинг гапига эмас, қўлига ҳақиқий қурол олиб, шартли бўлса-да, «жанг»га кираётганига, маҳоратини, имкониятини назоратдан ўтказишга шароит яратилганига хурсанд эди. Майли, ундаги сохта ўқ ҳеч нимани ҳал қилмас, аммо айни дамда топқирлиги ва зийраклиги иш беради. Рақибни биринчи бўлиб аниқласа ва қизил нурни биринчи унинг пешонасига тўгриласа кифоя. Кузатув пунктидагилар бунни кўришса ва тасдиқлашса бўлди, галаба сари яқинлашаверади. Агар олишувга тўғри келса, муштини ишга солади, ахир бекорга бокс ва самбо тўгарагига қатнаётими? Шарқ якка кураш усуллариини ўрганаётгани, яқин масофада пичоқдан фойдаланиш сирларини билишга қизиққани иш берса керак.

Капитан Давлатбеков бошчилигида биринчи гуруҳ тоққа кўтарилишдан олдин қалин арчалар панасида тўхтади ва «душман» эгаллаган позицияни харитадан тахминан белгилаб олишди. Ана энди, бу эҳтимолни аниқлаштириш, рақибнинг сони ва кучи тўғрисидаги маълумотни қўлга киритиш керак. Бунинг учун ав-

вал разведкага бориладими ёки бирдан таваккалига «хужум»га ўтиладими?

— Наҳот қаршимизда турган рақибнинг сонини, асосан кимлардан иборат эканлигини билолмасак? — Мардон етакчи билса керак, деган умидда капитан Давлатбековга мурожаат қилди.

— Барча маълумотлар сир сақланган, — деди капитан гапни қисқа қилиб.

— Тўғри-да, — дея суҳабатга қўшилди қорақалпоқ йигити Нуржан. — Бизлер шартли «жанг»ге кираркенмиз, душманнинг санини қаердин биламиз. Ундаги қуралларнинг туриниде билмаймиз. Лекин улар бизден артиқ бўлмаса керек.

— Нуржаннинг гапида жон бор, — деди боядан бери ўйлаб турган фикрларини баён қилган Эртугон. — Биз ҳозирча курсантлармиз, демак, шундан келиб чиқиб иш тутишгани аниқ: гуруҳимизда нечта аскар бўлса, рақибларимиз ҳам шунча бўлиши мумкин. Фақат улар махсус тайёргарликдан ўтган, бу каби «машгулот»ларда кўп марта иштирок этган, етарлича билим ва тажрибага эга ёлланма аскарлар.

— Лекин бу, «душман»ни мутлақо енгиб бўлмайди, дегани эмас, — дея харитадан кўз узиб, курсантларга нигоҳ ташлади капитан. У ҳамон турли ўй-хаёллар исканжасида турган йигитларининг руҳини кўтаришга, вазиятни ўз қўлига олишга чоғланди. Бўлажак офицерларнинг кўпчилиги машгулотга киришишдан эмас, «жанг» пайтида арзимаган эҳтиётсизликдан «нобуд» бўлишдан қўрқаётган эди. Биронта рақибни «ер тишламасдан» ўйиндан чиқиб кетиш жуда алам қилади, албатта. Негаки курсантлар бундан олдинги имтиҳонларда ўзларини келажақдаги ҳарбий ҳаётга тайёрдек тутат бошлаган эдилар. Бу нар-

са уларнинг юриш-туришида, гап-сузларида сезилиб, мағрур ва масрурлик ила кун санашарди. Бугунги тадбир уларнинг ширин ўйларини чилпарчин қилиб юборган, офецдерлик унвонини олишдек шарафга эга бўлиш учун катта тўсиқ турганлигини кўз олдиларида намоён қилган эди. Энди ана шу машаққатни енгиб ўтиш керак. Акс ҳолда, унвон ва диплом назарларида ҳали-бери қўлга тегмайдигандай туюлди.

— Бизга ажратилган ҳудуддаги мана бу белги форми? — деб сўради Мардон харитага диққат билан тикиларкан. — Рақибларимиз балки шу ерда яширингандир?

— Ўзларини тутиб беришмаса керак, — деб дарҳол фикр билдирди курснинг фахри бўлган Салим.

Узун бўйли, қирра бурун, нафақат билим юртидаги, балки республика ва халқаро миқёсдаги югуриш мусобақаларининг доимий голиби бўлган, олийгоҳ номини шарафлаб келаётган бу йигитни, ҳатто дом-лалар ҳам ҳурмат қилар, Физкултура институтига ўтиб кетмасин-да, деб баъзида хавотир ҳам олиб қўйишарди.

— Тўғри, улар горга беркинишмайди, — деб курсантнинг эътирозига қўшилди капитан Давлатбеков.

— Ўртоқ капитан, агарда горнинг у томонида чиқиш йўлаги бўлса, яшириниши мумкин-ку, — деди Эртўғон навбати келганини билиб. — Душман бизни горга киришга ундайди ва ўзлари нарги томондан чиқиб қамал қилади. Шундай вариант кўзда тутилган бўлса-чи?

— Унда биз, аввало, «душман»нинг айнан шу горга беркинганини аниқлашимиз даркор. Ана ундан кейин горнинг иккинчи чиқиш жойини топишимиз керак. Рақибнинг тузоғига тушмаслик учун ундан кўра ақлли эканимизни кўрсатишимиз шарт.

— Балки, умуман бошқа ҳудудга яшириниш-гандир? Горда деб борсак, у ерда йўқ бўлишса-чи? Йўлдаёқ асир олишса ёки мағлуб этишса нима қиламиз? — Мардон командирнинг кўзларига қаради. — Биринчи шартдаёқ мусобақадан чиқиб кетиш жуда алам қилади-да, ўртоқ капитан.

— Бундай огир синовни ким ўйлаб топдийкин? Ахир бу етарлича билим ва тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчиларга мўлжалланган-ку, — дея биринчи марта фикрини айтишга журъат қилди амалий ўқув машғулотларидан доим паст кўрсаткич олиши билан танилган курсант Бегамов.

Командир нафақат курсда, балки бутун билим юртида «Юрақолсин» деб лақаб оттирган, аммо бу муносабатга ҳам парвойи палак Бегамовни гуруҳга қўшилиб қолганига гаши келган, аммо раҳбариятнинг навбатдаги «юрақолсин»идан сўнг, индамай қўл силтаган эди: «Хайрият, бу йил битириб кетади».

— Армиямиз сафларига хушёр, довюрак, қийинчиликларга бардошли йигитлар керак. Бундай мард ўғлонлар мана шу каби машқларда синалади. Тобланган ва синовдан ўтганлар саралаб олиниб, махсус қисмларга юборилади.

— Қолганларни-чи?

— Улар ҳақида раҳбарият бош қотиради, — деди капитан Давлатбеков. — Балки қайта ўқитар, балки ўзимизда бирор ишга олиб қолар. Ахир гуруч курмаксиз бўлмайди-да, Бегамов?

— Албатта, бўлмайди, ўртоқ капитан.

— Қани, энди асосий ишга ўтамиз. Ўн икки киши тўрттадан уч гуруҳга бўлинади. Бизга ажратилган ҳудудда учта объект бор экан. Яъни, гор, ташландиқ дала ҳовли ва қалин арчазор. Балки йўлимизда

қазилган хандақ ёки ертўла учраши мумкин, аммо уларнинг усти шундай усталик билан ниқобланган бўладики, қаердалигини асло пайқамайсиз. Демак, вазифаларни тушунтираман: биринчи гуруҳга курсант Эртўгон Қодирниёзов етакчилик қилади. Тепаликдаги эгасиз дала ҳовлини эгаллаб, менга хабар берасизлар. Иккинчи гуруҳга курсант Мардон Бегалиев, учинчи гуруҳга эса ўзим бошчилик қиламан. Мардон тепаликдаги горни ишғол қилса, биз арчазорни «душман»дан тозалаймиз. Операцияга тўрт соат вақт ажратилган. Тушунарлими?

— Уртоқ капитан, сўзлашга рухсат этинг! — деб қолди яна курсант Бегамов.

Йигитлар бирдан савол-жавобга киришиб, ўзини кўрсата бошлаган курсдошига ҳайрон бўлиб қарашди. Бироқ курсант Чимбой Бегамов атрофдагиларга эътибор бермади. У энди битирувчи, йигитлар истайдими-йўқми билим юртини тамомлаб, бирорта ҳарбий қисмнинг озиқ-овқат таъминоти бўлимига йўланма олади. Ахир бундай «муҳим» иш билан ҳам кимдир шугулланиши керак-ку.

— Қўрқоқлик қияпти деб ўйламанг-у, аммо ҳаммамиз бир бўлиб...

— Курсант Бегамов, бу вариантни ҳам ўйлаб кўрдим, — деб курсантнинг саволини тугатишга қўймади капитан Давлатбеков. — Бутун взводни хавфга қўя олмайман. Агар пистирмага дуч келсак, ҳаммамизни бирдан қўлга олишлари мумкин. Взводни учга бўлишимнинг сабаби, агар қайсидир гуруҳга ҳужум қилинса, қолганлар «душман»нинг қаерда эканлигини билиб олади ва дарҳол икки томондан туриб қаршилик кўрсата бошлаймиз. Шунда рақибни енгишимиз осон бўлади. Тактика тушунарлими? Унда топшириқни ба-

жаришга киришамиз. Жуда зарурият пайтларидагина алоқага чиқинглар, сизларнинг ҳар бир эҳтиётсизлик билан босган қадамингиз ва шовқин-суронингиз ўзингизга қарши ишлашини унутманг. Аммо биринчи шартда мағлуб бўлишни ҳаёлингизга келтирманг. Биз, албатта, ғалаба қиламиз! Қани, шунқорлар, маррани забт этишга тайёرمىсиз?

— Тайёرمىз!

— Омад ёр бўлсин!

Взвод гуруҳларга ажраган ҳолда йўлга тушди.

IV. ИККИНЧИ ГУРУҲ САФДАН ЧИҚДИ

Мардон Бегалиев горга кўтарилиш учун ёнгоқзорни танлади. Баланд дарахтларнинг қалин япроқлари «тепада бўлиши мумкин» деб тахмин қилинаётган «душман»дан пана қилишига ишонди. Кейин ниқобланиш бўйича ўтилган дарслардан яхшигина сабоқ олгани ёдига тушиб, яшил ўт ва қўнғир тошларнинг рангидаги махсус формани кийиб олишга рухсат берди. Ҳа, ерга ётиб олган жангчини дарҳақиқат бир қарашда пайқаш қийин: бошдаги каска, ҳатто оёқдаги ботинка ҳам кийим билан бир хил. Ҷақат юзга ҳам шу матодан ниқоб тортилса, бемалол юқорига кўтарилиш мумкин.

Бироқ олдинда нима кутаётганини қаердан ҳам билсин. Разведка кутилмаган хавф-хатарга тўла бўлганидай, бу машгулот давомида ҳали не кўйларга тушаркин? Тог бағридаги сокинлик, айрим қўшларнинг сергак парвозию тез-тез хавотирли сайраши диққатни жамлашга ундайди, бироқ таваккал қилишдан ўзга чора йўқ. Таваккал эса ҳар доим ҳам ўзини оқламаган.

Ёнгоқзордан энди чиқа бошлашганди, биринчи зарбага дуч келишди; бу оддий, аммо олдиндан пухта тайёрланган тузоқ бирдан икки курсантнинг оёғини осмондан қилди: олдинда бораётган Зоҳид охириги ёнгоқ дарахтининг панасида туриб атрофни кузатди, шубҳали нарса ёки кимсага нигоҳи тушмади, энгашиб энди икки қадам босганди, оёғига чирмашган арқон уни ерга йиқилишига ҳам қўймай тепага олиб чиқиб кетди. «Аа-а!» деган овоздан хушёр тортган Мардон билан Юсуф дарҳол ўзларини ерга ташлашди, оёғидан осилиб қолган Зоҳид ерга тегар-тегмас ҳолатда қайтиб тушди ва у ёқдан-бу ёққа аянчли тебрана бошлади. Синовнинг биринчи мағлубияти маълум бўлди: курсант Зоҳид Зарипов машгулотни тарк этади. Бироқ шу пайт Юсуфнинг мардлиги тутиб, ҳамроҳини қутқармоққа шошилди, ахир шериги қўлга тушгани ёки кўксига «ўқ» теккани йўқ-ку, нега жимгина қараб туриши керак: олдинга интилган Юсуф кўзлари олайиб, пешонасидан тер оқаётган, илк босқичдаёқ таслим бўлганидан типирчилаётган Зоҳидни арқондан бўшатиб олишга киришди. Бирдан ерда ётган каттагина пичоққа кўзи тушди ва ўйлаб утирмай уни қўлига олди. Мардон «тўхта!» дейишга кеч қолди: бу пайтда яна қаердандир пайдо бўлган оқ чилвир Юсуфнинг ўнг оёғига илондай ўралиб, чирпирак қилди, бу хавфни кутмаган иккинчи «жангчи» ҳам қутқармоқчи бўлган дўстининг ёнида осилиб қолди.

Мардон қўли билан ерни муштлади. У ёнгоқзорни хавфсиз ҳудуд деб ўйлаганди, шу ернинг ўзидаёқ икки шеригидан ажраганига қони қайнаб, сўкиниб юборди. Энди икки киши нима ҳам қила оларди? «Аслида бўлинмаслигимиз керак эди, — деб ўйлади жаҳлини боса олмаган Мардон атрофни ёғоч билан

титкилаб чиқаркан. — Ҳаммамиз бир бўлиб ҳаракат қилишимиз лозим эди. Шунда биримиз қилган хатони иккинчимиз такрорламай, олга қараб борардик. Ҳозир-чи, ҳозир, балки Эртўгоннинг гуруҳи ҳам худди шундай тузоққа дуч келган ва бир неча аскаридан маҳрум бўлгандир? Эҳ, канитан, капитан. Узингизда аҳвол қандай? Бирор натижага эришдингизми ёки ҳамон харитага тикилиб ўтирибсизми? Очиқ айтаман, жанг олиб бориш тактикасини тўғри танлай олмадингиз, оқибатда биз жабр кўряпмиз ва оддий найрангларга ақлимиз етмай, «нобуд» бўляпмиз. Бўлмаса, кинофильмларда бу каби ҳийла ишлатилган эпизодларни кўп кўрганмиз, ҳар бир нарсадан шубҳаланиш кераклиги ёдимизда турибди. Бироқ нега хатога йўл қўйдик? Нега шошма-шошарликка йўл қўйдик? Агар ҳақиқий «жанг» майдонида бўлганимизда, алақачон асир тушган бўларканмиз-да? Эртўгоннинг командаси бизни қутқаришга келадими-йўқми? Балки унинг ўзи ҳам танг аҳволда қолгандир? Қутулиш йўлларини излаб ташвиш чекаётгандир. Ҳа, мана буни чинакамига «синов» деса бўлади? Ўқияпмиз деб кўкрак кериб юраверган эканмиз? Афсус, етакчилик қилиш қўлимдан келмади. Энди нима қилсам экан? Олдинга бориш — мағлубият, ортга чекиниш — шармандалик».

Мардон шерикларини тузоқдан қутқаргач, уларга базага қайтишига кўрсатма берди. Уришган билан фойдаси борми энди, бошини тебратиб афсусланганини билдирди, аслида бу унинг берган танбеҳи эди. Икки киши қолишди, ниманиям эплашарди энди? Кейинги режани капитан билан маслаҳатлашса-чи? Бироқ энди алоқага чиққанда йигитлик гурури бош кўтариб, уни шаштидан қайтарди: қай юз билан танг аҳволда қолганингни айтасан? Бировнинг гуруҳига

қўшиб юборса, нима деган одам бўласан, ундан кўра ақлингни ишлат ва олға бос, мард йигит чекинмайди, жанг майдонида қурбон бўлишни афзал билади.

Бу нидо юрагига далда бўлди. Шундай тўхтамга келганидан севинди, негаки, унга ишонч билдирилган, уч кишига бўлса-да, етакчи этиб тайинланган. Энди бошини ҳам қилиб, орқага қайтгандан ёки бошқа гуруҳга қўшилгандан кўра икковлон бўлса-да, «жанг»га киришади. Ор-номусни сақлай билиш керак. Балки ҳозирги тутган йўли билим юрти ҳаётида бир умрлик мавзу бўлиб қолиши мумкин, шундай экан, бу ёгига таваккал қилади. Ҳозир бу атрофда рақиб борлигини аниқ билолмади, демак, бошқа гуруҳга хабар беришдан наф йўқ. «Душман» тузоқни қўйиб, қаердадир беркиниб ётибди. Энди уларнинг номаълум жойдаги манзилини топиб, ҳужумга ўтишга ҳаракат қилишади. Агар шу ишни ҳам қилолмаса, ўзларини Ватан посбонлари деб санай олишармикин?

V. БИРИНЧИ ГУРУҲДА НИМА ГАПЛАР?

Келинг, энди Эртўгон гуруҳига эътиборимизни қаратамиз. У нима қияпти экан? Снайпер мақтаса арзигулик дурбинли милтиқни кўтариб севиниб юрибдими ёки аллақачон рақибнинг изига тушдимикин? Қўмондонлик нима учун кўпроқ уни кузатяпти? Билим юртидаги ўқув жараёнидан қониқмаган курсант, ҳойнаҳой, нима ҳунар кўрсатаркин, деб нигоҳ тиккан бўлса керак-да. Мерганлик маҳоратини ўз кўзлари билан кўришмоқчи ёки барча битирувчилар тўғрисида янада аниқ тасаввурга эга бўлишмоқчими? Балки бундай воқеликни — курсантларнинг

масъулиятли ҳарбийликка тайёрлигини билишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгандир?

Ҳа, мана шу тахмин тўғри бўлса керак.

Бироқ капитан Давлатбеков синовга киришишдан олдин Эртўгоннинг билагидан ушлаб, сал четга тортди: «Ҳаммадан ҳам сен эҳтиёт бўлишинг керак. Шу пайтгача ҳеч бир курсант ўқув жараёнидан қониқмаганини айтмаган эди. Менга билдирган эътирозларингни раҳбарият муҳокама қилди ва анча-мунча мунозарага сабаб ҳам бўлди. Менимча, шундан кейин ўйлаб топилган синов бу, агарда ўзингни кўрсатмасанг, сенга бўлган ихлослари қайтиши мумкин. Имкони борича яхши балл олишга ҳаракат қил. Агарда ишончларини оқласанг, келажакда орзуинг рўёбга чиқишига замин ҳозирлаган бўласан».

Кичик гуруҳи билан ёлғиз қолган Эртўгон олдинга боришга шошмади, узоқ масофани аниқ-тиниқ кузата оладиган бўйнидаги дурбинни ишга солди. Ҳар бир бута ва арчани, айниқса, унда-бунда кўриниб турган баланд дарахтни, катта-кичик харсангтошни синчковлик билан кузатди. Бобосининг «Овчида сабр бўлмаса, ишидан асло наф йўқ, — дегани ёдига тушди. — Вақтим кетяпти, бирор ўлжани қўлга киритолмадим, деб ўкинма, оддий кўз билан кўра олмайдиган нарсани дурбин орқали бемалол кўриш мумкин. Мўлжал олишни эса аста-секин ўрганиб оласан. Олдинига яхшилаб кузат, сўнг нишонга ол».

У ҳудудни кузатиб чиқди, аммо шубҳали бирор белгига нигоҳи тушмади. Сўнг осмондаги қушларга разм солди. Дадаси: «Энг яхши огоҳлантирувчилар — булар қушлар бўлади, — деган. — Безовта тулки ёки жайрани кўриб қолган бургут, калхат ёки лочин ўлжанинг тепасида жимгина учиб юради.

Уларнинг сассиз, сокин учиб юришидан қулай пайт пойлаётганини англаш мумкин. Бу сергак ва ақлли қушлар бегона одамни кўрса, унчалар юқорига кўтарилмай учади, яъни уяси атрофида айланиб юради. Агар полапонига кимдир яқинлашса, ҳужумга ўтиши мумкин. Ҳа, паррандаларнинг учишидан ҳам атрофдаги ҳолатни англаса бўлади. Бунинг учун ҳайвонот оламини кузатишдан чарчама, эринма. Шундай қилсанг, бора-бора қўрадаги қўзичоқнинг овозидан, чопқиллашидан неча кунлик бўлганини беҳато айтиб бера оласан. Мана шунақа гаплар, болам. Бу тоғларда сергак ва эпчил бўлсанггина омадинг келади, йўқса, ўзинг жароҳат олиб, унинг қурбонига айланишинг мумкин. Бу юксак ва виқорли тоғлар юрагида ўти бор мардларни севади». Ҳаммаси ёдида. Кейин у: «Бу ерларда ёмонлар ҳам борми, дада?» деб сўраганди. Дадаси ўйланиб туриб жавоб қилган, агар адашмаса бобосининг гапларини қайтарган-ов? Чунки элас-элас эсида-да, овдан қайтаётганларида бобосининг ҳам шунга ўхшаш: «Йўқ деб бўлмайди. Ёмон кимсалар унинг кенг ва беозор кўринган қучоғига яширинмоқчи бўлади, бироқ бу азим ва қадимий тоғлар, қир-адирлар хиёнаткорларни ўз бағрига сигдира олмайди, уларни, албатта, ошкор қилади» деган гапини эсларкан, атрофга қайтадан назар ташлади. Наҳот, бирорта шубҳали белги ёки объект кўринмаса? Ахир у табиий билан ясама нарсанинг фарқига борарди-ку, нега ўткир нигоҳлари ҳеч нимани нишонга ололмапти? «Қара, яхшилаб қара» деди ўзига-ўзи. Олдинда «рақиб» бор экан, демак, қаердадир беркиниб ётибди ёки тузоқ қўйган-у — унинг яқинида кузатиб турибди. Кузлари толиб кетди, йигитлар эса зерика бошладилар шекилли, гудрашга тушдилар. Улар Эр-

туғонни тезроқ олдинга бориш ва дала ҳовлини ўраб олишга ундашга ўтди. Етакчи шерикларининг баҳс-мунозарасига аҳамият бермади. Атрофни кузатишга ундади. Йигитларнинг сабр косаси тўлиб, гап-сўзлари кўпайди. Шу пайт капитан Давлатбековдан рақия орқали хабар келди: Мардон гуруҳидан икки киши ўйиндан чиққан, буни эшитиб тезроқ олдинга юришга чорлаётганлар бирдан жим бўлиб қолишди. Эртўгон йигитларга маъноли қарб қўйди ва кузатишда давом этди. Анчадан кейин юраги ниманидир сезди. Беш юз метрлар чамаси олдинда тор йўлак ва унинг четида қалин ўсган арча турибди. Бир қарашда оддий арча дарахти, бошқалардан унчалик фарқ қилмайди. Бироқ тоғ табиатини, унда ўсган гиёҳдан тортиб катта-катта дарахтларнинг ҳолати ва табиий рангини яхши билган, фарқини ажрата оладиган одам учун баъзи галати кўринган манзаралар шубҳа тугдириши табиий. Теварак-атрофдаги деярли барча арчаларнинг бўйи анча баланд, ердан бир метрлар чамасидаги танаси очиқ-ойдин кўриниб турибди. Лекин Эртўгоннинг нигоҳи тўхтаган, узунлиги тахминан икки ярим-уч метрлар келадиган арчанинг шоҳлари эса тошларга тутшиб ётибди. Нега? Бошқа навиданми? Ахир ҳудуддаги арчалар бир хил-ку! Неча йиллардан буён тарвақайлаб ўсиб ётгани учун ерга яқин шоҳлари бутунлай тушиб, йўгон танаси яққол кўзга ташланиб турибди. «Бу арча қўлда ясалган ёки бошқа ердан келтирилган! — деган хулосага келди Эртўгон. — Янги йил байрамида ясаладиган арчанинг ўзи. Ортига яшириниш учун атай ўрнатилган. Тор йўлакка киришимиз билан «душман» тепамизда пайдо бўлади-да, шовқин-суронсиз асир олади ёки қизил нурни орқа миямизга тўғрилайди. Ҳа, макр ишлатгани билиниб турибди. Демак, сал

яқинроқ бориб яна текшириш керак. Ёки айланиб ўтиб ортида нима борлигини аниқласам-чи?.. Тўхта-тўхта, арча чиндан ҳам кенг ва катта ясалган экан, рақиб унинг ичига яшириниши ҳам мумкин-ку? Унда ичида нега шарпа кўринмаяпти? Йўқ, «душман» арчанинг ортида ниқобланган ҳолда қулай пайт пойлаяпти».

Эртўгон хавфли ҳудудга киришга рухсат берди. Икки юз метрлар чамаси тепаликдаги харсангтош олдига кўтарилиб, ўша ердан яна кузатув олиб боради. Беркиниб ён томонга ўтилса, арчанинг орқаси бемалол кўзга ташланади. Ҳатто, ётиб олган одам қанчалар ниқобланмасин, биргина ҳаракатидан пайқаш мумкин.

У йўлга тушди, олдинда ўзи, қўлида узун таёқ. Икки метрлар атрофдаги ерга таёқни уриб-уриб қўяди. «Душман» иккинчи гуруҳни ҳеч қанча юрмасдан тузоққа туширган экан, бу томонларда ҳам макр ишлатиб, кутилмаган «совға» тайёрлангани аниқ. Уни қаерга қандай қўйганини топиш амримаҳол, фақат текширувдан ўтказибгина топиш мумкин. Назорат ҳам вақтни, ҳам қувватни олади. Аммо голиб бўлиш учун ҳар қандай машаққатга тайёр туриш лозим. Гуруҳдагилар бу манзарани киноларда кўрган эди, шунинг учунми, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Эртўгон дарахтларни паналаб бораркан, йўлда учраган равоч поясидан беш-олтитасини қирқиб олди, тоғолчадан териб халтасига жойлади.

— Фақат ортимдан юринглар. Салгина янглиш қадам, биз учун «охирги»си бўлиши мумкин, — деди Эртўгон паст овозда.

— Нима қиласан буларни? — деб сўради Салим ҳайронлигини яширмай. — Бизам олайликми?

— Шу етади. Сизлар оёқ тагига эҳтиёт бўлинглар! Самариддин, бу гап сенга ҳам тегишли.

— Юряпман-ку.

Худди шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Таёқни каттароқ ташлаб юбордим, Эртўгоннинг ўзи ёнбошга мункиб кетди ва оёғи остидаги буталар тўзғиб, чуқурга қулай бошлади. Салим нима қиларини билмай қолди, томоғидан «ух!» деган сўз қирилиб чиқди. Наим чўчиб кетиб ўзини орқага олганди, тошга қоқилиб йиқилди. Самариддин пиқ этиб кулиб юборди.

Эртўгон оёғи тойиш бошлагандаёқ довдираб қолмади, вазиятни ўнглаш учун қўлидаги билакдан йўғонроқ ёғочни жуда эпчиллик билан хандақ огзига кўндалангига қўйишга улғурди, сўнг турникка осилгандай бир зум туриб қолди. Кейин бир ҳаракат билан оёқларини кўтариб, ўзини ўнглади, четга сапчиб чиқиб олиш эса унга кўпам қийинчилик туғдирмади. Самариддиннинг кўнглига келган пичинг гап ичида қолди: агарда етакчи чуқурга қулаганда борми, бизга ақл ўргатгунча ўзингни эплаб юрмайсанми, деган бўларди. Бу гап отилиб чиқишга, нишонга тегишга шунчалар тайёр эдики, бўғзидан ортга қайтишга мажбур бўлганидан сассиқкекирдакдай ёқимсиз бўй таратди.

Эртўгон биринчи маррадан ўтиб олинганидан ичида севинди, аммо буни шерикларига сездирмади. Самариддиннинг мазахини юзига солмади, негаки, унинг сенгамас, энг орқада келаётган Наимнинг йиқилиб тушганига кулдим, дейишини фаҳмлаган эди, шунданми, кейинги нишонни текшириш учун арчаларни паналаб олдинга интилди. Ким билади, арча ёнида нима кўнгилсизлик кутиб турибди. Бироз юришгандан кейин Эртўгон йигитларни қолдириб, ўзини ўнг томонга олди. Сездирмай ҳаракат қилиб, эллик метрлар тепага кўтарилди.

Бироқ шохлари ерга тегиб турган арча ортида шубҳали буюм ҳам, одам ҳам кўринмади. Қайта-қайта тикилди, ён-атрофга синчков нигоҳ ташлади. Қизиқ, унда нега арча у ерга ўрнатилди экан. Шунчаки чалгитиш учун қўйиб кетишмагандир? Қандайдир мақсадга хизмат қилиши керак-ку?!

Яна арчага кўз тикди, қалин шохлар орасидан бирор белги топишга уринди, аммо фойдаси бўлмади, уриниш бекор кетди. Шу тор йўлакдан юрмаса-чи, арчани айланиб ўтиш ҳам мумкин-ку. Тўғри, сирпанчиқ, майда тошлар пастга тукилиб, шовқин-суронда қаердалигини сездириб қўйишади. Бундан ташқари очиқ майдонга ҳам чиқишга тўғри келади, бу эса нишоннинг ўзгинаси. Тезроқ бир тўхтамга келмаса бўлмайди, ахир вақт ҳам чегараланган. «Душман» ҳийласига алданмаслик учун қандай йўл тутгани маъқул? Маррага талафотсиз етиб боришнинг осон эмаслиги йўлдаги тузоқларнинг усталик билан қўйилганидан ҳам билиниб турибди. Ишқилиб, иккинчи босқичга ўта олишармикин? Ҳозирча эндигина битта хавфни ортда қолдиришди, холос. Олдинда эса... Эртўгон машаққат ҳақида ўйлаб, ўзини қийнагиси келмади. У сиқиладимми-йўқми, қаерларгадир тузоқ кетидан тузоқ қўйилгани аниқ. Асосий масала ана шу хавфни ўз вақтида сезиш ва чап бериш. Йигитларни ёнига чорлади.

— Нима бўпти, арчадақа арча, — деди Самариддин нишонга бироз тикилганидан кейин.

— Ҳа, тўғри, оддий арча. Лекин сен бу пакана ва қўпол арчадан нега шубҳаланяпсан? — деб сўради Салим.

— Янги йилда безатса бўларкан, — деди Наим ҳамма қатори сўз айтгиси келиб.

— Балки Наимни разведкага жунатармиз. Арча-нинг ортида нима болигини билиб келарди.

— Борсам боравераман, — деб мингиллади Наим. Лекин хавотирга тушиб қолганини сездириб қўйди. Йигитлар буни пайқамаганга олдилар.

— Арча орқасида шубҳали ҳеч нарсa йўқ, — деди ишонч билан Эртўгон. — Ён томонга ўтиб текшириб келдим. Шундай бўлса-да, кўнглим нимагадир гаш.

— Унда бирортаминизни юбор, — деди Салим дангалига. — Ёки уруш пайтидагидай биз ҳам гугурт чўпи тортаминизми?

— О-ла!

— Ҳм, нима? Чекингга тушса, чекчаймай бориб келасан.

— Бўлди, секинроқ гапиринглар. Бунақа пайтларда имо-ишора билан гаплашилади. Сизлар бўлса... Бас, ўзим бориб атрофни текшириб келаман.

Эртўгон тор йўлакка деярли судралиб етиб келди. Арча ва унинг тагига диққат билан разм солди. Узоқдан бўйи паст кўринган экан. Аммо яқин келиб қаралганда, тўрт-беш метр оралигидаги каттагина арча экан. Эртўгон унинг қўлда ясалганини тўғри топган, бироқ нима учун айнан шу ерга ўрнатилганининг сирини ҳалигача билолмай боши қотган эди. Қўлидаги таёқдан фойдаланишга қарор қилди, ахир олдинда тузоқ бор-йўқлигини билиш учун бир вақтлар дадаси шунақа йўл тутганди. Ҳайвон овловчи жоҳил кишиларнинг тузогини шу йўл билан фош этар, баъзиларини эса пастга иргитиб юборарди. Эртўгон узун таёқни найза улоқтиргандай зарб билан ўтиш йўлагига иргитди, қуриган хас-чўплар тап этган товушга ҳамоҳанг тепага сачради ва худди шу лаҳзада арча иккига ажраб, ичидан қулочдан кичикроқ думалоқ,

лекин гадир-будур, тошга ўхшаш яшил бир нима отилиб чиқди ва гувуллаганича пастга тушиб кетди. Кўзлари катталашган Самариддин анграйиб қолди, Салим бошини сарак-сарак қилди. Наимнинг нафаси ичига тушди. Улар Эртўгоннинг топқирлигига эмас, агарда бундай зарбага ногоҳ дуч келиб қолганда қандай аҳволга тушишлари мумкинлигини ўйлаб, ҳам чўчиб, ҳам ҳайрат ичида қолган эдилар.

— Менимча, яна бир тўсиқдан ўтдик, — деди енгил нафас олган Эртўгон орқасига ўгирилиб, жанговар дўстларини тепага кўтарилишга ишора бераркан.

— Нима эди, у? — деб сўради инқиллаганича етиб келган Самариддин ҳамон ҳаяжонини боса олмай. У жуда терлаб кетган, ҳансираб нафас олар, бир зумга бўлса-да тўхтаганларидан мамнун эди. — **Ҳақиқий** тошмиди? Лекин яшил тусли тошни умримда кўрмаганман.

— Ваҳимасини қара, агарда бирортамизга текканида борми, ўзи билан пастга олиб кетарди, — билганича жавоб қилди Салим. Кейин «гапим тўғрими» дегандай Эртўгонга қараб қўйди.

Гуруҳ сардори қулоғига чалинган гапларни имо билан тасдиқлаб қўйди. Бошқа хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шерикларини олдинга юришга чорлади. Наимга қараб, «Орқада қолиб кетма, сафнинг кетида юриш сен ўйлагандай жуда беҳавотир эмас», деб қўйди.

Нафақат дарсларда, амалий машғулотларда ҳам секин, шошмасдан ҳаракат қиладиган Наимнинг жавоби битта: «Хўп!» Иккинчи курсда ҳам шу одатини ташламагандан кейин йигитлар уни «хўп-хўп» деб мазах қилишга ўтишди. Наим эса ўзига «Юраверсин»ни шерик қилиб олди. Бир эмас, икки кишини лақаб

билан чақириш курсантларга галати туюлди, шекилли, уларни бирга кўришганда индамай қўя қолишадиган бўлди. Бироқ битирув курсида, барибир, «дугоналар» деган янги ном орттириб олишди. Уқитувчилар қанча тергашмасин, қанча уришмасин, бу лақабни йўқотишолмади. «Уларни сизлар қабул қилгансизлар, шунча йиллик умрига зомин бўляпсизлар», дегувчилар ҳам топилди. Забардаст йигит бўлиб етишган курсантлар ҳаётининг ўзига яраша қонун-қоидалари бор эди. Бу ерда бўлажак офицерлар яхшини яхши, ёмонни ёмон деб аташар, шунга яраша таълим-тарбия топаётган эдилар.

Эртўғон Наимни гуруҳига олганига афсуслангани йўқ, фақат жон-жаҳди билан ҳаракат қилмаётганига, шериклари каби баҳсларда иштирок этмаётганига, маррага боришга тузукроқ интилмаётганига хафа эди. «Эртага қаерда ишларкин?» деб ўзига-ўзи савол берарди. «Юраверсин» ўзи айтгандай, бирор ҳарбий қисмининг озиқ-овқат базасини «олар», лекин Наимчи? Мактабда ҳарбий таълимдан дарс беришга ярармикин? Бироқ ҳозир бу каби мулоҳазаларни ўйлайдиган, фикр юритадиган пайт эмасди.

Эндиги марра дала ҳовлини эгаллаш эди.

— Охирги нуқтани забт этиш анча қийин бўлади, — тушунтира бошлади Эртўғон харитага тезгина нигоҳ ташлаб олгандан кейин. — Уни аниқроқ кузатишимиз учун яна икки юз метрлар чамаси юқорига кўтарилишимиз керак. Балки «душман» бизни ўша сўнгги маррада кутаётгандир. Қўйган тузоқлари иш бермагани учун жаҳли чиқиб, аёвсиз қарши олиши ҳам мумкин. Шунинг учун ниҳоятда эҳтиёт ва ҳушёр бўлишимиз лозим. Ҳуш, тайёرمىсизлар? Унда, кетдик! — Лекин шу пайтгача бирорта «душман»

қўринмади-ку, — деди юришга деярли шошилмаган Самариддин. — Улар борми ўзи, деб гумонга тушиб қолдим. Буларнинг бари қўмондонликнинг шунчаки синови бўлмасин, тагин.

Арчаларни паналаб, энди юқорилаган Эртўгон ноилож тўхташга мажбур бўлди. Шериклари томон юзланаркан, жаҳл билан деди:

— Нима бўлган тақдирда ҳам, биз юклатилган вазифани яқунига етказишимиз шарт. Жангда буйруқ муҳокама қилинмайди. Биз оддий аскарлармиз, топшириқни уддалай олишимизни исботлашимиз керак, тамом-вассалом!

— Тўғри, жуда эзмалик қиляпмиз, — деди Салим етакчини қувватлаб. — Гапнинг очиги, сен бўлмаганинга эплай олмасдик, бу ишларни.

— Ҳа, Мардоннинг гуруҳига ўхшаб биринчи босқичдаёқ асирга тушармидик, — деди Самариддин Салимдан орқада қолмаслик учун. У маррага яқинлашиб қолаганларини сезиб, сардорни алқашга ўтган эди. — Сен бизнинг халоскоримизсан, десам... яна талтайиб кетмагин.

— Унда сенам ўзингни кўрсат, олдинга ўт, гуруҳни олга бошла! — деди Салим ҳазилнинг ўрни эмаслигини эслатгандай.

— Менам тоғда ўсганимда, ўзим билардим, нима қилишни. Қаршининг чўлида бу каби усулларни ким ўргатади, — терс жавоб қилди Самариддин. — Ҳамма нарса муҳитга қараб-да.

— Демак, чўлу биёбонларга борсак, сардор сен бўларкансан-да?

— Кесатма! Ҳар ҳолда, сендан кўпроқ нарсага ақлим етади, — деб олдинга эмаклади Самариддин.

Салим уни тўхтатди. Берган саволи ўринли бўлса-да, Самариддинга галати эшитилди.

— Илон чақса нима қилиш кераклигини биларсан?

— Чаён чақса нима қилиш зарурлигини биламан. Хавотир олма, агар шунга ўхшаш мусобақа чўлда давом этадиган бўлса, сени ўзим билан олиб юраман.

— Ол-а! Сенинг ортингдан юраманми?

— Ҳа, нима бўпти? Ақлинг етмагандан кейин акасининг этагини тутган боладай юрасан-да.

Салимнинг кўзлари қисилди. Жаҳлини босолмай, кичикроқ тош олдида ўзидан бироз олдинда ётган Самариддинга отди. Тош майда бўлишига қарамай, Самариддиннинг каскасида акс садо берди. Эртўгон йигитларнинг иккисини ҳам бўралаб сўқди.

— Ҳозироқ орқага қайтиб кетинглар!, — деди газаб билан. — «Душман»га қаерда эканимизни баттар сездириб қўясизлар-ку, нодонлар.

— Бизнинг тўполонимиздан кейин қаерда турганимизни аллақачон сезишган бўлса керак. Менимча, бу ёғига чиранишнинг ҳожати йўқ. Ортга қайтсак ҳам бўлар. Бу синовии менга ёқмаяпти, — деган Самариддин энди Эртўгонга қарши гапира бошлади.

— Лекин шунга қарамай, Мардоннинг гуруҳидан кўра яхши кўрсаткичга эришдик, — деди шундоқ ҳам тепага қўтарилишни хушламай турган Наим.

— Сенларни билмадим-у, аммо биз Эртўгон билан охиригача борамиз, — деди Салим сардордан аввал жавоб қилиб. — Агар қўрқаётган бўлсаларинг, шу ерда қолаверинглар. Гапим тўғрими, Эртўгон?!

— Секин! — деди Эртўгон овози йўғонлашиб бораётган йигитларга қўл силтаб. — Ҳаммамиз бирга борамиз. Орамизда қўрқоқлар йўқ.

— Мен ҳеч нимадан чўчимайман, фақат Салимдан кўра ақллироқ эканимни билдириб қўяпман, холос, — деди Самариддин сардорга тез нигоҳ ташлаб қўяркан.

— Нима? — Салимнинг қовоқлари уюлди.

— Дала ҳовлига кирмоқчимисизлар? — гапни бурди Салимнинг хезланганини кўрган Самариддин.

— Хуш, сенга нима, бормаганингдан кейин?

— Уй ичи «миналаштирилган» бўлса-чи? Маррага етдик деганда, мағлуб бўласизлар-ку!

— Ташвиш қилмай қўяқол, бир йўлини топамиз.

— Эртўгон тўгри айтди, ҳаммамиз бирга борамиз.

— Ё тавба. Кимлигингни ўзинг яхши биласанми, Самариддин?

— Бўлди, кўп ақллилик қилаверма. Бу ерда етакчи сен эмас. Тушундингми? Бу ишни Эртўгон ҳал қилади. Бизлар оддий аскарлармиз, холос. Хуш, ўртоқ командир, нима қиламиз, шу ерда тортишиб тураверамизми, ёки олдинга юрамизми?

Эртўгон йигитларнинг гап-сўзларига деярли аҳамият бермай, дурбинни кўзидан қўймас, яна қандайдир тўсиқни пайқаши керакдай, бутун диққат-эътибори чор атрофда эди. У шу ҳолатда Самариддиннинг «нега рақибларимиз кўринмаяпти?» деган шубҳасига жавоб излар, профессионал жангчилар кеча бу ерда машгулот ўтказишган бўлса, билим юртининг раҳбарларига «вақтимизни бекорга сарфлаб ўтирамизми, яхшиси, биз тузоқ қўйиб кетамиз, агарда улардан эсон-омон ўтишса, амалий машгулотлар бўйича меҳнатимиз зое кетмабди, деб ҳисоблайверинг» дейишганмикин деб ўзича мулоҳаза юритар, бироқ маррада, барибир, кимдир бўлиши керак, дея қатъий қарорга кела олмай турарди. Самариддин нимадир дедими? Ҳа, мина ҳақида гапиргандай бўлди. Хўп, шундай бўлган

тақдирда нима қилади? Яна таёгини ичкарига отиб, текшириб кўрадимиз? Лекин бомба бошқа жойга қўйилган бўлса-чи? Ёки, умуман бунақа хавф йўқ бўлиши ҳам мумкин. Биз ичкарига киришимиз, у ерда «душман» ва улар томонидан асир олинганлар йўқлигига ишонч ҳосил қилишимиз, агарда бинода ярадорлар бўлса, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишимиз керак. Шундай экан, балки бино ичкарисига кираётганимизда...

Эртўгон жумбоқнинг каттасига энди дуч келишини англаб етди. Ичкарига кирмасликнинг иложи йўқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам текшириб чиқишлари шарт. Хавф бартараф этилгандан кейингина том устига чиқиб байроқни ўрнатиш лозим. Бу гуруҳнинг биринчи босқичдан ўтганини ва галабага эришганлигини билдиради. Лекин ундан олдин сўнгги маррани эгаллаш керак.

— Кетдик!

Эртўгоннинг секин, аммо қатъий буйруғидан ҳушёр тортган йигитлар эмаклаб юқорига кўтарила бошлади. Уларнинг бири чап, иккинчиси унғ томонни назорат қилиб боришар, сардорнинг нигоҳи эса фақат олдинга эмас, чор тарафга югурар эди. Ярим соатлардан кейин дала ҳовлининг аввал томи, кейин бутунлай ўзи кўринди.

— Уй атрофида шубҳали шахслар кўринмаяпти, — деди Салим анча эскирган дала ҳовлидан кўз узмай.

— Бизга ташландиқ деб айтишганди-ку, — деб ногоҳ эшитилган овозга шубҳа билан қулоқ тутди Эртўгон. — Қўзичоқ нима қилиб юрибди у ерда?

— Қўзичоқ дейсанми? Ие, ҳа, рост. Балки адашиб келиб қолгандир? — деди Салим тезроқ қўзичоқни кўришга иштиёқи ошиб.

— Айнан қўзичоқ эканлигини қаердан билдинг? Балки «душман»нинг сирли паролидир? Рақиб яқинлашиб қолди, деб бир-бирини огоҳлантираётган бўлсачи? — деди калласи ишлай бошлаган Самариддин.

Салим унинг мантиқан тўғри фикр юритаётганидан таажжубланди. Шундай бўлса-да:

— Нима, қўзичоқ овозини эшитмаганмисан? — дея сўради.

Эртўгон беихтиёр суҳбатга қўшилди.

— Овозидан неча кунлик эканлигини билса бўлади, — деди у ишонч билан.

— Ростданми? Қани, айт-чи, унда?

— Эрта-индин бир ойлик бўлади, — деб жавоб қилди Эртўгон. — Ҳозир у бир ўзи? Бунинг устига, орқа ёғидан боғлаб қўйилган. Қўрада бошқа қўй ҳам, қўзи ҳам йўқ.

— Э, қойил сенга. Наҳот айтганларинг тўғри чиқса? Ким уни қолдириб кетдийкин? — ажабланди Самариддин.

— Топдим, — деди ҳаяжонланган Салим. — Қўзичоқни атай қолдиришган. Гуё, биз унга раҳм қилиб қутқаргани қўрага кирамиз, ўзимиз эса қопқонга тушамиз. Мана, нима мақсадда оёғидан боғлаб қўйилган.

— Мантиқан тўғри, — деди Эртўгон шеригининг ақл билан мушоҳада қилаётганидан хурсанд бўлиб.

— Нима учун боғланганини ҳам топдим, — деди мақтовдан руҳланган Салим.

— Эшитамиз! — Эртўгон билан Самариддиннинг гапи тенг чиқди.

— Агар қўзини эркин қўйишганда, биз қўранинг ичига кирмай, эшигини шунчаки очиб, уни чиқариб юборган бўлардик. Оёғидан боғланишининг сабаби, биримизни ичкарига киришга мажбур қилиш. Қўзи-

нинг арқонини ечаётганимизда нимадир содир бўлади-ю, ҳаммамиз қўлга тушамиз ёки портлашда «нобуд» бўламиз. Мана сенга бор ҳақиқат.

— Ростдан шундаймикин, Эртўгон? — деди Самариддин бу гапга ишониб-ишонмай. Салимнинг ҳеч иккиланмай жиддий гапириши уни ўйлашга мажбур қилган эди. — Бу гапларга нима дейсан, Эртўгон?

— Салимнинг гумонида жон бор, — деди Эртўгон Самариддинга юзланган кўйи. Кейин бироз ўйланиб турди-да, гапида давом этди. — Бироқ...

Бошланган мақтовдан Салимнинг юзида энди гурур аломати зоҳир бўлиб, ётган ерида бурни тепага кўтарилаётган эди, аммо сардорнинг «бироқ»идан кейин табиий ҳаракатлари сўниб, ранги гезара бошлади. Ялт этиб Эртўгонга қаради.

— Бироқ, бу ерда бошқа сир борга ўхшаяпти.

— Қанақа сир? — деди топқирлигига путур етган Салим бўш келмай. — Икки ҳийлани фош этдим деб кериялпсанми, дейман. Мен айтган нарса шундоқ яққол кўзга ташланиб турибди-ку! Уйда ҳеч ким йўқ, бошидандоқ бўлмаган. Буни кўнглим аллақачон сезган. Профессионаллар бизни калака қиляпти, холос. Улар биз курсантларни назарга олишмаган, шу оддий тўсиқлардан ҳам ўта олишмайди, деб ўйлашган бўлса керак.

— Менга қара, Салим. Балки бу ҳудудда ростдан ҳам ҳеч қанақа «душман» йўқдир-а. Боя айтганингдай, буларнинг ҳаммасини қўмондонликнинг ўзи ўйлаб топгандир. Бизларни синаш учун сўнгги амалий машлуғотдан бошқа нарса эмас.

— Бунинг нима фарқи бор? — деди катта харсангтошга суяниб олган Эртўгон. — Ким бўлсаям, бизнинг ақлий қобилиятимиз ва куч-қудратимизни

синовдан ўтказяпти. Балки ҳақиқий «жанг» иккинчи босқичда бошланар? Яккама-якка олишув олдинда кутиб турган бўлса, нима дейсизлар?

— Булармикин?

— Биз кўп вақтимизни бефойда тортишувларга сарфляпмиз. Агарда бошқа таклиф бўлмаса, кетдик, сўнгги маррани забт этишга!

Салим Самариддинга қаради:

— Хўш, сенингча нима қиламиз. Қўзини оч қолдирамизми? Арқондан бўшатмаймизми?

— Яқинроқ бориб ўз кўзимиз билан кўрайлик-чи, балки бўшатишга тўғри келар.

— Бўпти-да. Мен айтгандай бўларкан-ку.

— Кўрамиз. Қани, кетдик!

Йигитлар сардорнинг ортидан йўлга тушишди.

VI. БИРИНЧИ БОСҚИЧНИНГ СЎНГГИ МАРРАСИ

Ёзги ошхонанинг ортида кичикроқ қўра бўлиб, дарҳақиқат, унда ёлғиз қўзи орқа оёғидан боғлиқ ҳолда турарди. Эртўгон тез-тез оёғини силтаб, ингичка, аммо пишиқ чилвирни бўшатишга уринаётган, тўхтовсиз у ёқдан-бу ёққа бориб-келаётган қўзичоқнинг олдидаги ўт-ўланларнинг қолдиғидан билдики, у очиққанидан эмас, балки чанқаганидан маъраяпти. Бир четдаги эски пластмасса челақка интилиши сардорнинг фикрини тасдиқлар эди. Кимдир етарли хашак ташлаган-у, сув тутишни ёки челақни яқинроқ қолдиришни унутган. Балки атай шундай қилган бўлиши ҳам мумкин.

— Ростданам орқа оёғидан боғланибди, — деди Самариддин қўрани кўздан кечираркан. — Эртўгон,

тўғриси айт, таваккал айтганмидинг ёки ҳақиқатан ҳам биласанми? Оч қўзининг маърашига бунинг нима алоқаси бор?

— Гап унинг овозида, — деб тушунтирди Эртўгон. — Бўйиндан боғланса, овози жаранглаб чиқмайди, олди оёғидан боғланса бошқачароқ, орқа оёғига арқон урилса, яна сал бошқачароқ овоз чиқариб маърайди. Қўй боқмаган одам бунинг унчалик фарқига боравермайди.

— Бўйинга арқон солинса, тушунарли — овоз сал бўғилиб ёки хириллаб чиқади, — деди Самариддин ўзини жа оми эмаслигини билдириб қўйиш учун. — Аммо олди... орқа... фарқи борлигини эшитмаган эканман.

— Қўй боқмасанг, қаердан биласан? — деди Салим жим туrolмай. Кейин баҳсни бас қилиб, асосий мақсадга ўтайлик, деб қистай бошлади.

Ҳа, ҳозир бекорчи нарсалар ҳақида тортишадиган пайт эмас. Вақт кетяпти, тезроқ мусобақани тугатиш лозим. Акс ҳолда, шунча ҳаракат зое кетади.

— Ичкарини қандай текшириб чиқамиз? — сўради Салим дала ҳовлининг эшик-деразаларидан кўз узмай.

— Қўзичоқни олиб чиқ! — буюрди Эртўгон.

— Нега, уни нима қиласан?

— Хаёлимга бир фикр келди.

— Арқонни ечишим билан бостирманинг тагида қолмайманми?.. — ҳадиксираганча сардорга юзланди Салим.

— Ҳайвонни бу ниятда қолдиришмаган.

— Нима мақсадда қолдиришганини билмадим-у, аммо ичкарига киришимиз билан нимадир содир бўлади. Охирги маррани осонлик билан эгаллашимизга йўл қўйишмаса керак.

— Албатта. Лекин ташландиқ жойда етим қўзининг нима мақсадда қолдирилганини ҳозир биласан. Қани, тезроқ етаклаб чиқ. Мен эса ҳимоя қилиб тураман.

Салим беркинган еридан чиқиб, буйруқни бажарди: қўзининг бўйнидаги майин жингалак юнгидан ушлаб, Эртўгон кўрсатган эшик ёнига олиб келди. Сардор куч билан ёғоч эшикни тегиб очди ва шу заҳоти ўзини панага тортди, кутганидай ҳеч қанақа портлаш рўй бермади. Кейин қўзичоқни ичкарига киргазиб, қийшайган эшикни амаллаб ёпди: тузоқдан озод бўлганига севинган жонивор диконглаганча ўзини ичкарига урди, бироқ даҳлизга утар-ўтмас, нимадир гумбирлади ва уй ичини қуюқ туман қоплади.

— Энди тушундингми, қўзининг ролини? — деди Эртўгон Салимнинг елкасига қўлини қўйиб.

— Барибир, мен айтгандай бўлди, ичкарига қадам босганимизда енгиларканмиз, — дея байроқни тепага илишга шошилди Салим.

— Топқирлигимизни синашмоқчи бўлибдиларда, лекин эплдик, — деди Самариддин қуролини баланд кутариб.

— Раҳбарият кўриб тургандир маррага етиб келганимизни, шундай бўлса-да, байроқни ўрнатиб қўяман.

— Қўзичоқ туфайли сафимиздан ҳеч ким «қурбон» бўлмади, йўқса, ичимиздан кимдир ўйиндан чиқарди, — дея терлаган пешонасини артди Эртўгон. — Энди базага қайтсак ҳам бўлар. Бориб рапорт берайлик.

— Ҳаммага кўриняптими? — томда туриб бақирди Салим.

Йигитлар «зўр» дегандай бошмалдоқларини тепага кутаришди. Ғалабадан қалби жўшиб кетган Салим

автоматини тепага қаратиб ўқ узди. Юзига қизиллик югурган Наим ҳам жим туrolмади. Самариддин хо-холаб кулиб юборди.

— Мақтанишга ҳали эрта, — деди Эртўгон йигитларни огирроқ бўлишга ундаб. — Олдинда яна иккита босқич турибди. Улардан ҳам ута ол-саккина ҳақиқий маррага эришган бўламиз. Ана ўшанда қўлга киритилган галаба нашидасини сурсак ярашади.

— Яна билмадим-у, кейингиларни бажариш жуда мураккаб бўлса керак, — деди Самариддин бирдан шашти пасайиб.

— Агар ҳаммамиз бир бўлсак, қолганларини ҳам уддалаймиз, — томдан тушиб келган Салим шундай деб кўксига уриб қўйди.

— Ҳа, аҳиллик ва бирдамликда ган кўп. Агар сизлар бўлмаганингизда бир ўзим бу ишларни эп-лол-маган бўлардим, — деди уй ичкарисидан маъраганича чиқиб келган қўзичоқни ушлаб, ўзлари билан олиб кетишга қарор қилган Эртўгон.

Йигитлар бир-бирларига қўл ташлашиб, йўлга тушишди. Бироздан кейин Наим қўзидан гап очди.

— Нега етаклаб олдинг, Эртўгон?

— Энди у бизники бўлди, — дея сардордан аввал жавоб қилди Салим.

— Нима қиламиз уни, қўмондонликка топши-рамизми? Ахир улар бу баррани сихга тортиб юбо-ришса-чи?

— Биринчи босқичнинг мукофати бу, — деди Эртўгон мийиғида кулиб.

— Ростданми?

— Ана, айтмадимми? — деди пастликка эҳтиётини қилиб тушаётган Салим.

«Мардон нима қилдийкин? — йўл-йўлакай хаёлга берилди Эртўгон йигитларнинг қизгин суҳбатига эътибор бермай. — Икки киши қийналиб қолишгандир? Балки яна бирор тузоққа тушиб... Борсаммикин? Ҳа, боришим керак».

Эртўгон жониворнинг бўйнига солинган арқонни Салимга тутқазди. Базага бориб машгулот шартлари аъло даражада бажарилгани ҳақида рапорт беришни тайинлади. Ўзи эса Мардонни излаб ортига қайтди. Қумондонликка биринчи бўлиб хушxabарни етказиш унга насиб этганидан ичида севиниб кетган Салим честь бериб юборди.

— Ишончингни оқлайман, ўртоқ сардор!

— Қаерга кетяпсан? — деб сўради Самариддин базага қайтмаётган Эртўгоннинг мақсадини англолмай.

— Мардондан хабар олмоқчиман.

— Менам борайми?

— Сизлар базага қайтинглар.

— Ҳа, яхши, аммо анави сирни айтиб кет.

Эртўгон ёрдамга кетаётгани боис, ўз хаёллари билан банд эди. «Қайси?» дегандай Самаридиннинг қўзларига тикилди. Самариддин қўзининг орқа ва олдинги оёқларига солинган арқонни эслатди.

— Ҳа, бўлди, эсладим. Аслида қўзичоқни камданкам ҳолларда шундай боғлашади. Ҳозирги ҳолатда айнан қочиб кетмаслиги учун боғлаган. Энди фарқ масаласига келсак, орқа оёғи боғланган қўзининг жарангдор овози бироз тўлқинланиб чиқади, чунки оёғини арқондан бўшатиш учун ҳам чиранади, ҳам силкитади ва айни пайтда маърайди ҳам. Олди оёғи боғланган қўзи эса питирламай, жим турганча маърайди. Бу оддий, бўш юрган вақтдаги овоз билан бир чиқади.

— Шунақа дегин.

— Лекин бу нарсаларни билишимиз шартми? — деди суҳбатга қўшилган Наим.

— Сўрагани учун айтдим.

— Тест саволларида бўлмаса, бупти-да.

Эртўгон қулимсираб пешонасини силаркан, Салимга «бўлди, кетаверинглар» дегандай ишора қилди.

— Майли, унда биз кетдик! Қани, курсант Ғоипов, курсант Беғамов ортимдан юринглар-чи!

Курсант Самариддин Ғоипов амал теккан бошлиққа итоат қилиб йўлга тушди. Аммо бора-боргунча мансабнинг катта-кичиги бўлмас экан-да, деб ўйлаб калласини силкиб кетди. Наим битирув имтиҳон саволларида қўзининг овози ҳақидаги саволлар ростдан ҳам бўлмасмикин, деб ўй суриб борди.

Эртўгон шерикларини бироз кузатиб турди-да, Мардон ҳаракатланаётган ҳудудга йўл олди.

VII. ДЎСТ КУЛФАТДА БИЛИНАДИ

Взводга бошчилик қилаётган капитан Давлатбековга Эртўгоннинг ҳаракати одамийлик жиҳатдан маъқул эди, албатта. Аммо тартиб, интизом, рухсат сўраш каби қоидаларга бўйсунмоқ керак. Тўғри, ҳақиқий жанг вақтида ҳар бир виждонли аскар вазиятга қараб ҳам иш тутиши мумкин: дўсти, шериги, қуролдоши мушкул ҳолатга тушиб қолса, қандай қараб туради. Лекин Эртўгон Қодирниёзов ҳозирча курсант: командирга итоат қилишга мажбур.

Капитан масаланинг шу томонини ўйлаб, ўзбошимчалик билан иш кўрмоқчи бўлган курсантни жазолаш тариқасида базага қайтишга кўрсатма берди. Бу билан Эртўгонни яна бир бор синовдан ўтказмоқчи бўлди: қани, қатъиятлими, сафдошининг тақдирига бефарқ эмасми?

— Мардон ҳамон қайтмаган экан, бирор жиддий хатарга йўлиққан бўлиши керак, ўртоқ капитан. Бу нарсани аниқ билмасдан туриб уни ўз ҳолига ташлаб қўйсам, виждонсизлик қилган бўламан-ку, — деди Эртўгон капитаннинг буйругига йўл-йўлакай жавоб бераркан. У тўхтамай, тез-тез олга юрар, сирпаниб кетганига, тойиб йиқилиб тушганига деярли эътибор бермас эди.

— Бирор гап бўлганда алоқага чиққан бўларди.

— Балки рацияси ишдан чиқиб, хабар бера олмагандир. Уни излаб топишга рухсат беринг. Балки аллақачон маррага етиб, базага қайтаётгандир?

— Эртўгон, сени эшитмаяпман. Курсант Қодир-ниёзов, гапингни қайтар, эшитилмаяпти. Алоқани узиб қўйдингми, дейман? Қабул, қабулга утаман!

Эртўгон ростдан ҳам рацияга нимадир бўлди деб, уни бир-икки силтаб кўрди, қулогига тутганди, капитаннинг овози ҳамон жаранглаб турарди. Бироқ нима учун капитан уни эшитмаяпти?

Фикри Мардонда бўлган Эртўгоннинг хаёлига капитаннинг ҳийласи қоронгулигича қолди. У капитаннинг: «Қани, қандай йўл тутаркин? Базага қайт, деган гапимни инобатга олиб, Мардонни излаб топиш фикридан воз кечармикин ёки ўз йигитлик бурчини бажаришда давом этармикин» деб, атай гапини эшитмаганга олганини пайқамади. Тўғриси, капитан мени бу тарзда синовдан ўтказмаса керак, деган уйга борган эди.

Алоқа узилди. Эртўгон иккиланмади. Майли, бироз аччиқ-тирсик гап эшитар, танбех ёки ҳайфсан олар, лекин Мардоннинг ҳолидан хабар олмаса бўлмайди. Кейин вазиятга қараб нима қилиш кераклигини маслаҳатлашиб олади...

Харитага қараб Мардон бўлиши мумкин бўлган ҳудудни яна бир бор кўздан кечирди. Мардон бошчилик қилаётган гуруҳ «хавфли зона»га кирган, аммо маррага етиб борган-бормагани номаълум: демак, ўртада бўлиши мумкин.

Вақт тушлик пайт бўлганлигини кўрсатар, қорин ҳам очиққанлигини билдириб, бот-бот эслата бошлади. Эртўгон қадамини тезлатди. Айни чилла маҳали бўлишига қарамай, тоғ унча иссиқ эмас, пешонасининг терга ботгани тўхтовсиз ҳаракати ва жонсараклигидан эди. Аммо ҳавонинг софлиги, манзаранинг гўзаллиги ва бетакрорлиги кўнгилга ҳузур бағишлар, чарчоқни камайтирар, уни олга юришга ундар эди. У биринчи босқичдан ўзига аниқ хулоса чиқарганди: бу синов жонли «душман»сиз ўтади. Шунинг учунми, ўзини рақибдан паналамади, фақат қадам ташлашига эҳтиёт бўлишга чоғланди. Тезроқ Мардонни топиши, унга нима бўлганлигини билиши керак. Шу ўй унинг тинчини бузган эди.

Бу пайтга келиб қушларнинг парвози деярли камайган, йўлда учрайдиган ҳашарот ва майда жониворлар ҳам негадир кўзга ташланмас эди. Аслида ҳам шундаймиди? Йўқ, Эртўгоннинг бутун диққат-эътибори йўлда ногоҳ учраб қоладиган хавф-хатарда эди: бегона тоққа чиққан инсон, албатта, қачондир юрилган эски сўқмоқлардан юришга ҳаракат қилади, чунки бу из ишончли, одамлар кўп юргани учун ҳам сўқмоққа айланган. Рақиб ҳам анойи эмас экан, худди шу йўлнинг у ер-бу ерига кўринмас тузоқ қўйиб кетган. Буни сезгир, ҳушёр, тоғ шароитини яхши билган ёки маълум тажрибага эга бўлган кишигина олдиндан сезиши мумкин. Шунда ҳам барча хавф-хатарни эмас. Тоғда фикрни чалгитувчи ҳодисалар кўп, бири

бўлмаса, бири диққатни тортиши мумкин. Салгина эътиборсизлик билан қаттиқ жароҳат олиш ҳеч гап эмас. Ёки рақиб қўйган тузоққа асир тушилади.

Тўғри, олдинда кутилмаган тўсиқлар кўп, лекин у ўзини бундай жойларда эркин сезади. Қадам олишлари ҳам чаққон, албатта, сўқмоқ бўйлаб юриши шарт эмас. Кўнгилсиз ҳолатни сезгандай, чап беришга тайёр. Аммо боя сўз юритганимиздай, табиат сир-синоатларга, тўсатдан учрайдиган нохуш вазиятларга тўла.

Эртўгон икки катта харсангтош орасида қисилиб қолган Мардонни кўриб, бунга яна бир марта амин бўлди. У чиқишга кўп уринганидан бутунлай ҳолдан тойган, зўрга нафас олар, калласини аранг кўтариб турар, аммо сал ўтмай, пешонасини беихтиёр тошга босарди.

Эртўгон бу ҳолатнинг юз берганига бир соатдан ошганини пайқади. Ёрдамга шошди. Мардон сафдошини кўриб, ноқулай бўлди чоғи, чиқишга чиранди, лекин кучи қолмагани боис, жойидан деярли қимирлай ҳам олмади.

— Нима бўлди, Мардон? Нега бу кўйга тушиб қолдинг? — Эртўгон Мардоннинг аянчли аҳволини кўриб турса-да, бу саволлар беихтиёр оғзидан чиқиб кетди.

— Қизиқиш мени хароб қилди? — деди лаблари қуруқшаб, ранги оқариб кетган Мардон эшитилар-эшитилмас. Аслида «нафс мени шу кўйга солди», деб айтмоқчи эди, бироқ ҳақиқатни ошкор айта олмади.

Эртўгон ён-берига қараб, ўт-ўланлар орасида ярми кўриниб турган бир пачка долларга кўзи тушиб, бу ерда нима ҳодиса содир бўлганини тушуниб етди.



— Олмоқчи бўлибсан-да? — деди Эртўгон қалбаки пулни бир тепиб.

— Ўзим ҳам бу ҳйла деб уйлаб ўтиб кетаёгандим, аммо қизиқишим устун келиб... ортимга қайтганимни билмай қолдим, — ўзини оқлай бошлади Мардон. Гапирганда унинг қалин лаблари бир-бирига чиппа ёпишиб қолар, сўзлар узук-юлуқ чиқар, қуввати йўқлигидан танасини деярли қимирлата олмасди. — Сув, сувинг борми?

— Бу оддий қизиқиш эмас, Мардон? — деди Мардонга равоч узатган Эртўгон.

— Сувинг йўқми?

— Қолмабди. Равоч ҳам сувдан каммас. Яхшилаб шими, қувватинг тикланади... Хўш, гапир энди?

— Тўғриси айтсам, кимдир ростдан ҳам тушириб қўйган бўлса-чи, деган фикр хаёлимдан нари кетмай қолди, — дея энди анча равон гапира бошлади чанқоғи қонган Мардон. — Чунки бу ерларга... бойвачча йигитларнинг «тунги капалак»лар билан сайрга чиқиб туришини эшитган эдим. Ушалардан бири ногоҳ тушириб қолдирган бўлиши мумкин-ку, деб, шайтоннинг васвасасига учдим. Мана бу икки харсангнинг атай қўйилганини уйлаб ҳам кўрмабман. Ўртасига кириб энди пулни қўлимга олгандим, лоп этиб қисди-қўйди.

— Нега айланиб ўтмадинг?

— Кўряпсан-ку, чакалакзорлигини. Бўлмаса, тошларнинг орасини автоматнинг учи билан текшириб кўрдим, яна тузоқ қўйилган бўлмасин деб. Ҳеч нарса рўй бермагандан кейин ўртага қадам босдим ва сал энгашиб пулни олгандим, бирдан мана бу харсанглар бир-бирига қараб юриб қолди,

ўзимни ўнглаб олгунимча нақ қорнимдан қисиб қўйди. Қўриб турганингдай, додимни Худога айтиб ётибман.

— Ҳа, бу «душман»нинг тузоги эди. Қайси аҳмоқ шунча пулини тушириб қолдиради, — деди Эртўгон тошнинг орқа томонига ўтиб хашаклар тагига яширилган бир метрли темир изни топаркан.

Улкан тошлар рельснинг устига моҳирлик билан ўрнатилган эди. Эртўгон бунақа усулни, ҳатто киноларда ҳам кўрганини эслолмади. Рақиб икки тош оралигидаги масофани роса тажрибадан ўтказган ва одам қисилиб қоладиган даражада жой қолдирган. Лекин бу ердан ҳар қанча уринса ҳам чиқа олмайдиган йўлини топишган.

— Ҳа, ўлмайдиган даражада жой қолдиришибди. Қоринни мўлжалга олганини қара. На тепага, на пастга қимирлаб бўлади. Ён томонга ҳам юришнинг иложи йўқ. Қимирлаганим сари сиқаётганга ўхшайверди. Охири қўрқиб, ҳаракат ҳам қилмай қўйдим. Тезроқ қутқармасанг, ўзимни ташлаб юбораман.

— Нуржан қани, нега ёнингда эмас?

— Ёрдам учун одам чақирганига кетганди, негадир қайтиб келмаяпти.

— Рация бор эди-ку?

— Жарликка тушириб юбордим. Сакрамасам бўларкан.

— Нуржан ҳам бирор ерда қўлга тушиб қолган бўлса керак-да? Анча бўлдимиз кетганига.

— Ярим соатдан ошди.

— Тушунарни.

— Нима қилмоқчисан? Бир ўзинг эплай оларми-кансан? — деди Мардон.

— Пулни турган жойига қайтариб отдингми? — деди Эртўгон қўлда ясалган кичик рельснинг механизмини ишга туширадиган пульта ни изларкан.

— Ташласам, тош орқага юрармикин деб ўйладим-да.

— Ҳа, жуда усталик билан қилинган. Лекин қардадир уни ишга туширадиган пульта бўлиши керак, бироқ топиш амримаҳол. Энди бунинг битта йўли бор. Тошларнинг бирини рельсдан ағдариш.

— Кучинг етармикин?

— Уриниб кўрай-чи.

Эртўгон қўлидаги таёқнинг бир учини тошнинг тагига тикди ва бор кучини ишга солди. Харсанг қимирлаб ҳам қўймади. Яна уринди, фойдаси бўлмади.

— Наҳот шу ерда қолиб кетсам? Балки... бутун взводни ёрдамга чақирарсан?

— Шошма-чи, бунисини ҳам кўрай-чи.

— Кучинг етмайди, қўй, чиранма. Агар қўлимдан рация тушиб кетмаганда, ўша заҳоти капитанга хабар берган бўлардим. Бироқ пастликка тушиб олишнинг иложи бўлмади. Бўлмаса, капитан неча марта алоқага чиқди. Жавоб беролмадим.

Эртўгон ўтлар орасидан рельснинг қандай жойлашганини яна кўрди-да, ён томонга ўтиб унинг тагини бироз бўшатди, майда-чуйда тошларини олиб ташлади. Рельс ўрнидан сал қўзгалгандай бўлди. Дарҳол икки ясси тошни ҳар икки харсангнинг — Мардон турган тарафига қисдирди. Кейин иккинчи харсангни пастга ағдаришга киришди. Бир, икки уриниш... ва ниҳоят тош пастга қулади. Оёғида мадори қолмаган Мардон шилқ этиб ёнбошга ағдарилди. Эртўгон қўлидаги таёқни ташлаб ушлаб қолмаганда, боши билан майда тошларнинг устига йиқилиши аниқ эди...

— Сув, — деди ётган жойида Мардон, — ичим ёниб кетаяпти!

Бироқ Эртугонда сув қолмаган эди. Шериклари ичиб бўлганди.

Эртугон атрофда булоқ ёки жилгага кўзи тушмагани боис қидириш бефойда эканлигини англади. Яна равоч берди. Мардоннинг афти буришди. Эртугон унга тоғолча узатди.

— Нима бу? Тоғолчами? Қаердан олдинг буларни?

— Ҳа, топдинг. Ол, иккаласи ҳам чанқогингни қондиради, қувват бўлади.

— Эсингга келганини қара. Тоғда ўсганинг билинди, дўстим.

— Вақтинг оз қоляпти.

Мардон ўзини тоғда ёлғиз ҳис қилиб Худога ёлворганди, мана, илтижоси етиб борибдики, Эртугон кўмакка келди, энди тезроқ оёққа туриши керак. Ҳа, вақт ганимат. Амаллаб ўрнидан қўзғалди. Йўлда Эртугонга зимдан назар соларкан, чанқоқбосди, қувват берувчи ўт-ўланларнинг хусусиятларини тоғда юриб билиб олган бўлса керак-да, деб ўйлади. «Лекин бошқа курсантлар-чи? Нега улар бу ҳақда билишмайди? Демак, ўқиш даврида доривор ўсимликлар ҳақидаги билимларни ҳам ўргатилиши керак экан».

Сўнгги маррага амаллаб етиб келишди. Йўлда Нуржанни излашди, аммо топиша олмади. Кейин ишни охирига етказиб қўйишга қарор қилишди. Базага қайтишда яна қидириб кўришади. У адашиб, балки ўша томонга кетиб қолгандир?

Рўбарўларида икки киши бемалол сиғадиган гор. Энди унинг ичини «душман»дан тозалаш, агарда асирлар бўлса, қутқариш керак. Қўйилган вазифа

шундай. Эртўгон гор ичкарисиди тирик зот йўқлигини биларди. Чунки биринчи босқичда жонли рақиб қатнашмаётганини англаб етган эди. Бироқ марра охиригача эгалланиши керак. Бунинг учун эса гор ичи, албатта, назоратдан ўтказилиши шарт дейилган.

— Мана, маррага ҳам етиб келдинг? Энди қандай иш тутмоқчисан? — деб сўради Эртўгон уйланиб туриб қолган сафдошидан.

Мардон аста гор олдига келди-да, юзини паналаб ичкарига овоз берди: «Ким бор?» Сас жаранглаб акс садо бермади, аксинча, овозни ютди. «Анча чуқурга ўхшайди» — хаёлидан ўтказди Эртўгон.

— Ҳайронман. Ичкарига кирсам «ҳалок» бўлишим тайин: ё мина портлаб кетади ёки горнинг оғзи беркилиб қолади, — деди Мардон энди фонар ёруғини ичкарига тутаркан.

— Қойил, бироз тамадди қилиб олганинг фойда берапти. Ҳуш, нимадир кўриняптими?

— Йўқ. Охири кўринмаяпти. Ҳа, айтгандай, сен дала ҳовлини қандай эгалладинг? — деб сўради ва ниҳоят дўстининг галабасини эслаган Мардон. У ҳамон ҳансираб нафас олар, пешонасидан тер қуюларди. Охири бўлмади, мадори етмай, гор олдига чалқанча тушиб ётиб олди.

Эртўгон қўзи билан боғлиқ ҳодисани гапириб берди. Мардон ётган кўйи, бу ерда бирорта ҳайвон ҳам учрамади, дея нолиди.

— Сенга қўзичоқ қолдиришган экан, менга ҳеч курса, эчки ташлаб кетишмайдими?

— Эшак бўлса яхши бўлади, — деди Эртўгон.

Мардон ялт этиб Эртўгонга қаради. Ҳазиллашяптими деса, жиддий, ўйчан. Ҳазилнинг вақти эма-

слигини яхши билиб турибди. Шундай бўлса-да, кўнглидан ўтганини ичида сақлолмади.

— Нега бунақа деяпсан? — Мардон тирсакларига таяниб, бошини биров кўтарди.

— Эчки жуда қўрқоқ ҳайвон. Минг мажбурласанг ҳам бунақа горга кирмайди. Эшакни ҳайдасанг бўлади.

— Уни қаердан излайман?

— Билмадим.

— Чорасини топмасак бўлмайди, Эртўгон. Шу ергача етиб келдикми, маррани эгаллашимиз шарт. Сардорлик боғичини мен ҳам бекорга тақмаганимни исботлаб қўйишим керак. Маслаҳат ва ёрдамингни аяма, дўстим, — деб Эртўгоннинг кўзларига тикилди Мардон.

Эртўгон қийин синовга чидаб, таслим бўлишни ўйламай, курашни давом этираётган Мардоннинг довюраклигини эътироф этаркан, айни пайтда унга раҳми ҳам келди. Дўст бошинга кулфат тушганда билинади. Бироқ «жанг» майдонида-чи? Ҳимояга, ёрдамга муҳтож бўлиб турган сафдошингга қандай қилиб кўмак бермаслик мумкин? Бунинг учун ор-номусинг, йигитлик гуруринг жуда заиф бўлиши керак. Эртўгон эса бундай йигитлар сафига кирмайди.

Гор огзини синчиклаб кўриб чиқди. Мардоннинг «ичкарига кирсам, «ҳалок» бўлишим тайин: ё мина портлаб кетади ёки горнинг огзи беркилиб қолади» деган гапи ёдига тушиб, текшириб кўришга жазм қилди. Бунинг яна бир сабаби — ичкарида портлаш рўй бермаса керак, деб ўйлади. Дала ҳовлида мина уй ичкарисига қўйилган экан, демак, ҳийла бир хилда тақрорланмайди. Мардон билибми-билмайми тўғри мулоҳаза юритди: бу сафар горнинг киравериши портлаб, йўлакни тўсиб қўйса керак. «Жанг-

чи»ларни тириклай қўлга олишнинг усуллари-
дан бири-да.

Йигитларнинг бири бекорга гапирмаган, иккинчиси эса бежиз қидирмаган экан: гор бошида — тепа томонда ёриқ топилди, ковакка эса жуда эҳтиёткорлик билан портлагич механизми беркитилган эди. Эртўгон пичоқни ишга солиб, қистирилган тош бўлакларини оҳиста олиб ташлади. Ҳа, ёриқнинг қўл сига-диган жойига портловчи снаряд қўйилган бўлиб, у гор ичка-рисига кирган аскарнинг оёғига илинадиган ингичка симнинг тебраниши ёки тортилишидан ишга тушиб портлаши керак. Қўйил, тирик асир олишнинг ёхуд тутунда қолиб ҳолсизлантиришнинг гаройиб усули. Эртўгон симни бир амаллаб ёриқнинг устига олиб чиқиш йўлини қидирди, бироқ бу хавfli эканлигини англади: снаряд салгина ҳаракатга портлаб кетадиган қилиб ўрнатилган эди. Бунинг устига, ингичка симлар тошлар орасидан шундай ўтказилиб, ичкарига тортилган эдики, уни тортиб олишнинг ҳам, нарги учини топишнинг имкони ҳам йўқ эди. «Ўз ишининг усталари қўйибди», деди ичида Эртўгон. Боши қотди, нима қилса бўлади? Агар уни қимирлатишнинг иложи бўлмаса, снарядни шу туришда йўқ қилиш керак, чунки у портласагина босқич якунига етган ҳисобланади, бунда аскарларнинг «нобуд» бўлиш-бўлмаслиги кейинги масала. Ҳийла фош этилиб, «қурбон»лар бўлмаса, соф ғалаба, албатта. Лекин Мардоннинг шароитида тўлиқ ва соф ғалаба бўлмайди: чунки у икки «жангчи»сидан «махрум» бўлган. Шунга кўра, фақат оддий ғалаба деб ҳисоблашлари мумкин.

Эртўгон хаёлидаги фикрини айтганди, Мардон ўрнидан туриб кетди. Эртўгоннинг олди-га келиб,

мадор кирган қўлларини бир-бирига ишқади, кейин дўстининг елкасига туртиб қўйди.

— Майли, оддий галаба бўлса ҳам, — деди Мардон ҳаяжон ичида.

— Аввал операцияни охирига етказишимиз керак.

— Эртўгон, менимча, горнинг у томонида чиқиш йўлаги бор бўлиши керак.

— Бўлган тақдирда ҳам, қаерда эканлигини топа олмаймиз, — деди Эртўгон снаряд жойлашган ерга белги қўяр экан.

— Ҳа, тўғри. Хўш, нима қиламиз унда? Белгилаган жойингга қараб ўқ узамизми?

— Буш патронлардан тутундан бошқа нарса чиқмайди-ку.

— Унда тош отсак-чи, таъсир қилармикин?

— Фойдаси йўқ.

— Мен бир уриб кўрай-чи.

Ўн метрлардан отилган катта-кичик тошлар мўлжалга тегса-да, фойдаси бўлмади: зарбалар ташқи томондаги тошга заррача қаршилиқ қила олмаган эди. Эртўгон бўғила бошлади, наҳот чораси бўлмаса? Нега бирдан калласи ишламай қолди? Бирор кавак ёки ёриққа тушиб кетган нарсани қандай олиш мумкин?

— Шу ярамас механизмни ишдан чиқарсак бўл-дими? У, албатта, портлаши шартми?

— Ҳа, шарт!

— Э, ўргилдим бунақа шартидан, — деди Мардон кафти билан пешонасига уриб.

— Менинг ҳам бошим қотди.

— Узун, ингичка сим керак. Астагина улаб, тортиб кўрадим.

— Лекин бунинг иложи йўқлигини ўзинг ҳам кўриб турибсан-ку, Мардон.

— Йўлини билсанг, айт, Эртўгон! Қийналганимни томоша қилгани келмагандирсан? Ёки қутқарганинг учун «рахмат» айтмаганимга аразлаб, индамай турибсанми?

— Бу нарса хаёлимга ҳам келгани йўқ. Аразлаш, гина сақлаш одатим йўқлигини яхши биласан. Гапирган гапингни қара. Қиз болалар аразлайди, бир-биридан. Лекин сен жиззакилик қилмай, каллангни ишлат. Қўлингдан иш келгани учун гуруҳ етакчиси қилиб тайинлашган.

— Туфу! — деб бирдан ер тепкилаб қолди Мардон. — Бугун омад мендан юз ўгирган кўринади. Бўлмаса, бошиданоқ анави икки аҳмоқ ўйиндан чиқиб кетармиди? Шошмаларинг деганимга қулоқ солмади-да, ўзлари. Нуржан-чи, Нуржан? Қай гўрга йўқолди, у? Мана, уларни касрига менам галабага етолмай турибман. Алам қиларкан, маррага бир метр қолганда тўхтаб қолсанг!

— Бўгилмасанг-чи! Ҳозир бирор йўлни топармиз.

— Таваккалига ичкарига кирсаммикин? Галаба қилмасам ҳам, маррага етиб келган бўламан-ку, — деди Мардон бирдан гор томон интилиб.

— Шошмасанг-чи!

— Чидай олмаяпман. Ўзимдан тортиб, бари ношудлар йиғилган эканмиз, гуруҳимга!

Эртўгон доимий ҳамроҳи — таёқни топиб келди. Бир учини ингичка қилиб йўнди. Мардон унинг ҳаракатларини сабрсизлик билан кузатиб турди. Сўнгги нуқтани қўядиган фикр хаёлига келмаётганига баттар сиқила бошлади. Мабодо босқични муваффақият билан тугатиб, базага қайтишса, нима деб рапорт беради? Эртўгоннинг ёрдами билан эришдим, дейдими? Командир у ҳақда нима деб ўйлайди? «Қўлингдан ҳеч

нарса келмас экан-да, курсант Гоипов!» деса, нима деган одам бўлади? Ундан кўра, гор ичига кириб...

— Мана, бўлди, — деди таёқнинг йўнилган учини снаряд олдига бир амаллаб жойлаштирган Мардон.

— Тош билан таёқни мўлжалга олмоқчимисан?

— Топдинг.

— Ундан кўра бир учига арқонни боглаб...

— Буни ҳам ўйладим, аммо қаттиқ тортганимизда таёқ жойидан нотўғри силжиса ёки ногоҳ қисилиб қолса, кейинги уринишимиз хавфли бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун сал узоқроқ туриб, қўлимизни ишга соламиз.

— Теккиза олармикинмиз.

— Биттаси тегар. Қани, бошла.

Мардон ўрнидан турди. Эртўгон қайси томондан туриб отиш кераклигини ўқтирди. Кафтига сигади-ган тошни олиб таёқни мўлжаллади. Сал қийшиқ кетди. «Энди сенинг навбатинг» дегандай Эртўгонга юзланди.

— Ўзинг отавер, бу ишни сен охирига етказганинг яхши! — деди Эртўгон ишонч билан.

Мардон еттинчи уринишидан сўнг муродига етди. Бир уюм тош горнинг оғзини ёпди. Тош калтакка теккан замони ўзини панага олган йигитлар гумбирлаган товушдан ҳайқариб юборди. «Уддаладик! Ҳа, маррага етдик!» — деди усти бошини қоқиш хаёлига ҳам келмаган Мардон. Кейин севинганидан, «Эпладим, маррани забт этдим!» — дея қўлларини юқорига кўтарди. Эртўгон уни қучоқлаб табриклади. Шундагина у биринчи босқични ёлғиз ўзи якунига етказмагани ёдига тушди. Қутловни қабул қилишда сал ўнгайсизланди. «Сен келмаганингда эплалмасдим» демоқчи бўлди, аммо тилидан биргина «рахмат» деган сўз чиқди, холос.

Эртўгон мийиғида кулиб қўйди. Аслида мана шу биргина сўз ҳам Мардоннинг виждонли йигит эканига далолат эди. Бунақа шароитда «рахмат» дейиш учун катта юрак керак. Юраги нопок одамдан ана шу биттагина калом ҳам чиқмайди. Тоза қалбгина кибрни, манманликни енгга олади. Мард инсонгина бировнинг ёрдамини тан олади. Демак, Мардонга ишонса бўлади. У келажакда яхши дўст, содиқ қурулдош бўлади. Ватан ҳимоясига мана шундай ҳарбийлар керак. Улар қанча кўп бўлса, шунча яхши.

— Қани, кетдикми?

— Кетдик!

* * *

Кейинги босқич беш километрли масофага югуриш, дарёдан сим орқали осилиб ўтиш, юз метрли тик қояга арқонда кўтарилиш, ярадорга биринчи ёрдам кўрсатиш ва уни хавфсиз жойга олиб боришдек мураккаб топшириқлар қўйилган эди. Капитан Давлатбеков взводга етакчилик қилишни негадир Эртўгонга топширди. Ўзи курсантларнинг ҳаракатини раҳбарият билан биргаликда кузатадиган бўлди.

— Нима учунлигини билдингми? — деди йўл-йўлакай Мардон.

Эртўгон гапирмади, лекин ёнида шахдам қадам ташлаб келаётган Мардонга кўз қирини ташлаб қўйди. Буни ўзича тушунган Мардон капитан Давлатбековнинг гуруҳидан аранг бир киши маррага етиб келганини шипшиди. Эртўгон бу ҳақда аллақачон Самариддиндан эшитиб бўлган эди. Шунинг учунми, индамади. Мардон гапимга қулоқ тутяпти чоғи, дея паст овозда сўзлашда давом этди.

— Аслида иккинчи курсданоқ бир кун ўқиш, бир кун шунақа машқ қилсак бўларкан. Билим юртини тамомлаганда тайёр жангчи аскар бўлиб етишардик. Буни қара, капитан курсантларнинг олдида изза бўлиб ўтирибди. Негаки, бунақа синовдан ўзлари ҳам ўтмаган-да.

— Бўлди, жим кет!

— Ў-ў, буйруқ беришни ҳам ўрганиб олибсанми? Эртўгоннинг қошлари туташди.

— Ҳа, яхши, жим кетганим бўлсин, лекин яна бир гап эшитдим, ростмикин?

Эртўгон беихтиёр яна Мардонга нигоҳ ташлади.

— Синовдан ўтганлардан терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи яна бир махсус гуруҳ тузилармиш. Шу ростми, дўстим? Кечирасан, ўртоқ командир?

— Эшитмадим.

— Хабар топсанг, айтарсан.

— Нега?

— Бирга хизмат қилсак, дегандим.

— Буни тақсимот комиссияси ҳал қилади. Ҳа, айтгандай, Нуржаннынг аҳволи қалай?

— Ўнг қўлининг суяги дарз кетибди, иккита қовургаси синганмиш. Госпиталга жўнатишди.

— Шунинг учун ёнингга қайтиб келолмаган экан-да. Биз эса у тўғрисида ҳар хил бўлмагур хаёлларга бориб юрибмиз.

— Нимасини айтасан. Яхшики, ўзи эшитмади. Бўлмаса, тоза хафа бўларди.

— Бўпти, омадингни берсин!

Эртўгон шундай деб суҳбатга нуқта қўйди ва взводнинг олдига ўтди. Нияти машқларни ўзи бошлаб бериш эди. Дала йўлга чиққанларида югуришга

команда берди. Битирувчи курсантлар кейинги босқич мусобақаларини бажаришга киришди.

VIII. ТАЪТИЛДА

Кутилмаган синовлардан мақсад, унинг натижалари асосида Мудофаа вазирлиги қошида Терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимига янги кучлар танлаб олиш экан. Бундан бир-икки кун аввал Мардондан эшитган миш-миш тўғри чиққан эди. Таажжубланди, эндигина ошкор қилинган сирни сафдоши қаердан била қолди экан? «Замон шиддат билан олга кетяпти. Ундан орқада қолмаслик керак! Ахир, ахборот асрида яшаяпмиз», деди бунга жавобан Мардон. Кейин яна бир мавҳум бўлган нарсани унга билдириб қўйди. Янги тузилган рўйхатда унинг фамилияси бор экан. Албатта, бу хушхабар эди. Кўнгли кўтарилди, сўнг гап орасида: «Ўша рўйхатда сен ҳам бўлсанг керак?» — деб сўради. Мардон бу саволни кутган эди.

Ўқишни тамомлаган курсантлар офицер унвонини олишган, улар янги формада билим юртининг кенг ва озода, сўлим хиёбонида айланиб юришар, ҳаммалари ҳам хайрлашув онлари етиб келганини ҳис этишар, бироқ қизғин суҳбатлари тугай демасди. Бўлмаса, Эртўгон билан Мардон ҳам кечаси билан гаплашиб чиқишган эди. «Бир-бирига айтар сўзи қолмагандир» деб ўйларсиз, йўқ, ундай эмас. Ишонмасангиз, ана, суҳбатига қулоқ тутинг: Мардон курсдошининг саволига бажонидил жавоб бермоқда.

— Бўлмасам-чи! Ахир сени «устоз» деганман-а. Шогирднинг бир ўзини ташлаб қўйишармиди? Лекин эрта-индин имтиҳонлардан кейин, «Қаерга юборишларини истардинг?» деган савол беришлари ҳам мумкин.

— Менгами?
— Ҳаммамизга.
— Чегара қўшинларида демоқчиман. Нима дейсан, олишармикин?

— Сенинг бу кўрсаткичинг билан, албатта, олишади. Бироқ янги бўлимнинг иши ундан-да масъулиятли бўлармиш. Республиканинг исталган жойига ташлаб, амалий кўникмаларимизни ошириб борарканмиз. Керак пайтда қайноқ нуқталарда ҳозир у нозир бўларканмиз.

— Аниқми?
— Менга ишонавер, дўстим.
— Ростдан ҳам муҳим агентлардан қолишмайсан.
— Ҳозир айтдим-ку, қанақа замонда яшаётганимизни. Бир дақиқа олдин олинган ахборот бу нотинч дунёда кўп нарсаларни ҳал қилиши мумкин. Тўғри, билагимиз бақувват, ақлимиз ўткир, қалбимиз уйғоқ бўлиши даркор. Аммо, шу билан бирга, маълумотларга эгалик қилиш бўйича ҳам устунликни қўлга киритиш керак. Ана шунда тугал ақлий салоҳият эгаси, юрт шарафини ҳимоя қилувчи содиқ офицер сифатида обрў-эътибор топамиз. Балки, бирор йил ҳарбий хизматдан сўнг академияда ўқишни давом эттирармиз. Ахир келажакда биздан яхши ном қолишини, Ватан тинчлиги ва равнақига қўшмоқчи бўлган арзимас ҳиссамиз қадрланишини истаймиз-ку, тўғрими?

Эртўгон Мардонга тикилиб, уни танимай қолди. Кечаги куни ҳам бундай мулоҳаза юритмас эди-ку. Шу гапларни танти Мардон гапиряптими, ёки унинг сўзлари қайсидир маънавиятга оид китобдан ёдлаб олинган парчами? Нотиқ ўз нутқи билан курсдошини бироз ҳайратга солганини фаҳмлаб, яна жўшқинликда давом этди: «Машҳур иборада айтилганидек, оддий

аскар генерал бўлишни орзу қилиши мумкин, аммо офицерларнинг ҳаммаси ҳам генерал бўла олмайди, орзу бошқа, мақсад йўлида олга интилиш бошқа, ҳеч қачон таслим бўлишни истамаган, охиригача курашганларгина юксак марраларга эришадилар ва халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўладилар». Бу оддий сўзлар эмас, оташин чақириқ, инсон юрагига чўг ташлайдиган даъват-ку! Эртўгонни ҳайрон қолдирган нарсa, жумланинг тўла-тўқис ва шошмай баён этилиши эди. Ёд олинган матнни худди табиийдек, ўз ичи ва тилидан чиқаётгандай ифода қилиш моҳир актёрларгагина хос деб биларди, лекин Мардон театр актёри эмас-ку. Бундай қобилиятини сир сақлаб келдимиз ёки бу каби маҳоратни яқинда ўзлаштириб олдими? Ҳа, бўлгуси катта ҳаётга тайёргарлиги жиддий.

— Давлат имтиҳонларидан ҳам яхши балл тўплабсан, табриклайман, — деди Эртўгон масаланинг бу томони ҳам ижобий ҳал бўлганидан қувониб.

— Ҳаракат қилдим. Энди олдимизда ўн кунлик таътил турибди. Хўш, нима қилмоқчисан, бу қисқа фурсатда? — деб сўради Мардон дўстидан.

— Ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш учун уйга кетаман. Ўзинг-чи?

— Нима қилардим, билим ва малакамни ошириш мақсадида генералнинг хизматида бўламан, — деди Мардон режасини ошкор қиларкан. — Лекин қишлоғинг жойлашган тоғларни жон деб кўришни истардим. Табиат қўйнида дам олиш, барибир, бошқача-да.

— Юр, унда. Кўп бўлмаса ҳам икки-уч кун туриб келардинг.

— Тоғлик қизлар билан таништириб қўясанми?

— Агарда у ерларда қолиб кетишдан чўчимасанг...

— Тушунмадим, — деди Мардон дўстининг гапини бўлиб.

— Тоглик қизлар шаҳарда яшашга кўнмаса, қо-
лишингга тўғри келади.

— Э-э, у ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин. Мен қиз-
ларни бир ўрашга тушмай, иккинчи учрашувдаёқ боши
айланиб, Хитойга бўлсаям боришга розилик берганини
ўзи ҳам сезмай қолади.

— Шунча бирга ўқиб, бунақа истеъдодинг бор-
лигини билмаган эканман. Очилмаган қирраларинг
кўп шекилли-а?

— Ҳа, энди, ҳаммасидан унча-мунча бор.

— Майли, омадингни берсин! — деди Эртўгон
дўстига қучоқ очиб.

— Уйдагиларга салом айт! — Мардон Эртўгон
билан қаттиқ, аммо самимий кўришди.

— Таътилдан сўнг қачон ва қаерда тўпланишимиз
маълум. Демак, янги ҳарбий қисмда кўришгунча.

— Агар вақт топсанг, Самарқандга кел. Манзи-
лимни биласан. Генерал билан таништириб қўяман.
Ҳарбий бўлмаса ҳам, Ички ишлар вазирлиги йўна-
лишида жуда катта тажрибага эга. Гапларига қулоқ
тутсанг, доно бўлиб қолганингни ўзинг ҳам сезмай
қоласан.

Эртўгон дўсти билан хайрлашаркан, ўйига ечим
топгандай бўлди. «Ана, унинг ҳақиқий «устоз»и
ким?»

Тўрт йиллик ўқиш давомида курсантларнинг
бир-бирига қадрдон бўлиб қолганликлари энди,
хайрлашув онларида жуда билинди. Уларнинг гап-
сўзларидан, қилаётган муомалаларидан, кўрсатаётган
оқибатларидан кетгилари келмасди гўё, аммо келишган
гавдасини тик тутиб, ярашган янги формадан сеvimли
инсонлари — ота-онаси, қариндош-уруғи, ёру биро-
дарлари, хуллас, қадамига кўз тикиб турган қишлоғи,

маҳалласи ҳузурига қуш каби учиб боришга тайёр эканликларини ҳам англаш мумкин. Уларнинг бу интилишлари, ҳис-туйғулари ёниб турган нигоҳларидан, энтикиб нафас олишларидан сезилиб турибди. Уктам йигитларнинг айримлари: «Кўришгунча», дейишди, булар — махсус бўлимга қабул қилинганлар, ўн кундан кейин яна кўришиб, биргаликда хизматни давом эттиришади; баъзилар: «Хайр, балки кўришиб қолармиз», деб айтишди, булар — мамлакатнинг турли вилоятларидаги ҳарбий қисмларига йўлланма олганлар, улар келгусида ё учрашишади, ё учрашмайди.

Эртўгон шу куни қадрдон қишлоғига қайтди. Дадасини, сингилжонларини жуда соғинган эди. Тезроқ олдиларига бормаса бўлмайди. Қасамёд куни келишмоқчи эди, унамади, овора қилишни истамади. Тўғриси, дадасининг сал мазаси йўқ деб эшитган эди, шунга кўнгли бўлмади, йўл узоқ, уриниб қолиши мумкин. Сингилларига ҳам қаттиқ тайинлади. Дадасининг келмаслигидан кўнгли ўксимаслигини, вазиятни тўғри тушунишини қайта-қайта такрорлади. Шу баҳона Тошкентни ҳам кўриб келишни орзу қилган қизлар ноилож уйда қолдилар. Эртўгон дадаси тузалиб кетса, ҳаммаларини пойтахтга олиб келишга ваъда берди.

Мана, йўлга тушди. Насиб этса, эрта тонг саҳарда қадрдон ва меҳрибон оиласи, жонажон қишлоғи қучогида бўлади.

* * *

Тогайгул эрталабда кириб келган жиянининг таклифини эшитиб, қулоқларига ишонмай, анграйиб қолди. Нималар деяпти, бу бола? Опасининг ўлганига йили бўлмай туриб-а? Эсини еб қўйибди ўқишда. Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ! Поччасига хотин қидириб, совчиликка борармиш. Уят!

— Шу гапни уялмай менга айтяпсанми? Кап-катта йигит бўлибсан-у, ҳали ақлинг кирмабди, — деди жаҳлини боса олмаган Тогайгул. — Мени кўргани келибди деб севиниб тургандим, кайфиятимни бир чақа қилдинг.

— Дадам кундан-кунга руҳий азобдан эзилиб, тамом бўлиб боряпти экан. Агарда уйлаб қўйсак, ҳаётга бўлган иштиёқи ортиб, бизларга бош бўлиб юрармиди, дейман-да. Ҳали сингилларимни узатишимиз керак. Худо кўрсатмасин, агар дадамга бир нима бўлиб қолса...

— Поччам озгина шамоллаган холос. Уч-тўрт кунда оёққа туриб кетади. Сен ўзингни ўйла, мана, ўқишни ҳам тамомладинг, энди ўйланишинг керак. Ҳа, дадангни эмас, сенинг бошингни икки қилишимиз лозим.

— Мен шошаётганим йўқ, хола.

— Лекин Сарвиноз кута олмайди. Ахир уни яхши кўришингни биламан-ку.

— Нима бўпти, биз кейинроқ ҳам турмуш қураверамиз.

— Аввал онасини уйга олиб келмоқчисан-да, кейин эса қизини. Қандай олийжаноблик! Сен Чирчиқ томонларда ҳарбийликка ўқидингми ёки ҳисоб-китобгами, Эртўгон?

Йигитнинг холасига гап қайтариш нияти йўқ эди. Аммо тушунишни истамаса, нима қилиши керак? «Иккаласига ҳам» деган жавоб беихтиёр оғзидан чиқиб кетди. Тогайгул ҳеч қачон совчиликка бормаслигини қатъий тайинлади. «Савоб бўлса ҳам юрмайман», деб туриб олди. Эртўгон пиёладаги совиб қолган чойни бир ҳўплашда кўтариб, ўрнидан қўзғалди.

— Дадангга раҳминг келаётган бўлса, ана, аммангга айт, амакингга маслаҳат сол. Мени бу ишларга

аралаштирма. Тавба, жуда галати йигит бўпсан-а? Қаерда кўргансан, ўлган опасининг ўрнига поччасига хотин қидириб юрган сингилни? Номусга ўлдирдинг-ку, одамни!

Эртўгон Тоғайгул опанинг олдидан ўтиши, ундан «розилик» олиш эди. Тўй куни жаҳл қилмаслиги, аразлаб ўртадаги қариндошлик риштасини узмаслиги эди. Мақсад ҳовуридан тушириш, кўниктириш эди. Ахир опасининг болаларига бош бўлиш учун бошқа, умуман бегона бир хотин келади. Аммаси, амаки-си ўзининг жигарлари, улар нима ҳам дейишарди, осонгина розилик беришади-қўйишади. Эртўгон шунинг учун ҳам масалани юмшоқ ҳал этишда ишни Тоғайгул опа билан учрашишдан бошлади. Назарида, дадасининг уйланишига қаршилиқ қилмади, фақат совчиликка боришга жиддий эътироз бўлди. Аслида Эртўгоннинг мақсади Тоғайгул опани совчиликка юбориш эмас, дадасини уйлаш эканлигини бир огиз айтиб қўйиш эди. Ниятига етди, бироқ холасининг дилини огритиб қўйди-ёв.

Кўнгилда хижиллик қолмаслиги учун Эртўгон атрофи тошдан ўралган ҳовлининг бир қанотли дарвозаси ёнига келганда тўхтаб, дилидагини айтди. Гапирганда ҳам секин, босиқлик билан, аввал холасининг кўзларига қараб, сўнг қишлоқ этагида кўзга ташланиб турган қабристон томон тикилиб сўзлади.

— Сизни онамдек яхши кўрганим, ҳурмат қилганим учун биринчи бўлиб олдингизга келдим. Дадам уйланиш ҳақида сўз очгани ҳам йўқ. Жигарлари ҳам бу мавзуда гаплашмаган. Акаларини хафа қилиб қўйишдан чўчиб, мени кутиб туришган экан. Ёлғиз қолган отага уйланинг дейишга, аввало, ўгил масъул экан. Мени тўғри тушунганингиз учун сиздан жуда миннатдорман.

Биз онамизнинг хотирасини бир умр юрагимизда сақлаймиз. Нурли чеҳраси асло кўз ўнгимиздан кетмайди. Биз учун қилган меҳнатларини, чеккан азоб-уқубатларини ҳеч қачон унутмаймиз. Жаннати аёл эди, онам. Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.

Эртўгоннинг кўзидан сизиб чиққан ва юзидан из қолдириб иягига тушган ёш томчилари таъсир қилди, шекилли, Тоғайгул кап-катта йигит бўлиб қолган жиянини бағрига босиб, йиғлаб юборди.

Эртўгон кетишга чоғланди. Тоғайгул жиянини бир пиёла чой билан кузатиб юбораётганидан уялиб, ичкарига қайтишга ундади. Аммо йигит яна қаергадир бориши кераклигини айтиб унамади.

— Гулбодом, анави узоқ қариндошига тегса керак, — деди Тоғайгул ўнғайсизликдан қутулиш учун.

— Шу пайтгача тегмабдики, у кишида кўнгли йўқ, — деди Эртўгон ишонч билан.

— Сени бу ердаги гап-сўзлардан хабаринг йўқ-да. Кўзингни каттароқ оч, ўша сен назарда тутган мусофирнинг яна бир таниши келган қишлоғимизга. Эшитишимча, унинг Сарвинозга ишқи тушиб қолганмиш. Агар бу юришинг бўлса, қиздан ҳам қуруқ қоласан.

Эртўгон сергак тортди. Бу кутилмаган зарба эди, холаси атай айтдими, ёки жони ачишганидан гапирдими? Бироз чимирилган, аччиқ ҳақиқат айтилганда гоҳ чақчаядиган, гоҳ сал юмилганча бир нуқтага қадалиб қоладиган кўзлардан аниқ хулоса чиқара олмади. Қизиқ, бу гап қаердан чиқди? Нега сингиллари бу ҳақда индашмади? Дарров дилини хуфтон қилишни ишташмадимикин? Наҳот қишлоғига яна бир бегона эркак келиб яшаётган бўлса? Улар нима қилишяпти, бу ерда? Ўз юртида яшаш қийин бўлиб кетгани учун битта-битта кўчиб келишяптими, ёки бошқа мақсади

борми? Одамлар бу мусофирларнинг кимлигини, нима иш қилишини нега сўраб-суриштирмаяпти? Қишлоқ оқсоқоли ўртага тушди деб, индамай қўйишаверадим?

Эртўгон ярим йилда икки-уч бор кўриниб қўядиган нозирдан фойда йўқлигини билди. Қишлоқда шубҳали миш-миш йўқки, бу ишларга милиция аралашмаган, агарда ҳужжатларини текширган бўлганда, аллақачон қишлоқдан чиқариб юбормасмиди? Ёки ростдан ҳам Гулбодом опанинг узоқ қариндошимикин?

Таътилда яна бир муҳим иш топилди. Кундузи дадаси айтган ишларни дўндириб қўйиб, кечаси «бегона»ларнинг изига тушди. У кўнглида пайдо бўлган саволларга жавоб топиши керак эди. Аслида, ўтган сафар бу масалага бироз бўлса-да аниқлик киритиб кетишни истаганди, аммо ўқишининг бошланиб қолгани, дадасининг қистови ишни бошлашга имкон бермади. Мана энди, вақти, имконияти бор. Қишлоқ оқсоқолининг олдига бориб, бу ерда яшашни истаб қолган муҳожирлар ҳақида тўлиқ маълумот бор-йўқлиги билан қизиқмоқчи эди, аммо бу иши подадан олдин чанг чиқариш бўлишини, мусофирларни чўчитиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб, фикридан қайтди. Яхшиси, киши билмас бўлиб унинг ўзи кузатади, бир ҳафтада ниманидир аниқлар, шубҳага ҳожат бўлмаса, севган қизига кўз олайтираётган йигит билан очиқчасига гаплашади-қўяди.

Кечки овқатдан сўнг айланиб келаман, деб кўчага чиққан Эртўгон тенгдошларига учраб, дўкон орқасидаги кичикроқ чойхонада алламаҳалгача гаплашиб ўтирди. Бу жой аслида чойхона эмас, Ҳотам отбоқарнинг тошдан ясалган уйи эди. Хотинидан кейин ёлғизликнинг азоб-уқубатига чек қўйиш учун уйини

«чойхона» деб эълон қилди ва шу-шу қишлоқдаги ёш-қарининг бир пиёла чой ичадиган манзилига айланди. Сал нарида дўкон борлиги учунми, зардобаликларнинг кўп тўпланадиган жойи эди. Бироқ қишлоқда қариялар йилдан-йилга сийраклашиб, борлари ҳам аста-секин эринадиган, чойхонага кам чиқадиған бўлиб қолди. Асосан, ўрта ёшдаги кишилар тўпланишарди. Лекин улар ҳам кўп ўтиришмас, аччиқ бир чойнак чой давомида ўтган-кетгандан гаплашган бўлиб, туриб кетишади. Қарта ўйнашга ишқибоз уч-тўртта эркакни айтмаса, каттагина айвон, кўпинча, бўш туради.

Бугун Эртўғоннинг синфдошлари ҳам келгани учун Ҳотам отбоқарнинг иши юришган. Димламани қотириб тайёрлаши овоза бўлган эмасми, йигитлардан яхшигина буюртма тушди. Кечга томон хонтахта усти чиройли безатилди, Эртўғоннинг офицерлик унвони «ювилди».

— Энди бира тўла ўйланиб олсанг керак? — деди анчайин кайфи ошиб қолган Комрон.

— Кўрамиз.

— Сарвиноз ҳам коллежни битириб, уйда шекилли, — орага қўшилди Шунқор. — Ўзинг биласан, бу ерда қизларни узоқ ушлаб туришмайди.

— Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор, — деди бунга жавобан Комрон. — Қизларнинг ташвишини сенга ким қўйибди? Ёки тенгинг чиқиб дарров ўйланиб олаганингга айтяпсанми?

— Яна бирортаси илиб кетмасин, дейман-да, — деб ачингандай гапирди Шунқор. У яқин-яқингача ҳам бўйи пастлигидан хижолат бўлиб юрарди, аммо ростдан ҳам ўйлагандан кейин давраларда овози эшитилиб, бошини бемалол кўтариб ўтирадиган бўлди.

— Нимага шама қиялсан? — синфдошининг кўзига тикилди Эртўгон. — Гапир, бирор гап эшитдингми?

— Йў-ўқ-қ, — дея гудранди Шунқор Эртўгоннинг ўткир нигоҳига дош беролмай. — Ўзим шундай... Нима, гапириб ҳам...

— Тўтрисини айт, писмиқ, — деди жаҳли чиққан Комрон Шунқорнинг елкасига бир тушириб. — Кимдир совчи қўйдими?

— Ҳа, айт, бирор гап эшитган бўлсанг, — дейишди бошқалар ҳам. — Шунқорлигингни исботлайдиган пайт келди.

Шунқор синфдошларининг бутун эътибори ундалигидан кўнгли гурурга тўлди. Дарҳақиқат, диққат марказда бўлишнинг гашти бошқача экан. Ахир кечагина ҳам унга заррача эътибор беришмас, худди соқов кимсадай жим келиб, жим кетарди-да. На ундан гап сўрашарди, на маслаҳат солишарди: бор-йўқлиги билинмасди, қанчалар мулзам эди, бечора. Бундан кўра новча бўлгани афзал эмасмиди; нари борса, «найнов» дейшарди, аммо бўйининг ҳурматидан, барибир, даврага қўшишарди, ахир бўйдорнинг ўзига яраша жаҳли ҳам бўлади-да. Аммо, айти пайтда вазият бутунлай бошқача: у тасаввур қилгандай гаройиб вазият юзага келган. Атрофдагилар сал жаҳлга берилсаларда, гўё шефнинг оғзига тикилган шотирларга ўхшайди. «Қани, у нима деркин? Тезроқ гапирса-чи? Бунча мунтазир қилмаса?»

— Гулбодом опани момомга айтган бир гапини ногоҳ эшитиб қолдим.

Шунқор шундай тенгқурларига қараб қўйди. Ҳеч ким, ҳатто гапнинг давомини сабрсизлик билан кутаётган Эртўгоннинг ўзи ҳам унинг гапини бўлмади.

Гапиришга қистамади. Қолган синфдошлар ҳам жим, уларнинг ярми Шунқорнинг огзига, ярми эса кўзига нигоҳ тиккан. Шунқор бирам ҳузурландики, умрида бунақа маза қилмаган эди. «Тегирмон ҳам навбати билан» деган мақолнинг нақадар тўғрилигига ишонди. Кимдир энди гап бошламоқчи эди, кўрсаткич бармогини кўтарди, сўзи огзида қолди. Чойхонага жимлик чўкди, фақат узоқдан дайди итларнинг акиллашию бўриларнинг бевақт увиллаши элас-элас қулоққа чалиниб турарди.

— Эмишки, қишлоғимизга кўчиб келган анави йигит бор-ку, оти нимайди...

— Нигмат!

— Ҳа, ўша Нигмат гирт етим экан. Омборхонада яшаб юрган Рузимурод ака Гулбодом опанинг олдига бориб: «Мабодо менга теккинг келмаётган бўлса, Нигматга қизингни бер», — деб гап очибди. «Қийинчиликда яшаб, ҳаётнинг паст-баландини яхши билади, жигарбандингни бирор нарсага зориқтирмайди», дебди.

— Аниқ эшитдингми? — Эртўгоннинг пешонаси тиришиб, бармоқлари мушт бўлиб тугилди.

— Бу ерда уйи йўқ бўлса, ким унга қизини бериб...

— Термизга кўчиб кетишга ҳаракат қилиб юрган Шермуҳаммад аканинг уйини олармиш-ку, — деб шартта Бехрўзнинг гапини бўлди Шунқор. У атай беписандлик билан сўзлади. Ҳатто, кўрпачага ён-бошлаб ҳам олди. Ҳеч ким «туриб ўтир» демади, «ҳурматсизлик қилмасанг-чи», деб танбеҳ бермади. Авваллари-чи, орқага суяниб ўтириш тугул, оёгини узатолмасди. «Оҳ, қандай роҳат!»

— Ким, Нигматми?

— Нима фарқи бор, уми, Рузимурод аками?

— Эсини киргизиб қўямизми, Эртўгон, — деди Комрон шартта.

— Унимас, Рузимуроднинг танобини тортиб қўйиш керак. Жим юрсин ёки бу ердан туёғини шиқиллатсин, — деб енгини шималади Илёс. У жанжални ёқтирадиган, тўйларда ишқал чиқариб юрадиган йигит эди. Шунданми, катталар унга аллақачон «ишқал» деган лақабни тиркаб бўлганди.

— Вой, ярамас-эй. Нима, бу ерда йигит зотига қирон келибдими? Ким ўзи улар, кеча келиб бизнинг юзимизга оёқ босадиган? Оқсоқолнинг ҳурмати деб индамасак, бошимизга чиқиб олади, шекилли. Чақиртирайми? — деди кайфи тарқай бошлаган Комрон.

— Шошма, — деди Эртўгон Комроннинг елкасига қўл ташлаб. — Мен ўзим тагига етаман. Агар ёрдам керак бўлса, сизларга айтаман.

— Салгина ишора қилсанг бўлди, келган жойига...

— Яхши, яхши.

Йигитлар қарорлари қатъийлигини айтишди. Шунқор болаларга ўзим бошчилик қиламан, деди. Буни ҳазил ўрнида қабул қилишган синфдошлар индашмади, мийиғида кулиб қўя қолишди.

Эртўгон холаси бежиз гапирмаганига амин бўлди. Ишни орқага чўзишни истамади, шу кеча нотаниш меҳмонларнинг изига тушишга аҳд қилди.

Таътил зерикарли ўтмайдиганга ўхшайди.

Эртўгон Сарвиноз билан гаплашишини кейинга сурди. Аввал бу муҳим ишни охирига етказиши керак.

IX. ИЗҚУВАР

Ярим кечаси дўкон омборига ўрта бўйли, елкалари кенг, билаклари бақувват бир йигит кириб келди. Унинг бироз узунроқ юзида қалин, аммо калта соқол бўлиб, ўсмирга ярашиб турарди. Эғнидаги жигарранг

нимчада у янаям кўрам кўринар, лекин катта, жиддий боқувчи кўзлари унинг баджаҳл одамлигини билдириб турарди. Бир қарашда сипо, бироқ бесаранжом нигоҳлар, унинг ҳаловати йўқлиги, тинч, осуда ҳаётга ташна экани, зиммасидаги қандайдир юк масъулияти уни ҳар қадамда таъқиб этиб турганидан огоҳ этарди. Бугдойранг юзи очиқ, узун қора қошлари диққатни тортарди, лекин у эркин, самимий эмасди. Буни эса йигитчага синчков, фаҳм-фаросат ва зеҳн солиб қараган инсонгина сезиши мумкин. Бепарво, безътибор одамга, барибир, бўлганидай, «Ота юртимда яшагани келдим» деган бегона кишининг гапларига ҳам ишониб кетаверади. Агарда обрў-эътиборли бирор ҳамқишлоғи ўртага тушса, бўлди, у ёғи билан мутлақо иши бўлмайди. Узоқ муддатга қаергадир кетиб қолган қўшниси қайтиб келгандай, муомала қилади.

Эртугонга қишда совуқ ва емишдан, ёзда маблаг ва транспортдан қийналадиган ҳамқишлоқлари орасида шундай тоифадаги одамлар кўпайиб бораётгандай туюлди. Бундай гумонга борганидан хижолат тортди, бироқ, ҳозиргина омборхонага қадам ранжида қилган Нигматни кутиб олган Рўзимуроднинг гапи уни лол қолдирди.

— Қишлоқдаги одамларнинг бир-бирларига лоқайдлиги бизга қўл келяпди. Шермуҳаммадга уй пулини тезроқ беришимиз керак. Ўз уй-жойимиз бўлсагина, бу ерда бемалол бош кўтариб юришимиз мумкин. Бўлмаса, қаторда «келгинди»лигимизча қолаверамиз. Пулни тезроқ жўнатишганда эди...

— Эртага етиб келади, шекилли, — деди Нигмат.

— Аслида бугун келиши керак эди. Пулни берардик-да, уйни бўшатиб қўй дердик, — деди паст овозда Рўзимурод.

— Ҳа, айтгандай, юборилган «булбул»ларни яхшилаб жойлаб қўйганмисиз?

— Булмасам-чи! Омборда бекорга каламушдай ётибманми?

Бутун вужуди қулоққа айланган Эртўгон омборхонанинг очиқ турган тўйнуғидан бу гапларни аранг эшитди. «Нимайкин, у «булбул»и?» Саволига жавоб тополмай яна ичкарига диққат қилди. У деворга суянганича миқ этмай турар, қоронгида шу томонга яқинлашиб келаётган мушукни ҳам пайқамаган эди.

— Соломат кўришиб турганимизга битта олмасам бўлмайди, — деди Нигмат бўғиқ овозда. Кейин нимадир ичди, шекилли, «оҳ, оҳ!»лаб қолди. — Газагига тузланганидан йўқми?

— Бори шу.

— Командир йўғида, тўйиб олмасам, бошқа пайт иложи бўлмайди.

— Ташасанг бўларди. Ким айтади сени Ислом лашкари деб. Ҳеч ким билмайди деб...

— Яна битта олай, ундан кейин бас қиламан. Кўряпсиз-ку, тоғнинг ҳавоси совуқлигини. Касал бўлиб қолмаслик учун қизишиб туриш керак. Ҳа, айтгандай, анави тул хотин жавоб қилмадимми?

— Уйи йўқ йигитга ким қизини беради? Бунинг устига, мусофир бўлсанг. Нима бало, ўзингни қўлга ололмаёсанми?

— Ўзингиз-чи?

— Мен арқонни узун ташлаб қўйибман. Келганимга уч ойдан ошди. Ҳеч кимда шубҳа уйғотганим йўқ. Юриш-туришим, ахлоқимдан шикоят қилишмади. Мана, қанақа юриш керак, бегона жойда.

— Пулнинг ҳаракатини қилинг.

— Албатта. Ҳисоб-китоб битгач, эртанинг ўзи-даёқ қишлоқнинг қарияларини чақириб, ош берамиз, урф бўйича бошпанага эга бўлганимизни овоза қилиб қўйишимиз керак экан. Кейин тожикча гапиришни бас қил. Одамларга бегона эканимизни билдириб туришимиз шарт эмас.

— Нима, бу ерларда абадий қолиб кетармидик? — Нигматнинг овози энди анча дадил эшитила бошлади.

— Биздан шубҳаланмасликлари керак. Балки мақсадга эришолмай қолсак, яна бу ерга қайтиб келишимизга тўғри келар. Энди ўзимиз учун яшашни ҳам ўйлашимиз даркор. Гулбодомни завжа қилиб олганимда, кунларим роҳатда кечарди-да.

— Эртага пул келса, оқсоқолнинг қўлига бир сиқимини тутқазинг-да, никоҳ ўқитиб олинг. Шундан сўнггина сиз билан яшашга мажбур бўлади. Кейин қизини менга тўғрилайсиз. «Ислонда эрнинг айтгани вожиб» деб бир дагдага қилсангиз, қўлидан нияям келарди. Масала роҳат-фароғатга келганда, бир ўзингизни эмас, мениям ўйланг-да.

— Ўзиям роса етилибди-да.

— Айниманг!

— Ана холос, ҳозирдан рашк қияпсанми?

— Мен Гулбодомга кўз ташлаётганим йўқ-ку.

— Қўлингдан келадими?

— Ярим кечаси кириб, алақачон ишини тўғрилаб қўярдим.

— Бошлиқлар нима учун сени ҳеч қаерга биринчи бўлиб юборишмаганини энди англагандирсан? Режанинг пачавасини чиқарасан. Бизнинг ишмизда, муҳтарам Нигматбой, эҳтиросларга берилинмайди, тушундингми?

Шу пайт мушукнинг миёвлаб қолгани эшитилди. Жонивор ногоҳ қандайдир тирик жоннинг яқинига келиб қолгани ва тўсатдан бир силтанган оёқнинг ҳаракатидан чўчиб тушган эди. Мушук овозидан ичкаридагилар сергак тортишди, шекилли, бир зум жим бўлиб қолишди, ўт-ўланларнинг шитирлашидан эса кўнгиллари сал ўрнига тушди.

Бироқ Эртўгоннинг назарида кимдир курсидан аста тургандай бўлди. Қадам товушлари туйнук остига келиб тўхтади. Эртўгон нафасини ичига ютди. Омбор эшиги эҳтиёткорлик билан очилди чоғи, заиф овоз чиқарди. «Кетишим керак!» У оёқ учида юриб сал нари борди ва қоронғиликка сингиб кетди.

* * *

Эртўгоннинг уйқуси қочди. Эшитганларини хаёлидан бир-бир ўтказар экан, бошиданоқ бежизга шубҳага бормаганига амин бўлди. Қизиқ, нималар тўғрисида гаплашишди? Қаердан келиб қолди ўзи, булар? «Булбул» дегани нима? Эртага қаердан пул келиши керак? Нега улар она-болага кўз олайтиришяпти? Уй-жой, бола-чақа қилиш учунми? Вақтинчалик дегани нимаси? «Балки мақсадга эришолмай қолсак, яна бу ерга қайтиб келишимизга тўғри келар» дегани-чи? Қанақа мақсад? Нимани кўзда тутишди?

Бу каби саволлар тонгга қадар хаёлини банд этди. Бирининг ортидан бошқаси пайдо бўлар, ўпқон сингари ўз домига тортар, гўё узилмас ҳалқа мисол боғланган эди. Энди бирортасига жўяли жавоб топдим деса, ногоҳ пайдо бўлган янгиси уни инкор қиларди-ю, яна шубҳага кўмиб ташларди. Кейин ўйланиб қоларди, ростдан бундай бўлмаса-чи?

Саноқул ака анча қувватга кириб қолса-да, бўйи етган фарзандларининг тўйи хусусида ўйлаб тунларни уйқусиз ўтказарди. Ўғлидаги жиддийликни, айниқса, ўзи каби ухламай, гоҳ хонада, гоҳ ҳовлида айланиб юрганини кўриб, ташвиши кўпайди. «Ўйланиш тўғрисида гап очолмаяпти», дея баттар сиқила бошлади. Лекин Эртўғоннинг хаёлини ўйланиш ҳақидаги ширин ҳис-туйғулар эмас, аксинча, бугун тунда эшитганларининг мағзини чақишдек мураккаб муаммо банд этган эди. Охири мияси ишламай қолди. Худди лабиринтга тушиб қолгандай ҳаммаси чигаллашиб кетди, чиқиш йўлагини тополмаган одамдай ўзини ожиз сизди. Дадаси унинг бу ҳолатидан беҳабар, бошқа ўйга бориб юрибди.

Қишлоқда ҳўрозлар қичқира бошлади. Боши говлаб кетган Эртўғон озгина мизгиб олиш учун хонасига кирди. «Бугун кечаси ҳам қизгин суҳбат бўлиши аниқ. Ахир каттагина миқдордаги пул келса, унинг ўзига яраша ташвиши бўлса керак», деди у бошини ётиққа ташлар экан. Ҳа, у ҳозирча зимдан иш олиб боришни маъқул кўрди: «Поладан олдин чанг чиқариш яхши эмас», дея пичирлади, кўзлари юмила бошлаган йигит.

* * *

— Мана, айтган пулингиз! — деди Рўзимурод кенг, олди бироз осилган шимининг чўнтагидан бир даста доллар чиқариб Шермуҳаммад аканинг қўлига тутқазар экан. — Розимисиз?

Олтамиш ёш эр киши учун нима бўпти? Аммо «ранг кўр, ҳол сўр», деган гап ҳам бор. Қадди бироз букчайгани касаллигидан, сийрак соч-соқоли аллақачон оқаргани кўп дард тортганидан. Тогнинг ҳавоси ўпка силига шифо деб, шифохонадан чиқибоқ

қишлогига қайтганди, аммо, барибир, росмана тузалиб кетмаяпти. Қариганда эр-хотинга қийин бўлиши тайин. Шунинг учун шаҳарга турмушга чиққан қизига яқинроқ туришмоқчи. Аслида кўчишга рози бўлишмади, ўрганган қишлоғи, одамлар, ота-бобоси ўтган ер, аммо қизи қўймаяпти, атай ўзига яқинроқ ердан уй топган, кўчириб кетмоқчи. Шаҳарда шароит яхши эмиш, истаса даволанаркан, истаса санаторияга бориб дам оларкан. Энг муҳими, чол-кампирдан югуриб кириб ҳол-аҳвол сўрайдиган қизи ва учта набираси шундоқ олдида бўларкан.

Қўни-қўшнига уйини сотмоқчи эканини айтганди, ҳеч ким харидор бўлмади. Бироқ қишлоққа янги келган Рўзимурод бирдан «Мен оламан», деб қолди. Қишлоқ оқсоқоли Умрзоқ ота ҳам «Яхшигина ҳақ тўлайди», деб қўшимча қилди. Мана, шу мусофирнинг Худога айтгани бор эканми, унга насиб этиб турибди.

— Қанча? — деди Шермуҳаммад ака дангалига.

У пулни кўриб кўзлари қувнаб кетган бўлса-да, бирпасда ўзини қўлга олди. Бошидан минг бир азоб ўтказган эмасми, қиёфаси шундай тез ўзгардики, буни Рўзимурод сезмай ҳам қолди. Пулга совуққонлик билан назар ташлаган Шермуҳаммад аканинг ҳолатидан Рўзимурод ичидан зил кетди: «бу кам, сотмайман», деб туриб олса-я?

— Уша куни лафз қилинган пул. Бир доллар кам ҳам, кўп ҳам эмас.

— Кампирни чақирай-чи, — деб Шермуҳаммад ака ўрнидан огир қўзгалди.

Рўзимурод уй эгасининг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб ўтирганди. «Оббо, бу яна нима дегани бўлди? Кампир «йўқ, бўлмайди», деб туриб олса-я».

Мастура опа ичкаридан чиққунича, Рўзимуроднинг бўлари бўлди. Ортида индамай турган Нигматга тез-тез нигоҳ ташлаб қўяркан, бесаранжомлана бошлади. Шу уйни олишга негадир ишонганди. Уч кунда нима бўлдийкин, бу қарияларга? Ҳамқишлоқларидан бирортаси айнитдимикин? Ёки бошқа харидор чиқиб қолдими? Йўқ, чиқмаган, шунча пайтгача топилмаган, энди топилармиди? Бироқ, ҳойнаҳой, «бегонага сотма», деган бўлиши мумкин? Бу касалманд чол эса... иккиланиб қолганга ўхшайди. Нима қилса экан? Устига яна озроқ қўшсамикин? Балки ёқасидан шартта олар, лафзинг борми сени, деб. Зора қўрқиб кетиб, «розиман» деб юборса! «Қани, кампир чиқсин-чи, шунга қараб иш тутаман».

— Берган пулингизга розимисиз? — деди Мастура опа эри билан етаклашиб чиқиб, супачанинг четига омонатгина ўтирганидан сўнг.

— Албатта, розиман, холажон! — Рўзимуроднинг гамгин кўзлари порлаб кетди. Ташвишли ҳолатини унутиб, қувончдан дили яйради.

— Унда, биз ҳам розимиз.

— Э, раҳмат сизларга. Яхши кунларга насиб этсин. Унда, иккита холис одамни чақириб, олдибердига гувоҳ қилиб қўйсак, нима дейсизлар?

— Яхши бўларди.

— Сиз нега индамайсиз, отахон? Бир оғиз розиман, деб қўйингда.

— Рози бўлмасам, пулингизни олармидим, Рўзимурод, — деди қўлини кўксига босиб таъзим қилган Шермуҳаммад ака. — Бу уй сизга ҳам муборак бўлсин. Яхши бошпана олдингиз. Эҳ-ҳе, бу уйда...

— Нигмат, тез бориб дўконга киргин, оқсоқолга кўзим тушгандай бўлувди, — деди Рўзимурод пулни

олган Шермухаммад аканинг гапларига бошқа қулоқ солмай. — Ҳа, кейин сотувчи Шодмонга ҳам айт, бирровга келиб кетсин. Мен илтимос қилганимни тайинла, йўқ демайди.

Нигмат худди шу гапни кутиб тургандай, дўкон томон югурди. Сотувчи боришга иккиланиб турганди, шу пайтда остонага қадам қўйган Эртўгонни кўриб қолди. Энди гапирмоқчи эди, нимадир эсига тушиб, бирдан жим бўлди. Кейин истар-истамас салом берди-да, ташқарига ошиқди. Бироқ энди эшикка етганда сотувчи уни тўхтатди.

— Менинг ўрнимга, мана, Эртўгон боради.

— Бир соатдан бери ҳеч ким киргани йўқ-ку, дўконга, беш дақиқага бориб келсанг нима қиларди, — деди Нигмат индамай кетишни ўзига эп кўрмай. Унинг ёв қараши Эртўгоннинг диққатини тортди.

Шодмон дарров жавоб қилолмай, каловланиб қолди. Бироқ ичида «меҳмон бўлсанг, ўзингга!» деди-да, дадаси савдо бўладими-йўқми, жойидан қимирламасликни қаттиқ тайинлаганини айтди. Қишлоқдагилар мабодо бирор нарсага зориқиб келиб қолса-ю, дўкон ёпиқ турса, шаънимизга яхши гап бўлмайди, деб тушунтирди. Бу орада гап нима ҳақида бораётганини фаҳмлаган Эртўгон оқсоқол билан саломлашгач, ёрдамга тайёр эканлигини билдирди. Ахир у атай «разведка»га чиққан эди-да.

— Бўпти, Шодмонни уринтирма. Бизга Эртўгон ҳам бўлаверади! Гувоҳ бўлгандаям ҳақиқий офицер! — деди Умрзоқ оқсоқол кутаринки кайфият билан. Кейин сотувчига юзланиб гапига қўшимча қилди. — Сўзим тўғрими, Шодмонбой?

— Ҳа, албатта.

— Эртўгондан яхшиси қаерда бор, қани, кетдик, — деди қишлоқ оқсоқоли Эртўгоннинг билагидан ушлаб ташқарига бошларкан, энди хизматни қаерда давом эттироқчилигидан гап очди.

— Қўмондонлик қаерга лозим топса, ўша ерга бораман, — деди Эртўгон гапни қисқа қилиб.

Нигмат тишини тишига босди, ноилож оқсоқолнинг ортидан юрди.

— Ҳа, албатта. Республикада ҳарбий қисмлар кўп, бирортасига мўлжаллашгандир?

— Ун кунлик таътил тугагандан кейин йўлланма беришади.

— Иложи бўлса, пойтахтга яқинроғидан танла, — деди оқсоқол тош йўлдан аста қадам ташлаб бораркан.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради Эртўгон юришдан тўхтаб. У шу баҳона билагини оқсақолнинг чиппа ёпишган қўлидан бўшатиб олди.

— Нега бўларди, биринчидан, шароити анча яхши, иккинчидан, бежавотир. Агар бу орада уйланиб олсанг, ҳукумат уй-жой қилишингга ёрдам беради. У ерларда тартиб-интизом, барибир, бўлакча.

— Тоғларда ўсган одам, шаҳар ҳаётига кўникиши қийин экан, — деди Эртўгон Шермуҳаммад аканинг уйларига яқинлашиб қолганида.

— Ҳа, биламан, аммо Худога шукур, бу ерлар тинч. Демоқчи бўлганимки, ўша ўқитган домла ва қўмондонларингга қанча яқин бўлсанг, шунча тез обрў-эътибор топасан. Мана бу ерингга тушадиган юлдузчалар ҳам тез кўпаяди ва катталашади. Узоқ ернинг иши қийин, ҳар замонда бир келиб-кетадиган командирлар кимнинг қанақа хизмат қилаётганини қаердан ҳам биларди. Агарда қисмдаги бирор бошлиқнинг билан чиқишолмай қолсанг, капитан ҳам бўлолмай,

умринг утиб кетади. Халқимизда, «Бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кир» деган доно нақл бор. Насиҳатимга қулоқ тутсанг, кам бўлмайсан. Ахир бизлар ҳам қишлоғимиздан катта-катта генераллар чиқишини истаймиз. Шундай катта одам бўлиб кетсанг, бу ердагилар қанча қувонишини биларсан. Айниқса, даданг шўрлик беҳад севинади.

Оқсоқол гапини тугатганда кўзланган манзилга етиб келишган эди. Икки томондан одам бўйи қилиб терилган, аммо айрим жойларида қулаган харсанг ўрнига тиканак бостирилган тош деворга тепаси очиқ, бир қаватли дарвоза ўрнатилган. Қачонлардир локланган, аммо, айна пайтда бўёғидан айрим жойлардагина нишона қолган, бир томонга сал огиб ҳам турган ёғоч дарвоза олдида Рўзимурод билан Шермуҳаммад ака оқсоқолга пешвоз чиқишди.

— Қўйлар сўйилиб, сихга тортилдими, дейман, — деди ичкарига қадам босган қишлоқ каттаси бир тутам соқолини силаб қўяркан.

— Сизлар келдингиз, қолгани бир зумда бўлади-да, оқсоқол, — деди Шермуҳаммад ака яхши кайфиятда меҳмонлар билан сўрашаркан. — Хуш кўрдик. Қани, ичкарига марҳамат.

— Албатта-да, бундай ҳиммат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, меҳмонларни кўндиргунча анча азият чекдим-а. Ёки қишлоқдаги биронта уйнинг шунча пулга сотилганини эслайсанми?

Оқсоқол бу сўзларни бемалол, ҳеч тортинмасдан гапирди. Супачага ўтиргач, «Насиб қилажак пулларни яхши кунларга ишлатинг», деб дуо қилди. Эртўгон супанинг бир четида тиззалаган кўйи ўтирган Нигматга кўз қирини ташлади. На тожикка, на афгон ва на ўзбекка ўхшайди. Ўзбекчани бироз бузиб гапиришидан

лўлига ҳам қиёслаш мумкин. Наҳот унинг ота-боболари ҳам шу ерлик бўлган? Унда нега шу пайтгача қайтиб келмай, энди бирдан эсига тушиб қолибди?

Эртўгон бу каби саволларга энди-энди бир қадар жавоб топилаётганини англаб етди. «Қишлоқ оқсоқолининг гапларидан тама ҳиди келаётгандай, бу мусофирларнинг кечаги суҳбатидан уй-жойли бўлиш эмас, аксинча, бутунлай бошқа муддаоси борлиги маълум бўляпти. «Ухшамай қолса» нима дегани? Уларнинг қайси ҳаракатлари ўхшамай қолиши мумкин? Оқсоқол бу одамлар билан қандай тил топишиб олган? Ёки азалдан танишми, улар? Бекордан-бекорга ҳимоясига олмагандир? Бири Гулбодом опага, иккинчиси Сарвинозга кўз ташлашининг сабаби нимада экан-а? Ёлғиз аёлларни ўз қармоғига олиб, шу баҳона бу ерларда муқим яшаб қолишми, ёки яна бошқа яширин ниятлари борми?»

Эртўгоннинг қони қайнаб, рашк ўтида ёнмаётганининг сабаби, Ниғматни рақиб ўрнида кўрмаётгани эди. Сарвиноз ҳеч қачон бегона йигитга турмушга чиқмайди. Онаси мажбурласа ҳам рози бўлмайди. Шундай экан, ёш боладай шовқин-сурон солишининг нима кераги бор? Лекин Гулбодом опа ҳам манави Рўзимуродга турмушга чиқмаса керак. Узоқдан қараганда билинмаган экан, яқиндан яққол кўринди, турқи таровати кўримсиз, ҳатто кўринишдан бироз совуқ. Соч-соқол эр кишининг кўрки дейишади, бўлиши мумкин, аммо ҳаддан ташқари ўсиб кетгани, бунинг устига, ювиб-таралмагани жуда ғалати кўринаркан.

Эртўгоннинг хаёлини банд этган саволлар бодроқ янглиг тобора кўпаймоқда эди. Энди у ичида ўзи билан ўзи гаплаша бошлади: «Аслида дадамга тегса яхши эди. Она-бола бизникида бирга-бирга яшай-

верарди. Нима қилсам экан? Кечқурун дадам билан маслаҳатлашсаммикин? Эртага кеч бўлиши мумкин. Рўзимурод бу шаштида ҳозироқ оқсоқолни Гулбодом опанинг уйига олиб боришга ҳам шай турганга ўхшайди. Ҳа, афтидан уй масаласини ҳал қилади-ю, кейин никоҳ хусусида гап очади. «Темирни қизигида босиш керак», деб кексалар бекорга айтишмаган».

— Хўп, пулни санаб олган бўлсанг, энди...

— Энди менда бир таклиф бор, — деб оқсоқолнинг гапини бўлишга журъат қилди Эртўгон. — меҳмонларни ўз ҳолига қўйсак, улар кўчиб кириш ишларига тараддуд кўришса, мен эса сизлар билан Гулбодом опанинг уйига бормоқчиман.

— Ахир биз... шундоқ ҳам беванинг уйига қадам ранжида қилмоқчи эдик. Сенинг таклифингнинг боиси не? — деди Умрзоқ оқсоқол кўзларини ҳайрат билан очаркан.

Эртўгон тахмини тўғри чиққанига ҳайрон бўлмади. Ҳа, Рўзимурод бу ердаги ишни битириб, оқсоқол билан Гулбодомнинг уйига бормоқчи бўлишган. Умрзоқ отага эса совчилик роли топширилган. Агар бу ишни ҳам дўндирса, каттагина совғага ёки маблағга эга бўлади. Буни йўлдаёқ англай бошлаган Эртўгон воқеа шу ерга етганда бирдан ташаббусни ўз қўлига олишга қарор қилди.

— Дадамни яхши танийсизлар. Бир умр қўл меҳнати билан кун кўриб келади. Аммо онам вафотидан кейин негадир касалдан боши чиқмай қолди. Кўнглига қулоқ солсам, ёлғизликдан эзилаётганга ўхшайди. Ўйлаб қарасам, бунинг чораси дадамни яна ўйлаб қўйиш экан. Баъзи қўшнилари ҳам тўғри қарорга келибсан, дейишди. Шундан кейин сизни излаб кўчага чиққан жойим эди, Умрзоқ ота.

— Хўш, хўш, — деб қолди масалага жиддий қизиқиб қолган ва айни пайтда гап қаёққа қараб бораётганини фаҳмлаган оқсоқол ўтирган жойида астойдил қимирлаб қўяркан.

— Ҳозир сиз ва Шермуҳаммад ака билан бир-галикда Гулбодом опанинг уйига совчиликка борсак, агар розилик билдирсалар, дадамга никоҳ ўқитиб, шу таътилим ичида уйимизга олиб ўтсам.

— Ийе, бу ёғи қизиқ бўлди-ку, — дея оқсоқол Рўзимуродга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Нимаси қизиқ бўлди? — деб ўзини тушунмаганга солди Эртўгон. — Савоб ишга бош қўшасиз, шундай эмасми?

— Шундайку-я...

— Нега иккиланяпсиз, оқсоқол, — дея гапга қўшилди Шермуҳаммад ака қўлидаги пулни хотинига тутқазгач, ичкарига киришини имо қилганидан сўнг. — Саноқул яхши инсон, камтар, камсуқум. Агарда уйланса, яна оёққа туриб кетиши аниқ. Бундан ташқари, икки қизни турмушга беришга қийналмайди. Энг муҳими, синашта одам.

Бу гап Рўзимуродга тегиб кетди. Пулни шошиб бериб қўйганига негадир ичи ачишгандай бўлди: шунча пул-а? Мабодо уйланоlmаса, нима кераги бор, бу кулбанинг? Яна қанча туради, бу қишлоқда, Худо билади? Ўзи шундоқ ҳам зўрға юборишди, пулни. Яна нима эмиш, кейинги оладиган маблағи ҳисобидан экан. Агарда Гулбодомни қўлга киритса, қуйинмаса ҳам бўлади: қанчадир муддат айш-ишратда яшаб хуморидан чиқиб олади. Бироқ оқбанданга етишолмаса, алам қилгани қолади-да. «Оббо, тирранча-ей, ердан чиққан қўзиқориндай қаердан пайдо бўлиб қолди? Яна келиб-келиб, совдонинг айнан устида, йўғ-э,

олди-берди тугаган чоґда-я! Бу камлик қилгандай, Шермухаммаднинг гапи ортиқча бўлди-ку. Пулни олгандан кейин индамай туравермайсанми, номард. Сенга ким қўйибди, ўртага суқилишни?.. Анави гўрсўхта-чи? Нега у жим турибди? Шунча огзини мойлаганим каммиди?.. Нимадир қилишим керак, бўлмаса, мана бу Эртўгон деганлари улоқни опкетиб қолади».

— «Синашта» деб бизга текказиб гапиряписизми, мабодо, — деди Рўзимурод охир-оқибат чидай олмай.

У шу тобда икки нарсадан ҳам қуруқ қолаётгандай, даргазаб бўла бошлаганди. Жаҳлининг чиқишига яна бир сабаб: оқсоқолнинг бирдан ланжлик қилиб қолгани эди. Нега шартта кечаги келишувни очиқ-ойдин айтмаяпти. Ахир масалага нуқта қўйилган эмасмиди? Нима, шу бир огиз гап билан шартлашув бузилди-ми? «Э-йўқ, бу йигит офицер бўлса, нима бўлибди, огзим бор деб гапирди-қўйди-да. Ким ҳам унинг таклифини инобатга оларди? Оқсоқолми? Бундай деб ўйламайман. У мендан шунчалар қарздорки, қўлим тугул, оёғимни ўпишга тайёр. Қани, нарғи томонга огиб кўрсин-чи?!»

— Сизларни асло камситиш маъносида гапирмадим. Биродарим Соноқулга ачинганимдан шундай деяпман, — дея ўзини оқлашга тушди Шермухаммад озгин елкаларини қуништириб.

— Менимча, бу ерда ишимиз қолмади, оқсоқол. Энди бориб кейинги ишни ҳал қилайлик. Қани, йўл бошланг! — деб Рўзимурод Умрзоқ отанинг қовоғи тез-тез учаётган бесаранжом кўзларига тикилиб.

Дарҳақиқат, Умрзоқ ота ўзини жуда ноқулай аҳволда қолганини ҳис этди. Бир томонда лафз қилиб қўйган Рўзимурод турибди. Мусофир бўлса-да,

олдида тили қисік. Иккинчи томонда эса, тили қисік бўлмаса-да, ҳамқишлоги Эртўгон турибди. Эртага шу ернинг каттаси бўлиб қолиши мумкин. Эл-юрт олдида шарманда қилса, қариганда топган-тутган обрўсидан айрилади, одамларга қўшилолмай қолади. Нима қилса экан-а? «Ўзи шу Рўзимуродга ҳам ҳайронман, бу ишларни ўтган ҳафтадаёқ амалга ошириши керак эди. Қанча қистадим. Одамнинг гапига қулоқ тутганда, ҳозир хотинни қучоқлаб ётган бўларди. Аҳмоқ. Ўзидан кўрмай, менга еб қўйгудек бўлиб тикилгани-чи. Энди мен нима ҳам қила олардим. Икковинг билан ҳам бормасликнинг чорасини қиламан, шекилли».

Оқсоқол шундай қарорга келди: илкис ҳаракат билан ўрнидан турди, бироқ ўзини тутолмагандай «чайқалиб» кетди. Эртўгон қўлини узатиб тутиб қолмоқчи бўлди, лекин улгура олмади: бошини ушлаган Умрзоқ ота бирдан ёнбошга ағдарилди. Ҳаммаси табиий чиқиши учун ўзини аяб ўтирмади. Тош йўлакка бор бўй-басти билан йиқилган оқсоқолнинг чап юзи ачишгандай бўлди, демак, майда тош қирралари терисини тилган, илиқ туюлган нарса эса қон.

— Яна қон босими ошиб кетди-ёв, — деди Шермуҳаммад ака оқсоқолнинг найрангидан беҳабар. — Энди нима қиламиз?

Нафақат у, балки атрофдагилар ҳам бу томошанинг ҳийла эканлигини сезишмади. Шошиб қолган Эртўгон яқин қишлоқда врачлик пункти борлиги ёдига тушиб, қўл телефонига ёпишди. Аммо алоқага чиқишнинг иложи бўлмади. Рўзимурод беморнинг билагини ушлаб, томир уришини текширди. Одатдагидан тез ураётгандай туюлди, назарида. Меҳрибонлигини кўрсатмоқчи бўлдим, Ниғматга имлаб, оқсоқолни супага олмоқчи бўлди.

— Тегманглар, — деб бақирди Эртугон. — Ҳозир, умуман қимирлатиш мумкин эмас. Кутарсак баттар бўлади. Бошига бирор нарса қўйсак бўлди.

— Мана буни қўйинг, — дея Шермухаммад ака бодом дарахти шохидаги ҳаворанг сочиқни Эртугонга узатди.

Рузимурод билан Нигмат нима қиларини билмай, кетиш пайига тушди. Бир-бирлари билан кўз уриштириб олишгач, эртага хабар олишини айтиб, уйдан чиқишди. Уларнинг ортидан зимдан кузатиб қолган Эртугон бу ерда анча вақт қолиб кетди.

* * *

Эртугон кечки овқатдан сўнг яна айлангани чиқди. У кечаги ерга сездирмай етиб келганда, ичкарида суҳбат қизгин эди.

— Эртагаёқ сотиб олинган уйга кўчиб ўтишимиз зарур. Шундагина одамларнинг муносабати ўзгаради. Бўлмаса, «бегона»лигимизча қолаверамиз, — деб гапираётган эди Рузимурод.

— Омадингиз юришмади. Бу ёғига нима қиласиз? Сўққабош юриш жонга теккандир? — сўради Нигмат.

Эртугон унинг гапи оҳангидан ёнбошлаб олганини, ҳар замонда чирсиллаган товушдан эса бодом чақаётганини англади. Бирдан Рузимуроднинг гапириши ўзгарди, демак, у тилининг остида нос ташлади.

— Чилимнинг хуморини, барибир, ҳеч нарса боса олмайди, — деди у норози оҳангда.

— Гапни айлантормасангиз-чи. Агар қиш ичи-ям бу ерларда қолиб кетсак, бағримизни иситмасак бўлмайди.

— Бу нарсага фақат сабр орқали етишин мумкинлигини унутма.

— Тупурдим ҳаммасига! Уладиган дунёда кайфу сафо қилиб қолмоқчиман. Энди нима бўлса, пешонамдан кўрдим. Шу бугун тирикманми, демак, ҳаётим бефайз ўтмаслиги керак. Мен учун ҳеч ким қайғурмаганидай, мен ҳам бировга ачинмайман. Эрта бир кун ўлиб кетсам, анави тошлар тагига иргитиб кетасизлар, жуда инсоф қилсаларинг, кўмарсизлар.

— Намунча кайфиятинг тушкун? Дардинг ичингда экан, нега келишга рози бўлдинг? Урнингга бошқа бировни юборишларини сўрамадинг?

— Ажални қачон ва қаерда келишини кутиб яшаш жонимга тегди. Мен ишдан қочаётганим йўқ. Айтилган пулни беришса, истаган топшириқни бажаришга тайёрман. Аммо ҳар бир кунимни қайғу билан эмас, шод-хуррамлик билан ўтказишни истайман.

— Яна озгина сабр қилишингга тўғри келади. Ҳозир биринчи галдаги вазифа, уйга кириб олиш. Кейин нима қилсак, ярашаверади. Агар сен айтгандай, нафсимга кўниб Гулбодомнинг номусига текканимда, у иснодга чидай олмай, ўзини бир нарса қилиб қўйган бўларди? Хўш, қишлоқ аҳли индамай қараб турармиди? Уларнинг ҳаммаси ҳам бепарво, лоқайд эмас. Одамлар мени уркалтак қилиб, тогдан пастга улоқтириб юборишарди. Биринчидан, аянчли ўлим топардим, иккинчидан, зиммамга олган вазифани бажаролмай, бутун бир режа барбод бўларди. Бўйнимга тавқи лаънат осилармиди? Осиларди. Шунинг учун бизнинг ишимизда сабр қилиш, келажакдаги галабамизнинг энг асосий омилидир. Тушундингми? Демакки, сени мен билан ҳамкорлик қилишга юборишган экан, кўрсатган йўл-йўригимга амал қилишинг шарт. Акс ҳолда иккимиз ҳам ишлончдан чиқиб, бу тоғу тошларда думи қисик чиябўридай ўлим топишимиз аниқ. Мен эса

буни хоҳламайман. Фарзандларим, хотиним олдига соғ-саломат қайтишим керак.

— Хўп, эртага кучиб кирдик ҳам дейлик. Кейинчи, ундан кейин нима қиламиз?

— Ҳар кунги ишимизни давом эттирамиз. Ҳозирча биздан: «Нима билан бандсизлар?» деб, ҳеч ким сўраётгани, тафтиш қилаётгани йўқ-ку. Ҳисобот талаб қилмаганидан кейин, санаторийда дам олгандай, қўшни қишлоқларни айланиб, бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бохабар билиб юравермайсанми?

— Аллақачон билиб бўлганман.

— Демак, зерикишни бошладинг?

Нигмат ана энди мум тишлаб қолди. «Ҳа» деса, лагерга қайтариб юборади. Бу эса ўлим билан баробар. «Йўқ» деса, ростдан ҳам қилар ишининг тайини йўқ: қишлоқ аҳолисининг кундалик юмушларини бажариш жонига тегди. Биргина илинжи — Сарвинознинг уйида иш бормикин, деб ўйлаб турарди. Эрталаб бир-ров бош суқиб ўтади, кечга яқин иккинчи бор нигоҳ ташлайди. Шу ишнигина бажонидил, қолганларини эса ўлганининг кунидан бажаради. Ғашига, асабига тегди. Лекин ҳаммасига розиман, деб ваъда бериб келган. Агарда зиммадаги вазифадан бўйин товлаши бошлиқларга етиб борса... «Алвидо, ҳаёт!» ичида тақрорлади Нигмат.

— Нимадир дедингми?

— Йўқ, ҳаммаси жойида.

Шу пайт ногоҳ мушукнинг овозидан нафақат Эртўгон, балки ичкаридагилар ҳам нафасларини ичига ютишди. Шумланган Рўзимуроднинг сапчиб ўрнидан тургани ва омбор эшигини елкаси билан итариб очганини сезган Эртўгон ўзини қоронгилик қаърига олди. Бироқ омборнинг орқа томонига тезлик билан

айланиб ўтган Рўзимурод узоқдаги одам шарпасини кўришга улгуриб қолди. Кимлигини таний олмади. Лекин ичига қўрқув тушиб, ичкарига ранг-рўйи ўчган ҳолатда кириб келди.

— Бизни пойлашаётган экан. Ҳозироқ кетишимиз керак! Нарсаларингни йиғиштириб, дарҳол йўлга туш. Дарада учрашамиз!

Бундай танг вазиятга тушишни хаёлига келтирмаган Нигмат бир зум анграйиб қолди. Наҳот ҳаммаси тамом бўлса? Ахир Сарвиноз билан кечаларни бедор ўтказмоқчи, ишқий кайфу сафолардан сармаст бўлмоқчи эди-ку. Буларнинг бариси хаёлий орзу бўлиб қолверадими? Бу ҳам етмагандай, шунча пулни кўчиб кирмаган уйга деб ташлаб кетаверадими? «Рўзимурод намунча қуён юрак бўлмаса?! Шунча нарсани индамай ташлаб кетамизми?»

— Пулни нима қиламиз?!

— Ярим соатда бу ерга милиция ходимлари ёки чегарадагилар етиб келиши мумкин. Жонингни ўйласанг-чи, Нигмат! — деди Рўзимурод бир четдаги сандиқ ичига эски-туски нарсани ташларкан.

Нигмат омбордан чиқиб, Шермуҳаммад аканинг уйи томон ошиқди. Рўзимурод қўлга кирган нарсаларни қўшхўржунга тика бошлади. Лекин икки кўзи Нигматда эди.

* * *

Нигмат дарвозани бир тепиб очди. Ҳовлини тезда кесиб ўтди-да, айвонда пайдо бўлди. Эшикни муштлади. Шовқиндан эсини йўқотган Шермуҳаммад ака ўрнидан тура олмади, хотинига имо қилди.

— Ким у? — Мастура опанинг заиф овози эшитилди эшик ортидан.

— Мен Нигматман, Рўзимурод аканинг жияни.

Мастура опа сал енгил нафас олди, бироқ қўрқув унинг вужудини бутунлай тарк этмаган эди. Ахир яхши ниятда келган одам эшикни шунақанги зарб билан урадими?

— Тинчликми, углим? Нима гап?

— Эшикни очинг!

— Аввал мақсадингизни билай.

— Уйни олмайдиган бўлдик, пулни олиб чиқинг!

— Вой, бу нима деганингиз.

— Очасизми, йўқми?

— Ҳозир, болам, ҳозир. Амакингизни уйготай-чи.

Нигмат бирпас кутди, кейин сабри чидамади, бир қанотли эски ёғоч эшикни тепганди, занжиридан узилди. Тўғри бориб ётоққа кирди ва эндигина ёстиқдан бош кутарган Шермуҳаммад аканинг тепасида пайдо бўлди.

— Пул қаерда?

— Пул... пул... — дея гудранди қўлларига титроқ тушган чол.

— Ҳа, пул. Пешинда уй учун олган пуллар қани?

— Болам, биз уни... қизимни чақириб...

— Ёлгон гапирма, кампир! Агарда ҳозироқ олиб чиқмасанг, чолингдан умидингни узавер, — Нигмат шундай деб ваҳима ичида кўзлари жовдираётган Шермуҳаммад аканинг нозик бўйнига ёпишди. Касалванд чол шундоқ ҳам шалвираб турганди, бир зумда хириллай бошлади.

— Озгинаси... қолганди...

— Ҳаммасини опчиқ! Бўлмаса сени ҳам бўғиб ўлдираман. Нима, қўшмозор бўлмоқчимисанлар!

Кўзлари орқага тортиб кетаётган Шермуҳаммад ака бир амаллаб хотини томон нигоҳ ташлади ва

даргазаб йигитнинг бақувват қўлларига осилиб қолди. Нигмат қўлини силтаган эди, шилқ этиб ўринга ёнбош қулади. Аёл эримни ўлдириб қўйди деб ўйлади, шекилли, қарганиб, босқинчига ташланди: аммо қўлидан бир иш келмай, чолининг ёнига гуп этиб тушди. Қайта ўрнидан туришга юраги бетламади, чолига энгашиб, юзини ўзига қаратди. Шермуҳаммад ака ўқчиб-ўқчиб хириллаб йўталди ва аранг кўзини очди. Йигламсираб турган хотинига нигоҳлари билан ишора қилди: «Опчиқиб бер!»

Мастура опа ноилож ўрнидан турди. Ичкарида узоқ қолиб кетмади. Ётоғига қайтганда унинг билнар-билинемас титраётган қўлида янги сочиққа ўралган нимадир бор эди.

Нигмат сочиқни деярли тортиб олди. Шошиб ичини очди, чамалаб кўрса, ҳаммаси жойида. Энди ортига қайтмоқчи бўлганда, ҳолсиз ётган Шермуҳаммад акага қайрилиб ўшқирди:

— Биров сўраса, ўйни сотмайдиган бўлдик, дейсан! Тушундингми? Пулини қайтиб бердик дегин!

Нигмат шахд билан олдинга юрди ва «гапимни эшитдингми», дегандай Шермуҳаммад аканинг елкасидан ушлаб силкиганди, садо чиқмади. Ичида фалокат юз берганини сизди, Мастура опага сездирмай, бўйнидаги томири устига бармогини қўйди: юрак охирги марта қаттиқ урди ва ...

— Шермуҳаммад аканинг дорисини опчиқинг! Ичвосин! — деди аста қаддини ростлаган Нигмат бева қолган аёлнинг кўзларига зимдан нигоҳ ташлаб.

Бирдан гезариб қолган йигитнинг муомаласидан Мастура опанинг юраги шув этди. Ўзини зўрга босиб, ортига бурилди. Бироқ орадан сал ўтмай остонада

пайдо бўлди. Нигмат аёлнинг важоҳатини кўриб кўзлари олайди, қўлтигидаги сочиқ сирғалиб полга тушди.

— Чол... чолингиз ўлмаган, — деди у Мастура опанинг қўлидаги қўшотардан нигоҳини узмай. — Бўпти, пулни ол... май... ман. Мана, ҳозир... ўзингизга қайтараман. Фақат отманг. Қўлингизни... ноҳақ қонга ботирманг. Исломда бегуноҳ одамни ўлдириш... ҳаром ҳисобланади. Пуллар сизники, манг.

Нигмат аста энгашиб сочиқни олди. У нишонда турганини аниқ билар, аммо бу орада тумандай тарқаб кетган фикрларини йиғишга улгурган эди: амаллаб пулни ажратиб ушлади ва қуруқ сочиқни аёлнинг башарасига қараб отди-ю, шартта ўзини ташқарига урди. Лекин айна лаҳзанинг ўзида хона ичини отилган ўқ овози тутди: эшикни очишга улгурган, лекин чап оёғини ҳали остонадан узмаган Нигмат орқа курагига қадалган «ажал»дан олдинга мункиб йиқилди. Мастура опа кейинги ўқни ҳам унинг юрагига жойламоқчи бўлиб аста йигитнинг тепасига келди. Чироқнинг хира ёруғида кўрдик, босқинчи шу оннинг ўзида асфаласофилинга равона бўлган экан. Ачинарли ҳолат: мурданинг қўлтигида бир даста пул, оғзида сизиб турган қон излари. Бу эса мўлжалга олиб-олинмай отилган ўқ нақ юракка бориб қадалгани ва уни парчалаб ташлаганидан далолат берарди.

Мастура опа милиция ходимлари келгунча ҳеч нимага тегмади, фақат эрининг очиқ қолган кўзларини алам билан йиғлаб-йиғлаб ёпиб қўйди.

Бемаҳалдаги ўқ овози ва йиғидан қўни-қўшниларининг уйларида бирин-кетин чироқ ёна бошлади.

Тенгдош дўстлари билан етиб келган Эртўгон бу ердаги ҳолатга қараб, нималар юз берганини тасаввур

қилди. Кейин йигитларни дарага бошлади. У шу тобда Рўзимуродга етиб олишни ўйларди, холос.

* * *

— Қўлга тушира олмадик, — деди Эртўгон эрталабки савол-жавоб вақтида. — Рўзимурод бу ерларни биздан кам билмас экан. Чегарадан ўтишни пухта ўрганган кўринади.

— Балки ҳали бизнинг ҳудудимизни тарк этмагандир? Бирор горни аввалдан мўлжаллаб қўйган бўлса, ўша ерда яшириниб ётгандир? — деди яқин атрофда жойлашган чегара қўшинларининг бўлинма командири.

— Бўлиши мумкин, — деб фикр билдирди бундай пайтда жим ўтиришни ўзига эп кўрмаган участка нозирини. — Қидирувни бошлашимиз даркор. Керак бўлса, итлардан фойдаланамиз.

— Энди бефойда, — деди Эртўгон юзхотирчилик қилмай. — Қишлоққа келган бегоналарни ўз вақтида текшириб кўриш керак эди.

— Нимага назорат қилмагансиз, демоқчимисан? Паспортлари жойида эди. Қидирувда бўлганларнинг орасида эса исм-шарифи йўқ. Бунинг устига, анави Умрзоқ оқсоқол, Рўзимуроднинг ота-боболарини танишини айтди. Шунда ҳам ишонмайми?

Эртўгон бўлинма командирига бир қараб олди-да, участка нозирига юзланди.

— Сиз озгаки гапларга эмас, ҳужжатларга, расмий маълумотларга ишонишингиз керак эди, ўртоқ капитан. Уларнинг паспорти сохта эмаслигига кафолат бера олсизми? Бера олмайсиз, сиз ана шундан гапиринг.

— Сен бу гапинг билан менга қандай иш тутишни ўргатяпсанми? Кеча офицерлик погонини таққан бўлсанг ўзингга. Менинг ўз бошлиқларим бор, тушундингми? Фақат уларгина буйруқ ва кўрсатма бера олади.

— Лоқайдлик қилганингизни тан олиш ўрнига, нега кераксиз гаплар билан терговни чалгитяпсиз? Ички ишлар вазирлигига ёки Миллий хавфсизлик хизматига қишлоққа келган бу бегона одамлар тўғрисида маълумот бердингизми? — Эртўгон бегуноҳ бир ҳамқишлогининг ўлимига сабаб бўлган бу нохуш ҳодисани ҳазм қила олмаётган эди. — Гапиринг!

— Ишимга аралашма. Сен кимсанки, мени сўроқ қиласан? Ўзинг тергов жараёнида утирганингни эсдан чиқарма, йигит.

— Гапни айланторманг! Ҳеч бир ташкилотга мурожаат қилмагансиз.

— Саволга жавоб бера оласизми? — деб бўлинма командири участка нозири Холбобо Исматовнинг аччиқланган, аслида жовдираган кўзларига тикилди. — Нега жим бўлиб қолдингиз? Эртўгон тўғри гапиряпти. Агар сиз мусофирларнинг келди-кетдиси билан жиддий шугулланганингизда эди, бу каби аянчли воқеалар юз бермаган бўларди. Керак бўлса, қишлоқ оқсоқолини ҳам сўроққа тортамыз. Шунинг учун сиз билан бўладиган савол-жавобимизга тайёрланиб утиринг. Бу ерда гап қотиллик ҳақида боряпти.

— Шу билан давлат чегарасидан билдирмай ўтиб келган жиноятчилар ҳақида ҳам, — деди тили қичиган участка нозири жим ўтиролмай.

У «айб биргина менда эмас» дегандай бемалол гапирди. Унинг ўзини тутиши ва гап-сўзлари атрофдагиларда масъулиятдан негадир чўчимаётгандай таассурот қолдирди.

— Ҳа, керак бўлса, биз ҳам жавоб беришга тайёرمىз. Бундан бўйин товламаймиз, — деди Холбобо Исматовнинг иддаосини англаган бўлинма командири. — Ҳуш, сен нима деётгандинг Эртўгон? Излаш бесамар деб ҳисоблайсанми?

— Рўзимурод анойилардан эмас, у тонг саҳардаёқ кўзлаган манзилига етиб олган, — деди Эртўгон саволга жавоб бераркан.

— Нега бунчалик ишонч билан гапиряпсан? — деб яна Эртўгонга юзланди бўлинма командири.

— Энди унинг кимлигини тахмин қилмай, аниқроқ айтсак ҳам бўлади. Рўзимурод халқаро экстремистик кучларнинг махсус агенти. Бу ерларни яхшилаб ўрганиш учун келган. Афгон, тожик, ўзбек тилида бемалол сўзлаша олади.

— Анави Нигмат Сатторов ҳамми? — дея пешанасини силади бўлинма командири.

— Ҳа, у ҳам.

— Махсус агент арзимаган пулнинг кетига тушиб, жонини хатарга қўярмиди? Ўйлаб гапиряпсанми?

— Ун минг доллар арзимаган пулми? Унинг очкўзлиги ажал домига тортди. Шунча пулни ташлаб кетишга кўзи қиймади. Рўзимурод эса ундан кўра ақллироқ экан, пулни назарига илмай, ҳаётини сақлаб қолди.

— Нималар деяпсан? Рўзимурод деганлари қайтиб бу ерларга кела олмайди. Келса, Нигматнинг қисмати бошига тушишини яхши билади.

— Тўғри, бироқ душманга бундай паст назар билан қараб бўлмайди. Унинг ёвуз ва қотил эканини унутмаслик керак. У кутилмаган вақтда тинч ҳаётимизга хавф солиши мумкин.

— Демак, ҳозир ёрдамчи кучлар етиб келгач, гуруҳларга бўлиниб, Рўзимуродни излаб кўрамиз, — деди бўлинма командири.

— Қўшни қишлоқларга, албатта, бориш керак. Рўзимуродга ўхшаган бандитлар, яна бошқа бир сохта паспорт билан яширинган бўлиши ҳам мумкин. Таътил

тугагунча вақтим бор. Ижозат этсангиз, бирор гуруҳга қўшилиб, Рўзимурудни излашга қўмаклашсам.

— Ўзимам сендан шуни илтимос қилмоқчи эдим.

— Мен тайёрман!

* * *

Уйнинг орқа томонида бойўгли кетма-кет сайради. Бемаҳалда-я? Сарвиноз нимадир тикиб утирган онасига зимдан назар ташлади. Гулбодом опа буни эшитмаганга олди. Қиз ўрнидан туриб, ташқарига чиқиши керак. Ахир севган йигити келганидан дарак берапти.

— Қўзилардан хабар олиб келай, — деди Сарвиноз онасидан нигоҳини узмай.

— Майли, лекин узоқ қолиб кетма, — дея ишида давом этди она. Ичида эса «икки ойлик бўлди-ку, қўзилиги қоптими?» дея мийигида жилмайиб қўйди. «Хайрлашгани келдимикин? Ҳа, шундай бўлса керак. Ахир аҳду паймон деган нарсалар ҳам бор-ку. Билмаганга, эшитмаганга оламан-да».

— Хўп.

Гулбодом опа «қизим уялмасин» деб, қўзига қарамади. Сарвиноз эса буни пайқади. Юраги энтикиб ташқарига чиқди. Эшик олдида туриб атрофга разм солди: «Қаердайкин?»

— Хайрлашгани келувдим, — деди Эртўгон қўра томондан аста чиқиб келаркан.

— Кетяпсизми?


— Ҳа, эрталаб жўнаб кетаман.

— Энди узоқда келсангиз керак?

— Янги иш... шунақа бўлишيام мумкин.

Сарвиноз индамади. Эртўгон уни ёнига имлади.

Қиз бармоғини лабига босиб, ичкарига ишора қилди. Йигит «бир дақиқага», дегандай яна имлади.



«Ёругда турмайсан-ку». Даҳлизнинг деразасидан чи-роқнинг хира нури тушиб турарди. Сарвиноз жойидан қимирламади.

— Кетаверайми? — пичирлади Эртўгон.

Сарвиноз сергак тортди. «Наҳот кетиб қолса? Шуми, хайрлашгани келгани? Ужарлигини қаранг!» Ноилож сал қоронгиликка ўтди.

— Майли, яхши боринг, — деди Сарвиноз ўзини атай тумтайганга солиб.

Эртўгон қизга яқинроқ келди. Сарвиноз юзларида йигитнинг нафасини сизди.

— Қўлимни ушласангиз, кетиб қоламан, — деди Сарвиноз қўлини тортиб олмоқчи бўлиб.

Аммо йигитнинг чайир бармоқларидан чиқиб бўларканми? Нигоҳлар бир-бирига тикилди, ширин ҳис-туйғуларга чўмган юраклар эса сирли сўзлашди:

«Бағрига тортса, нима қиламан?»

«Ўпиб олсаммикин?»

«Энди қачон кўришамиз экан?»

«Яна келгунимча соғиниб қолсам керак»

«Эртўгон ака!»

«Севлигим, Сарвиноз!»

— Шу таътилда совчи юбориб, розилигингни олмоқчи эдим. Аммо кўрдинг-ку, кутилмаган воқеалар содир бўлиб, ишнинг белига тепди. Маросимни кейинги келишимда ўтказармиз. Кутарсан?

— Билмасам.

— Бу нима деганинг, Сарвиноз?

— Онам нима десалар — шу.

— Ақлли қизларнинг жавоби шундай бўлади. Энди эса хайрлашамиз ва мен акалардай пешонангдан ўпиб қўяман.

Сарвиноз пиқ этиб кулиб юборди ва дарҳол каф-
тини огзига босди. Унинг кулгиси бегубор эди.

— Нега куласан?

— Худди урушга кетаётган аскардай-а?

— Нима бўпти?

— Йўқ, ўзим шундай.

— Бундан ортигини кутганмидинг? — қовоқлари
уйилди Эртўгоннинг.

— Жинни бўлдингизми? Нималар деяпсиз?

— Мен сени...

— Нима, ҳазиллашиб ҳам бўлмайдими, сизга? —
дея қўлларини тортиб олди Сарвиноз.

Шу гапдан кейингина Эртўгоннинг пешонасини
безаган ажинлар йўқолиб, чеҳраси сал очилди. Энди
гапирмоқчи эди, қиз бир қадам ортига чекинди.

— Қаёққа? — деди шошиб қолган Эртўгон.

— Тезда қайтаман деб чиққандим, ойим қидириб
қолмасин яна.

— Ҳафа бўлдингми, гапимдан?

— Йўқ. Ҳа, айтгандай, тунов кунги ташлаб кетган
совгангиз учун ташаккур! Хайр, кўришгунча!

Сарвиноз шундай деб Эртўгоннинг юзидан шартта
ўпди-да, шу ондаёқ кескин орқасига бурилиб, уйига
кириб кетди. Йигит «Сарвиноз» деганича қолаверди.
Кейин умид билан деразага тикилди, аммо сарвқомат
дилбари кўринмади. Ноилож ортига қайтди. Бироз
юргандан кейин ортига қаради ва дераза олдида
турган севгилисини кўрди. Юраги дукиллаб урди,
қайтиб боришни ихтиёр этди, аммо дарпарда ёпилиб,
Сарвиноз ўзини ичкарига олди.

«Демак, Гулбодом опа кечаги гапимни айтмаган.
Агар қизига маслаҳат солганда, Сарвиноз бундай

очилич гаплашмаган бўларди. Ақлли, сабр-бардошли аёл дейишарди, ҳақиқатан ҳам шундай экан. Демак, Сарвинозни танлаб адашмаган эканман. Ахир, «Четини кўриб бўзини ол, онасини кўриб қизини ол», деб бежиз айтишмаган ота-боболаримиз. Лекин Сарвиноз бу гапдан хабар топса, қандай қабул қиларкин? «Онам борган уйга мен қандай қилиб келин бўламан, одамлар биз ҳақимизда нима деб уйлашади? Устимиздан кулишади-ку», деб унамаса-чи? Тўйга розилик бермаса, нима бўлади?»

Унинг уйига-уй қўшилди. Ахир Сарвинозга айтмоқчи бўлган қанча гаплари бор эди. «Биз, албатта, хизмат жойимга кўчиб кетамиз. Сен бемалол яшайсан. Ҳеч қачон тортиниб, уялиб ўтирмайсан» деган гапни олдиндан айтиб қўйиши керак эди. Ана шунда, кейинчалик онаси ҳақида мавзу очилганда ҳам хижолат бўлмасди. Бироқ кўнглидаги бу гаплар қолиб кетди. Шаддод Сарвиноз ҳуркак кийикдай бир сакради-ю, кўздан гойиб бўлди. Муддао сирлигича қолмаслиги керак эди. Сарвиноз келажакдаги режалардан хабардор бўлса, муаммо тугилмасди. Бироқ...

Х. МАҚСАДИ АНИҚ ЙИГИТ

Эртўгон Тошкентга қайтаркан, кайфияти унчалик яхши эмасди. Ўша куни тўғри айтган эканми, қочқинни ҳеч қаердан топишолмади. Энг яхши деб танлаб олиб келинган итлар ҳам из ололмай, диққатни баттар оширди. Рўзимурод бунинг чорасини кўриб қўйгани аниқ: ҳидни йўқотувчи воситалардан фойдаланган, баъзи нарсаларни мутлақо бошқа томонга улоқтириши эса, чалғитишдан бошқа нарса эмас. Чегаранинг баъзи пайтларда назоратсиз қоладиган жойини олдиндан

билган, шунинг учун ҳеч иккиланмай ўша томонга юрган ва қидирув гуруҳи етиб келгунча қорасини учирган. Бу Эртўгоннинг тахмини ва юрагини сиққан нохуш ҳодиса эди.

Яна бир ажаблантирган ҳолат: ўлиб ётган Нигматнинг қўлидаги пул санаб кўрилганда, бор-йўғи беш юз доллар чиққани эди. Дарҳол Мастура опа сўроққа тутилди.

— Мен ҳаммасини олиб чиқиб бердим, — деди айрилиқдан ҳамон ўзига келмаган Мастура опа.

— Унда, пулнинг қолгани қани?

— Мен қаёқдан билай!

— Ким олиши мумкин? Бу ерга ким биринчи келган? — савол назари билан атрофдагиларга зимдан назар ташлади бўлинма командири.

Марҳум Шермуҳаммаднинг ён қўшниси Норбой ака қўлини кўтарди. Хотини Доно: «Биз бирга чиқдик», деб қўшиб қўйди. Ҳамма эр-хотинга юзланди. Одамларнинг кўз қарашларидан галати аҳволга тушиб қолган Норбой ака мурдага яқинлашмаганини тушунтиришди. Бошқа қўшнилари ҳам шундай қилганини айтди. Кейин Эртўгон икки тенгқури билан бу ерга бирровга кириб, сўнг Рўзимуроднинг ортидан қувиб кетишганини сўзлаб берди.

— Кеча Рўзимуроднинг қўлидан қанча доллар олгандингиз?

— Эрим қўлимга ўн минг деб тутқазди. Қарасам, бир ўрам, холос. Шу ўн мингми, десам, «ҳа» деб бошини қимирлатиб қўйди. «Ўлсин, шугина ўн минг бўлса» дедим-у, кўрпанинг орасига тикиб қўйдим. Ярим кечаси қўйган жойимдан опчиқиб бердим.

— Мабодо Шермуҳаммад ака сизга билдирмасдан, яшириб қўймаганмикин?

Мастура опа эри ҳақида ёмон хаёлга борган бўлинма бошлигини уришиб берди. «Уялсангиз бўларди, марҳум ҳақида шунақа дегани», деб кўз ёши қилди. Бўлинма бошлиги узр сўради, аммо: «Ким ўғри эканлигини топишим керак-ку», дея ўзини оқлаган бўлди. Участка нозири, ўрнидан «аранг» туриб келган оқсоқол ҳам бирдай елка қисишди, бир-бирларига қараб, «Қайси номард олдийкин?» деб одамларга эшиттириб қўйишди. Шу билан улар гумондан холи эканликларини таъкидлашган эди. Бироқ, тўққиз минг беш юз доллар қани?

Шунча пул йўқолди. Айбдор топилмади. Ҳамма шубҳада тарқалди. Бу нохуш ҳолат кўнгилни хижил қиладиган иккинчи ҳодиса эди. Иккиси ҳам мияга қаттиқ ўрнашиб қолди.

Шунга қарамай, қисқа таътил ичида юракка таскин берган, қалбни қувонтирган ишлар ҳам бўлиб ўтди. Ҳаёт яхшилик ва ёмонликдан, кунлар шодлигу мусибатдан, дақиқалар эса, ҳар иккисининг сарҳисобидан иборат деганлари шумикин?

Эртўгон синглисини турмушга узатди. Ўзидан уч ёш катта Шаҳриёр деган ҳамқишлоғидан совчи келди. Фотиманинг ҳам бу йигитда кўнгли бор, шекилли, «Розимисан?» деб сўралган бир оғиз саволга берган жавоби ҳам қисқа бўлди: «Билмасам».

Тўйнинг учинчи куни Эртўгон Сарвинозни чақириб борди. Гулбодом опа бир севинди, бир ҳайрон бўлди. Севингани, бу бўй-басти келишган йигит билан қизи ўртасида илиқ муҳаббат бор. Бундан хабардор, албатта. Хурсанд бўлади-да. Ҳайронлигига сабаб, бир ўзи сўппайиб кириб келиши эди. Негаки синглисига никоҳ ўқилган куни Сарвинознинг ёнига келиб, «Тез кунда биз ҳам тўй қиламиз», деган экан. Шунга

«совчилар келиб қолармикин», деб кутиб утирганди. Демак, хизматга кетиш олдидан хайрлашгани келган, холос. Ахир эртага таътил кун и тугаши ии ҳамма эшитган.

— Сарвиноз холасиникига кетганди, бирор гапин-гиз бормиди? — деди Гулбодом опа бўлажак куёвини утқазгани жой тополмай. — Қани, ичкарига кириг.

— Йўқ, раҳмат. Менга мана бу жой ҳам бўлаве-ради, — Эртўгон туриб гаплашиш одобдан эмаслиги учун ёзги ошхона олдига қўйилган узун ёгоч ўрин-диққа утирди.

Гулбодом опа яхшиям кўрпача солиб қўйгани. Оёги ерга қоқиб ўрнатилган стол устига эса тунов кун и шаҳардан олиб чиққан майда пушти гулли елим дастурхон ташлаганди. Супуриб-сидирилгани учун уялиб қолмади.

— Хуш келибсиз, Эртўгон.

— Раҳмат. Энди гапни чўзмай мақсадга ўта қолай.

— Майли.

— Тунов кун и холамга берган жавобингиз ху-сида гаплашгани келдим.

Гулбодам опа рўмолининг учи билан оғзини тўсди. Нигоҳлари ерга қадалди. «Бу тўғрисида сиз билан гаплаша олмайман», деб туриб кетмоқчи эди, Эртўгон «Шошманг!» деб илтимос қилди. Гулбодом опа нои-лож ўриндиқнинг бир четидан омонатгина жой олди.

— Биз меҳрибон онажонимиздан айрилиб қоламиз деб ҳечам ўйламагандик. Не қилайки, Оллоҳнинг хоҳиш-ироласи экан. Аммо доғда қолдик, айниқса, сингилларим бўзлаб қолди. Уларга жуда қийин бўл-ди, жудоликни кўтара олишмаяпти. Сиздан биргина илтимосим, бизларга оналик қилиг, Гулбодом опа. Ўксик қалбимизга малҳам бўлинг. Ўтинаман, сиздан,

йўқ деманг. «Одамлар нима деркин», деб хижолат тортманг. Аминманки, ҳамқишлоқларимиз тўғри тушунишади. Келажакда невараларингизни ўзингиз катта қилишингизни истайман. Балки хизмат сафари билан бошқа вилоятда яшашимга тўғри келар. Лекин сиз қизингиздан кўнглингиз тўқ бўлганидай, мен ҳам оила аъзоларим — дадам ва сингилларимдан беҳавотир яшашни хоҳлайман. Уларга фақат сизгина меҳрибонлик қилишингиз мумкин. Илтимос, бу таклифимни рад этманг. Мени эшитганингиз учун сиздан беҳад миннатдорман. Хўп, хайр, яхши қолинг. Мана буни эса Сарвинозга бериб қўйинг.

Эртўгон ўрнидан қўзгалди. Дарвоза олдигача кузатиб борган Гулбодом ҳамон рўмолининг учини тишланча жим эди. Меҳмон ташқарига чиқиб, яна бир бор хайрлашганда ҳам гапира олмади.

Эртаси куни хайрлашгани келган холаси Эртўгонга «Гулбодом, сизларнинг тўйларингдан кейин жавобини айтаркан», деди. Ҳайрон бўлди, бу гап розилик аломатими, ёки ўйлаб кўраман деганими? Эртўгон буларнинг барини эслаб, бошини тебратиб қўйди...

Эртўгон ана шундай, ҳам қайгули, ҳам хурсанд бўладиган ҳодисалар билан ўн кунлик таътилни ўтказиб, ҳарбий хизматни бошлашга қайтди.

* * *

Қамчиқ довони бошланишидаги ҳарбий қисм унчалар катта бўлмаса-да, аҳамияти жиҳатидан муҳим стратегик объектлардан бири саналарди. Фаргона водийсига бориладиган асосий трассанинг тоғли ҳудудга чиқиладиган бошланғич нуқтаси, транспорт воситаларини текширувдан ўтказадиган назорат пункти. Шимол томонга юрилса ҳам, жанубга борилса ҳам

қўшни Қирғизистон давлатининг чегарасидан чиқилади. Чегара эса унчалар узоқ эмас. Эртўгон хизматининг дастлабки кунлари командирлардан «Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма» деган мақолни бир неча марта эшитди. Бу доно нақл аслида нафақат бу ҳарбий қисмда, балки бутун Ўзбекистонда ҳукм суради. Лекин кичик лейтенант Эртўгон Қодирниёзов шу ердагина мақолнинг маъносига жиддий аҳамият берган ва амал қилишни бошлаган эди.

Довоннинг жанубида Тожикистон билан чегарадош ҳудудлар бор. Оддий одамлардан хавф-хатар кутмайсан, албатта, аммо уларнинг ичига кириб олган гараз ниятли кимсалар бўлиши мумкин. Ахир бундайларни ўз кўзи билан кўрди-ку. Тўғри, уларнинг қабиҳ ниятлари амалга ошмай туриб барҳам берилди, бироқ бир бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлишди. Аслида шу биттагина ўлим ҳам катта йўқотиш эди. «Қайғунинг катта-кичиги бўлмайди», деб шуни айтишса керак-да. Бу мусибат нотинч замонда огоҳликка даъват, мамлакат ичкарисиди ҳушёрликни ошириш, ташқи зиён келтирувчи кучларга қарши жанговар ҳолатда туриш, дегани аслида.

Эртўгон таътилнинг сўнгги куни беш-ўнта чолни чақириб, дадасини уйлаб қўйишни мўлжаллаган эди. Аммо дадаси кўнмади: «Ҳамқишлогимизнинг азаси бор-а? Ахир неча йиллик қўшни-ку. Эшитган қулоққа яхши эмас. Бир жойда яшаб турган инсонларнинг қалбига озор беришдан сақланиш керак. «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши», «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган мақоллар бежиз айтилмаган».

Ҳа, минг йиллардан бери тилдан-тилга ўтиб келаётган бу қадимий нақлларда ўзаро ҳурмат-эътибор,

қадр-қиммат, ор-номус, меҳр-муҳаббат бор. Тасодифан ёки атайин рўёбга чиқарилувчи гина-кудуратга, ёмон уй-фикрга, мудҳиш хаёлларга чек қўяди, бундай бемаъни истаклардан воз кечишга ундайди, даъват этади. Огоҳликка чорлайди.

* * *

— Тревога! Тревога! Ҳамма зудлик билан майдонга йиғилсин!

Эртўгон бу жарангдор, аммо, айни пайтда ваҳимали, нохуш сўздан иргиб ўрнидан турди. Апилтапил кийиниб, турли ҳарбий машқлар ўтадиган майдонга югурди. Бу пайтда бошқа хизматчилар — оддий аскар ва офицерлар ҳам саф торта бошлади. Деярли уч дақиқада навбатчи офицер бутун ҳарбий қисмининг таркиби тўпланганини айтиб, бошлиққа рапорт берди. Шу бугун элик ёшни қаршилаган полковник Козим Утбосаров қўл остидагиларга мурожаат қилди:

— Ҳозиргина Андижон ва Ўш вилоятининг туташ чегарадош ҳудудларини қўриқловчи Шарқий округ чегара постидан хабар олинди. Қуролланган нотаниш шахс мамлакатимиз чагарасини бузиб ўтиб, қишлоқларнинг бирига яширинишга муваффақ бўлган. Бу номаълум кимса, Сариосиёнинг тоғли ҳудудидаги Зардоба қишлоғида жиноят содир этган вақтида ўлдирилган Нигмат Турахоновнинг тирик қолган шериги — Рузимурод Тогаев деб тахмин қилинмоқда. Аслида бу номлар ҳам жиноятчиларнинг сохта исм-фамилиялари бўлиши мумкин. Мазкур шахс расман тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, айни вақтда Тошкентга қараб йўлга чиққан. Бир неча қалбаки ҳужжатларга эга бўлган бу муттаҳам, балки Наманган постида, балки бошқа назорат пунктлари-

да қўлга олиниши мумкин, аммо тузоққа тушмаса, биз томонга келаётган бўлади. Демак, пойтахтга йўл олган ҳар бир транспорт воситаси, постни айланиб ўтишга уринмоқчи бўлган ҳар қандай шахс жиддий текширувдан ўтказилиши шарт. Мана унинг тахминий кўриниши, лекин жиноятчи бутунлай бошқа қиёфага кириб олган бўлиши ҳам мумкин. Энг муҳими, гумон қилинган кишининг бармоқ изларини олишга ва биздаги нусхаси билан солиштириб кўришга эришмоғимиз керак. Вазифа барчага тушунарлими?

— Худди шундай!

Ҳарбий хизматчилар бир овоздан жавоб қайтаришди. Полковник Козим Ўтбосаров офицерларни ёнига имлаб, уларга алоҳида топшириқ ҳам берди. Икки гуруҳга бўлинган ҳарбийлар қуролланган ҳолда махсус кўрсатмани бажаришга киришди. Бу пайтда тун ярмидан оingan эди.

Эртўгон атрофдаги қорайиб кўзга ташланаётган баланд тоғларга, адирлар қўйнидаги милт-милт ёнаётган чироқларга термиларкан, бир зум хаёлини турли ҳиссиётлар эгаллади. Ёзнинг жазирамасидан қочиб, тоғ бағридан ором топишни истаганлар кўпайгандан-кўпайиб бораётган мавсум. Салқин ва мусаффо ҳаво танга роҳат бахш этади. Кўнгил ой ёғдусида сайр этишни хоҳлайди. Бу сокин табиат қўйнида юрак ёр васлини хушлайди. Атрофдаги ҳар бир харсангтош, ҳар бир дарахт покиза муҳаббатнинг ишқий саргузаштларини тонгга қадар эшитмоққа шай. Айрим бандаларнинг баъзи нопок ишларига ҳайрону лол, аммо дардини ичига ютган. Ҳа, бу баҳайбат тоғлар айни дамларда яхшига ҳам, ёмонга ҳам бир маскан...

Эртўгон оний лаҳзаларда фикрини чуллаган ғаройиботларни дарҳол унутди. Унинг гуруҳига пост

ва ҳарбий қисм ҳудудини айланиб ўтувчи шахсларни кўздан қочирмаслик топширилган. У беш аскарни белгиланган жойга бошлаб бораркан, беихтиёр яна ўйга берилди. Лекин унинг бу гал хаёли ўз олис қишлоғига, унда яшаб туриб номардлик қилиб кетган кимсага кўчди: «Наҳот, Рузимурод Сурхон тоғларини тарк этиб, Фарғона водийсига келган бўлса? Чегарадан яширин ҳолда ўтиб кетишнинг иложини қилолмадимкин? Сезиб қолишган бўлса, ортига қайтгандир-да? Йўқ, бунга ишониш қийин, у шунчаки иш тутадиган ёки таваккал қиладиганлардан эмас. Қандайдир режаси бўлганки, ичкарида қолган. Қизиқ, Андижон томонларда нима қилиб юрибди? Айланиб бориб қолмагандир? Ёки водий орқали Ўшга ўтиб олишни ўйладимкин? Мен бўлса, чегарачиларни ишонтириб ётибман-а, Рузимурод аллақачон Сариосиёдан чиқиб кетган деб. Демак, янглишибман-да, йўлда топиб олган баъзи матоларни у аввалроқ, бизни чалгитиш учун ташлаб кетган экан. Эҳ, хомкалла! Нега шу нарса дарров хаёлимга келмади-я? Нима учун жиддий ўйлаб кўрмадим. Ҳа, туллак мендан кўра айёрроқ экан. Устасифаранг бўлмаса, ишонтира олармиди? Бироқ... Бироқ ўша куни водий томонга кетмагани ҳам аниқ. Бутун Сурхон воҳасига жар солинди, агар йўл юрганда, албатта, бирорта одам кўрган бўларди, ёки ташқи қиёфасини ўзгартириб олган бўлса, эътибор беришмадимкин? Ахир бизлар одамнинг айнан юз тузилишига эмас, кийинишига ва ёшига қараб ажратамиз. Синчиклаб қараб ҳам ўтирмаймиз, ёхуд бегона билан умуман ишимиз йўқ. Негаки ташвишимиз кўп, муаммоларимиз бошимиздан ошиб ётибди, гўё. Бандитлар эса бизнинг характеримизни яхши билади, шунинг учун ҳам кеча Сурхонда эди, бугун Андижонда.

Агарда ортидан тушмасак, у эртага Тошкентга етиб олади. Мамлакатни тарк этмаган экан, Худо билади, яна қандай жиноятнинг пайига тушган».

Эртугон гоҳ олдинда, гоҳ орқароқда бораркан, атрофдан кўз узмас, йигитларни ҳам ҳушёр бўлишга чақирар эди. Гуруҳ катта йўлга яқинлашди, Эртугон диққатини жамлаб, пост атрофида айланиб юрган одамларга зеҳн солди. Бу ерда пасротини унутган йўловчилар, ҳужжатсиз товар олиб кетаётган «ишбилармонлар», тартиб-қондани бузган ҳайдовчилар бор эди. Улар кимнингдир ортидан қолмай юришар, айримлари қўл силтаб йўл четидаги бино томон югуриб қолар, баъзилари чўнтагида дўппайиб турган «наrsa»ни тез-тез ушлаб қўяр, чиқаришга, беришга қулай фурсат изларди.

Эртугон кундалик ҳолатни кўздан кечиргач, аскарларни ёнига имлади.

— Атрофга тарқалиб, ярим соат постни назорат қиламиз. Шубҳали шахс қўлингиздаги суратга ўхшамаслиги мумкин, аммо қандайдир белгиси, барибир, сақланиб қолган бўлади. Сиз ана шу жиҳатга эътибор қаратинг. Ўзини жинниликка, мастликка, агар машинада бўлса, ухлаганга солган кишиларга аҳамият беринг. Одамлар, кўпинча, шунақа кўринишдаги шахслар билан муомала қилишни хоҳлашмайди, қочқиндаги жиноятчи буни яхши билади, ҳар қандай вазиятдан фойдаланиб қолади. Ёддан чиқарманг, ҳушёр бўлмасангиз, биринчи галда ўзингизни, кейин эса бошқалар ҳаётини хавф остига қўясиз. Рўзимурад деганлари оддий инсон эмас, у махсус тайёргарликдан ўтган шафқатсиз қотил. Қўрқитмоқчи эмасман, душман кутилмаганда ёнингизда пайдо бўлиши, елкадан қуролни олгунча ўзингизни ерда кўришингиз

мумкин. Бегона одам билан қўл бериб кўришманг, оралиқ масофани сақланг, сиз ким биландир гаплашаётганда шеригингиз уни нишонга олиб турсин. Рўзимурод бир ҳамлада икки кишини кучсизлантира олади. Айёрлиги билан эса лаққа тушириб кетиши ҳам мумкин. Бироқ жосус ҳар қанча ҳийла ишлатмасин, биз ундан устунмиз. Чунки юрт ҳимоячисининг илиги қалтираб, кўзи жовдирамайди. У ўз аҳдида мустаҳкам туради!

— Сиз уни биласизми, ўртоқ лейтенант? — деб сўради кечагина катта сержант унвонига эга бўлиб, ҳарбий қисмнинг «ҳурмат тахтаси»га сурати илинган Сайдулло Мадиев.

Эртўгон қишлоғида рўй берган ҳодисани лўнда қилиб гапириб берди.

— Қочириб юборибсизлар-да, — деди сержант Кимсан Қўқонбоев бироз беписандлик билан.

Эртўгон шартнома асосида хизмат қилаётган Кимсан Қўқонбоев ҳақида батафсил маълумотга эга эди. Бироз жиззаки, ўз кучига ишонгани учун мушталлашишдан қайтмайдиган, баъзида ўзи тенгқур офицерларга ҳам гап қайтариб турадиган дангалчи йигит. Юзига тошган бўжама унинг турқи тароватини нурсиз кўрсатиб, бошқаларни бироз ҳайиқтириб ҳам турарди. Биринчи келган кунлари: «Офицер бўлсанг ўзингга, аммо мен сендан устунман», дея гердайд ва ўз сўзини ўтказишга уринди. Эртўгонга ҳар бир ҳарбий қисмда Кимсанга ўхшаган тўпори, қайсар, аммо ҳар қандай топшириқни бажаришдан қайтмайдиган аскарлар борлиги тушунтирилган эди: «Бундайлар аслида ёмон йигитлар сирасига кирмайди, фақат бироз қизиққон, холос. Бу «фазилат»лари билан ҳарбий қисмга обрў келтириши ҳам, келтирмаслиги ҳам мумкин. Халқи-

мизнинг «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» деган доно мақолига амал қилсангиз, муаммони осонгина ҳал қилишингиз мумкин».

Эртугон қумондонликнинг курсатмаси бўйича иш тутиб келаётган эди. Бироқ «йигитча»сига гаплашишга таклиф бўлганда жим туrolмади. Кимсан, янги келган, синалмаган офицернинг сиртидан ўтиб жиддий хатога йўл қўйганини хилватда, бирга-бир қолган пайтида тушунди: аввал кўкрагига, сўнг бошига еган кетма-кет тепкидан ҳовуридан тушди-қўйди. Олдида каратэ жанг саънатида хабордор, аммо қандай куч ва маҳоратга эга эканлигини ҳадеганда ошкор қилавермайдиган ҳақиқий офицер турганлигини ҳис этди чоғи, бошқа гўдаймади, овозини кутармади. Аммо баъзи ноўрин қилиғи, гашга тегадиган гап-сўзлардан ҳали бутунлай қутулмаган эди. Эртугон бундай салбий хислатлардан қутулиш учун муддат кераклигини яхши билар, мана, ҳозир ҳам билиб-билмай гапириб қўйди деб ўйлаб, асосий мақсаддан чалғимади.

— Қишлоқдагилар унинг кимлигини билиб қолгандан сўнг қочиб қолган. Ортидан излаб топа олмадик. Шунинг учун уни айёр ва хавфли дедим.

— Менга дуч келиб қолса, яхши бўларди-да. Бугдойни сомондан ажратгандай янчиб ташлардим. Бунақа маразларни кўришга кўзим йўқ!

— Биз ҳам шундай қилишингни жуда истардик, тугрими, йигитлар!

— Худди шундай! — жўр бўлишди аскарлар.

Эртугон секин, аммо юракдан гапирди:

— Қани, энди топшириқни бажаришга киришамиз. Яна такрор эслатаман: оралиқ масофа — ўн, шубҳали шахс билан муомалага киришилганда — икки метр. Шерикни ҳимоя қилиш ва объектни нишонга олишга

тайёр туриш — уч метр. Чалгиманг, эътиборли бўлинг! Ҳарбий қисмда ҳақиқий шерюрак аскарлар хизмат қилаётганини исботлаш вақти келди. Олга, йигитлар!

Гуруҳ аъзоларидан талаб қилинган сергаклик эр-талабгача ҳам иш бермади. Негаки, утиши кутилган шубҳали шахсдан ҳамон дарак йўқ эди. Олдинги постларда қўлга олиндимикин, деса, бу ҳақда хабар келмаяпти. Қисм командири эса назоратни тўхта-тишга кўрсатма бермади, демак, давом эттириш керак. Толиққан аскарлар йўл-йўлакай тамадди қилиб олишди, холос. Эртўгон уларни асло дам олишга қўймас, доим ҳушёр бўлишга чорлар, «Душманни ўтказиб юборишимиз асло кечирилмас хато бўлади», деб тайинлагани-тайинлаган эди. У Рўзимурод билан яна бир бор дуч келишни истар, айтадиган гапларини ҳар эҳтимолга қарши, деб дилидан ўтказиб қўярди. Бироқ, бу сафар учрашиш ҳам, гаплашиш ҳам насиб этмади. Умуман, кўришиш ҳақида ўйлаш мантиққа тўғри келармикин?

Иккинчи куни кечга яқин жанговар ҳолат бекор қилиниб, ҳарбийлар одатдаги кун тартибига ўтишди.

XI. МУДҲИШ ХАБАР

Ёзнинг ўрталарида мамлакатдаги бутун ҳарбий қисмларга мудҳиш хабар эълон қилинди. Ўзбекис-тондаги тузумга қарши бўлган диний экстремистик кучлар халқаро террорчилар билан биргаликда Сур-хондарё вилоятидаги давлат чегарасини бузиб ўтиб, Узун ва Сариосиё туманидаги қишлоқларга ҳужум бошлаган. Тиш-тирногигача қуроолланган босқинчилар икки гуруҳга бўлиниб, Ўзбекистон жанубидаги тоғли

худудларини эгаллаб олишга киришган. Кейин эса мамлакат ичкарисига киришни режалаштирган.

Шумхабарни эшитган Эртўгон жойида ўтира олмай қолди. Командир унинг ҳолатини тушунди, албатта, бироқ қисмда хизмат қилиб турган офицер-ни Сурхондарёга юборишни бир ўзи ҳал қилолмади. Мудофаа вазириги билан келишиш керак, бу эса бир кунлик иш эмас. Эртўгон ҳарбий қисмни берухсат тарк этишга ҳам тайёр эди, лекин бу соҳада катта тажрибага эга бўлган полковник Козим Ўтбосаров бирдан йўлбарсга айланган Эртўгоннинг йўлига аранг тўғоноқ бўлди.

— Командирларнинг буйруғига бўйсунишга қасам-ёд қилгансан. **Ҳозир** бу ердан кетиб, қишлоғингга етиб олишинг мумкин. Аммо жанг майдонига киришингга рухсат беришмаса, қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетганинг учун ҳибсга олишса, ўзингча қаҳрамонлик қилганинг бир пул бўлади.

— Ахир, у ерда менинг оила-аъзоларим, яқин қариндошларим бор! Касалдан энди бош кўтарган дадам, ҳали турмушга чиқмаган икки синглим...

— Уларни сенсиз ҳам ҳимоя қилишади, — Эртўгоннинг гапини бўлди полковник.

— Лекин уларни мен ҳимоя қилишим бошқа!

— Мен эса сени қўйиб юбора олмайман!

— Балки бор ҳақиқатни эшитсангиз, ҳолатни янада яхшироқ тушунарсиз.

— Яна қанақа ҳақиқат?

— Аслида, тунов кунни биз излаган Рўзимурод Тогаевни яхши танийман. У қишда айнан бизнинг қишлоққа кўчиб келган экан. Ўқишни тугатиб, таътилга чиққанимда кимлиги билан қизиқдим. Ортидан кузатиб юрганимни сезиб қолганидан сўнг қочиб

қолган. Қидириб тополмадик, шундан кейин мен уни чегарадан ўтиб кетган бўлса керак, деб тахмин қилгандим. Энди билсам, у юртимизни тарк этмаган экан. Рўзимурод хавфли жиноятчи, агар у қишлоққа қайтиб боргудек бўлса, уйдагиларга зиён етказиши мумкин. Шу онда яна бир нарсани англаб етдим, Рўзимурод қишлоғимизга разведкага келган, Гулбодом опа ҳеч қанақа қариндоши бўлмаган, кимдандир эшитган гаплари бўйича оқсоқолни авраган ва бунга ҳаммани ишонтиришга уринган. Одамларнинг кўзига хокисор кўриниш учун дўкон омборида яшашга рози бўлган, чунки айнан шу ерда одамлар кўп тупланади ва кимнинг ким эканлигини яхши билиш мумкин. Ён-атрофдаги шароитни ўрганиб, шерикларига доимий хабар бериб турган. Чегарада қандай ҳарбий қисм жойлашганини, унда қанча аскарлар, қуrol-яроғлар борлиги, қишлоқлар қўриқланмаслиги — ҳамма-ҳаммасини билиб, маълумот жўнатган. Мана энди, унинг мақсади яққол аён бўлди. Шунинг учун ҳозироқ кетишим керак.

— Шошмасанг-чи, намуноча битта гапни қайтара-верасан! Офицер дегани бунақа шошқалоқ бўлмайди. Агарда кўнгиллилар сўралганда эди, сени биринчилар қатори юборган бўлардим. Қандайдир юздан ортиқ террорчилар бутун бир армияга бас келиши мумкинми? Ёки мамлакат ичкарисига ёриб кира оладими? Бу хомхаёлга бориш, ғирт аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Уларни бир зумда қўлга олишади. Балки боришингга ҳожат ҳам бўлмас.

— Шундайку-я, аммо, барибир, боришим шарт. Рўзимурод қўшни давлатларнинг бирига ўтиб кетмаган бўлса, Сариосиё ва Узун туманларига бостириб кирган террорчиларни кутиб олган бўлиши мумкин.

Ёки бориб уларни бошлаб келган. Энди йўл-йўриқ кўрсатиб юрибди. Негаки, у туман ҳудудини диққат билан ўрганиб чиққан, нима қаердалигини яхши биларди. Илтимос қиламан, менга ҳозироқ рухсат беринг. Рўзимурод деган жосуснинг йўлини тўсишим керак.

— Иложим йўқ.

— Таътилга жўнатсангиз-чи?.. У ёғига ўзим...

— Ўзинг энди иш бошладинг-ку, қанақа таътил?

— Оилавий шароитим...

— Ҳозир вазият бошқача. Махсус кўрсатма келса, ўзим чақиртираман. Ҳа, бироз бўлди эшитганимга, қишлоқдагиларни шаҳарга эвакуация қилишга кўрсатма бўлибди. Энди борганинг билан ҳам уларни топа олмаслигинг мумкин.

— Мен биринчи галда жиноятчи Рўзимурод ва унинг газанда шерикларининг йўлини тўсиш учун бормоқчиман. Жанг қилишга рухсат беринг. Мерганлик қобилиятимни ишга солай. Бу имкониятни душманнинг ўзи туғдирди. Энди бу иши учун афсус қилишига, минг пушаймон чекишига мажбур этишга изн беринг, ўртоқ полковник.

— Энди бориб вазифангни бажаришга кириш.

— Гапимни давом эттиришга...

— Ҳуш, яна нима дейсан?

— Менинг Мардон деган дўстим бор. У билан билим юртида бирга ўқиганман. Жасур йигит. Ҳозир Андижонда хизмат ўтаяпти. Ҳали телефонлашган эдим, «Менам бораман», деди. Агар у мендан олдин қишлоғимга етиб борса... жуда уятга қоламан, ўртоқ полковник. Менинг тўғримда нима деб уйлайди? Боролмасам, курсдошларим ва қишлоқдошларимнинг кўзига қандай қарайман! Сиз юқорига телефон қилиб,

масала жиддийлигини яна бир айтинг. Илтимосимни ижобий ҳал қилиб беришларини сўнг. Ор-номусимни ўртага қўйиб айтаман, бормасам бўлмайди.

— Майли, сен учун бир иш қилишим мумкин.

Эртўгон полковникнинг анча юмшаган кўзларига тикилди.

— Яъни, қўмондонликка хат билан мурожаат қилиб кўраман.

— Ҳолатимни сиз яхшироқ тушунардигиз.

— Юқорига ҳам тушунтиришга ҳаракат қиламан.

— Рухсат беришмаса-чи?

— Қўмондонликка қарши чиқа олмайман. Бу ёғи пешонангдан.

Эртўгон бошлиқнинг хонасидан жуда тушкун, ҳоргин, кайфиятсиз бир ҳолатда чиқди. Қўмондонликдан ростдан ҳам «тажрибаси йўқ, кечагина ўқишни тамомлаган йигитни шафқатсиз босқинчиларга қарши жангга қўйолмаймиз» деган рад жавоби келиб қолсачи, нима бўлади? Шу биргина ўй юрагини қаттиқ сиқмоқда эди. Вақт имилаб ўтарди. Баъзида тўхтаб қолгандай туюларди. Сингилларига қўнгироқ қилиб бўлмаёпти. Демак, тушундики, тоғли ҳудудда телефон орқали боғланиш чекланган. Газета ва телевидениеда деярли хабар йўқ. Тизим орқали келаётган хабарларнинг эса айримларигина ошкор қилиняпти, холос. Нима қилса экан-а?

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Кундузни кеч қилиш қанчалар қийин бўлса, кечани тонгга улаш шунчалар азобга айланди. Худди ойлар ўтди, мисоли. Оиласи қаерда? Бошқа жойга кўчишдими, ёки ҳамон қишлоқдами? Сарвиноз-чи? Онаси билан нима қиляпти экан? Улар тамомила бошқа ерга кўчиб кетган бўлса, қидириб топа оладими? Ишқилиб, манзилени ёзиб қолдирдимикин?..

Эртугон кунда эрталабки йўқламадан сўнг бошлиқ хонаси томон отланади. Бироқ ҳар гал ўзи чақириб қолар, яна сурбет экан деган ҳаёлга бормасин, деб изига қайтади. Қисмда астойдил хизмат қилса-да, сўнгги умидидан воз кечмаган эди. Кечалари унинг бутун ҳаёлини босқинчиларга қарши олиб борилаётган жанг эгаллар, уни ўзича тасаввур қилар, ўзбек аскарлари орасида қурбонлар борлиги ҳақидаги хабар қалбини эзарди. Шундай пайтларда кўз юмиб очгунча ўша ерда бўлиб қолишни жуда-жуда истар эди.

«Кўпам ошиқма, борсанг сен ҳам азиз жонингдан жудо бўлишинг мумкин. Ундан кўра, ўз тинчингни ўйла, бошқалар ҳақида қайғуришни бас қил!» дерди тун қоронгусидан чиқиб келган шарпа.

«Йўқ, сенинг жойинг айнан ўша ёқда. Юрак амрига қулоқ сол. Йигитлик бурчингни адо эт! Мард ва шижоатлисан, Сиёвуддин мерганнинг набирасисан! Бобонг фашизмга қарши курашган бўлса, сен террор балосига қарши курашмоғинг даркор. Юртингга кўз олайтирган душманга қўним берма!», дерди ой ёруғида пайдо бўлган шарпа.

Тун ярмидан оғди. Сўлим ҳаво Эртугоннинг фикрини тиниқлаштирди. Бошлиқ уни йўқламаганидан билдики, юқоридан ҳамон жавоб келмаган. Ёки келган бўлса ҳам, рухсат беришмаган. Полковник эса унга бу хабарни қандай айтишни билолмай турибди. «Наҳот, масалани ҳал қилиш шунчалик мураккаб?» Эртугон ўйлаб ўйининг охирига етолмади. Тонг отгунча ҳали анча вақт бор. Нима қилса экан? Шарт кетиб қолсачи? Ортидан излаб боришармикин? Борган тақдирда ҳам, у қўлига қурол олиб, душман билан курашаётган бўлади. Ўз ихтиёри билан шундай қалтис ишга қўл урган офицерни кечиришар, ёки кечиришмасмикин?

Юраги тарс ёрилиб кетай дерди. Ортиқ чидай олмади. Навбатчидан қисм командирининг қаердалигини суради. «Тошкентга чақиришди» деган жавобни эшитиб, баттар таажжубланди. «Нега чақиришдийкин? Эзилиб юрганимни кўриб, масалани ижобий ҳал қилишга кетган бўлса-я?»

— Менга бирор хабар қолдирмадими? — суради Эртўгон наватчи офицердан.

— Ҳақиқатни билмоқчимисан? — деди лейтенант Қодирниёзовдан беш йил аввал ҳарбий хизматга киришган Эшбек Норбутаев. У Эртўгоннинг мақсадини эшитган ва қўлаб-қувватлаган эди. «Бизга ҳам имкон беришса, яхши бўларди» деб, ҳатто қўлини қисиб ҳам қўйганди.

— Албатта, — дея Эртўгон наватчининг уйқу-сираган кўзларига тикилди.

— Уртамизда қоладими?

— Йигит сўзим.

— Унда эшит, полковник сенга кўз-қулоқ бўлишимни қаттиқ тайинлаган.

— Қочиб кетмасин, дебми?

— Ҳа. Аммо шундай қилсанг, сенинг бу ҳаракатинг қочиб кетишга эмас, ўзбошимчалик билан хизмат жойини тарк этишга киради. Сен ҳарбий хизматдан бўйин товлаяпсан, аксинча, юртимизга бостириб кирган террорчи гуруҳ билан жанг қилгани бормоқчисан. Бунинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳарбий трибуналга тушиб қолган тақдирингда ҳам кечиришлари керак.

— Олга ундаяпсизми?

— Ундай эмас, ўз фикримни айтдим, холос.

— Эрталабгача кутаман. Агар полковник хабар келтирмаса, таваккал қилишимга тўғри келади.

— Тушунаман.

— Ахир бир ой бўлиб қолди, хат ёзишганимизга! У ёқда нималар содир бўлаётганини тасаввуримга сиқдиrolмаяпман.

— Бориб дамингни ол. Балки эрталаб бирор хабар келиб қолар.

Эртўгон ноилож ётоққа қайтди. Сарвиноз ҳақида ҳаёлга берилди. Тўй яна орқага чўзиладиган бўлди-да. Дадаси айтгандай, шу ўн кунлик таътилда уйла-ниб олса бўларкан. Ҳаммаси бирга-бирга бўларди, кўчишса ҳам битта жой танлашарди. Энди-чи? Ҳа, айтгандай, дадаси нима қилдйкин? Уйни ташлаб ҳеч қаерга кетмайман деб туриб олмадимикин? Ахир у ерда ота-онаси, умр йўлдошининг қабри бор. Уларни ташлаб кетишга кўзи қиярмикин? Қайсарлиги бор. Кетмайман деса, кетмайди. Шунинг учун тезроқ боргани яхши эди-да.

Шу жонсарак, ташвишли ҳолатда ҳам туш кўрганига нима дейсиз? Тушида «қурол танлашда менга милтиқ беринг, энг узоқ масофага отадиган бўлсин», дермиш. Мардон эса автоматга ёпишибди. Икки-уч кунга етадиган озиқ-овқатни халтага жойлашибди. Устига махсус форма кийиб олиб, тайёр эканликларини айтишибди. Лекин уларга тонг саҳарда разведкага борасизлар, ҳозир эса бироз мизгиб олинглар, дебди командир». Қанча ухлаганини билмайди, бир пайт Мардон елкасидан туртиб уйғотаётганмиш.

— Эртўгон, тур, турақол. Эй, лейтенант, сенга гапиряпман!

— А, нима? — чўчиб уйгонди Эртўгон. Кейин кўзларини катта очиб, тепасида турган навбатчи офицерга тикилди. — Кеч қолибмизми?..

— Нима бало, уйқунгда ҳам кетиш ҳақида туш кўряпсанми, дейман?

— Нима гап?

— Тур, полковник сўраяпти.

— Ростданми? Полковник шу ердами?

— Ҳозиргина келди. Хонасига бора қол.

— Кайфияти қалай? Сизга бирор нима демадими?

— Менимча, сенинг илтимосинг қондирилган бўлса керак.

— Наҳот? Буни ўзи айтдими?

— «Қани, Эртўгонни чақир-чи!» деганидан сездим. Агар рухсат беришмаганда бундай демаган бўларди. Шошма, балки адашгандирман?

— Йўқ, янглишмагансиз!

Эртўгон шундай деди-да, хонадан ўқдай учиб чиқиб кетди. Бироздан кейин навбатчи офицернинг «Взвод, уйқудан уйғон!» деган буйруги янгради.

ХII. МАҚСАДИДАН ЧЕКИНМАГАН ЙИГИТ

Йўл жуда узоқ туюлди. Икки дўст гоҳ гаплашиб, гоҳ индамай ўй суриб кетишди. Лекин Сурхон ерларига ҳадеганда етиб боришлари қийин бўлди. Янги «Нексия»ни бирорта машина қувиб ўтолгани йўқ, бироқ йўл қисқармаётгандай эди, назарларида.

Ва ниҳоят Жанубий Ҳарбий округнинг дала штаби кўзга ташланди. Устига махсус материал ташланган қапа тагида катта унвонга эга бўлган офицерлар ниманидир қизгин муҳокама қилишар, ўртадаги узун стол устидаги туман харитасига энгашиб олишган эди. Соқчи йигит штаб бошлиғига бу ерга махсус буйруқ билан келган зобит ҳақида маълумот берди.

Генерал қаддини кўтарганда, Эртўгон кўтаринки руҳда честь берди.

— Ўртоқ генерал-майор, мурожаат қилишга рухсат этинг!

— Рухсат! — Генералнинг қалин қошлари бироз чимирилди.

— Марказий қўмондонликнинг махсус буйругига асосан, лейтенант Эртўгон Қодирниёзов ҳарбий хизматни давом эттириш учун ихтиёрингизга етиб келди.

— Оббо, шоввоз-эй, ҳали сенми, бутун қўмондонликни безовта қилган, — деди олтмиш ёшлардаги генерал-майор йигитга зимдан назар ташларкан. — Бундай оловли нуқталарга ўз ихтиёринг билан келишга нега шошилдинг деса, туғилган қишлоғинг шу ерда экан-да. Яқинларингни ҳимоя қилай дедингми?

Бу ҳазилми, ёки кесатиқ? Эртўгон бу тарзда кутиб олишларини ўйламан эди, бирданига жавоб беролмай, туриб қолди. Кекса генералнинг ҳазили деса, бундай унвондагилар биринчи кўрган ҳарбийга ҳазил қилмайди; кесатиқ деса, бу жой дам олиш зонаси эмас-ку, сенам келдингми дегандай афтини буриштиргани. Лекин қандай маънода айтилган тақдирда ҳам, Эртўгоннинг юрагига ўтирмади.

— Тушунтиришга рухсат этинг, ўртоқ генерал-майор, — дея Эртўгон қаддини гоз тутаркан, честь берган ҳолда бир қадам олдинга юрди. У баланд бўйли, тўладан келган, қарашлари жиддий генералнинг бақувват гавдасидан, йўгон овозидан энди ўзини анча тутиб олган эди.

— Хуш, лейтенант, нима дейсан?

— Тўғри, Сариосиёнинг қишлоқларида уруғ-аймоғим кўп. Мен ҳарбийликни танлаётганимда уларга сизларни ҳар қандай ёвуз кучлардан сақлайман, деб

ваъда берганман. Биринчидан, ваъдамнинг устидан чиқишга фурсат келди, деб ўйладим. Иккинчидан, душман мен туғилган юрт тупроғига ифлос қадамини босди ва дилафгор қилди. Негаки, бу ерда покиза остонамиз, биздан ўтганларнинг мазорлари бор. Уларнинг оёқ ости бўлишига қандай қараб тура оламан. Бу менинг йигитлик бурчим. Уни шараф билан бажаришга изн беринг!

— Снайперлигиндан хабарим бор, — деди генерал-майор кўзлари чақнаб турган офицернинг шижоатига севиниб. — Бобонг Сиёвуддин мерган ҳам Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган экан. Мерганлик қонингда бор экан-да?!

— Мен ҳам қишлоғимизга қурол ўқталиб кириб келган босқинчининг кўксини нишонга олмоқчиман.

— Чирчиқдаги ҳарбий билим юртини битирганларнинг ҳаммаси ҳам шунақа чўрткесарми? — сўради генерал-майор ниманидир назарда тутиб.

Эртўгон штаб бошлигининг ишорасини тушунди.

— Лейтенант Мардон Бегалиев мenden олдин келибди-да?

— Ярим соат аввал.

— У билан кўришишга, сўнг босқинчилар эгаллаб олган қишлоққа боришга рухсат беринг, ўртоқ генерал-майор.

— Ҳозироқ-а?

Генерал жилмайди, бошқалар эса кулиб юборишди. Эртўгоннинг вазият билан танишмай туриб, террорчилар гуруҳига рўбарў бўлишга шошилгани, командирларнинг кулгисини қистатганди. Лейтенант гапидан хижолат тортиб ўтирмади. У шу ондаёқ тоғ қўйнига кириб кетишга тайёр эди. Унга айтилган милтигини, ўқ-дорисини, махсус кийим ва икки-уч

кунга етарли озиқ-овқатини берса бўлгани, қолганини бир амаллайди.

Генерал-майор бирдан ёнидаги подполковник Туробовга юзланди.

— Ёш офицерларимизнинг қизиққонлиги, шижоати, туғилиб ўсган тупрогига бўлган меҳр-муҳаббатини қадрлашимиз керак. Ота-боболари хоки ётган ерларни азиз тутиб, бу табаррук жойларни топталишига виждони йўл қўймаслиги мақтовга сазовор. Мана, шундай ўғлонлар Ватан шарафини юракдан ҳимоя қилади. Уларнинг мақсадлари эзгу. Улар ҳар қандай вазифани бажаришга тайёр. Бироқ бундай лочинларни асрашимиз керак. Уларга ўзингиз етакчилик қиласиз, вазият билан таништирасиз ва йўл-йўриқ кўрсатасиз. Ҳозиргина муҳокама қилиб турган ҳолат бўйича айтилган топшириқ, энди сизнинг мерганлар гуруҳингизга тааллуқли.

Подполковник Туробов қадини ғоз тутиб, честь бераркан, топшириқни бажаришга рухсат сўради.

— Омад сизларга! — деди генерал-майор.

Кейин лейтенант Эртўгон Қодирниёзовнинг ёнига келиб, унинг бироз гамгин кўзларига тикилди.

— Оилангдан ташвиш тортма, яқинда уларни хавфсиз жойга кўчирамиз, — деди ёш офицернинг елкаларидан қучиб.

Эртўгоннинг нигоҳлари порлади. Буни кўрган генерал-майор руҳланиб кетди:

— Сиздай мард йигитлар бор экан, Ватанимиз тупрогини нонкўр газандаларга хор қилиб қўймаймиз. Аммо ёдингда тут, бу ер машқ майдони эмас. Биргина хато ҳаётингни хавф остига қўйиши мумкин. Шунинг учун шошма-шошарлик қилма, етакчининг гапларига қулоқ тут. «Қишлоққа боришим керак», деб ўжарлик

қилма. У ерга уюшган жиноятчиларнинг шериклари йўл қидираётгани тахмин қилинмоқда. Аммо аскарларимиз сафини ёриб ўтишолмаяпти. Тўғри, ҳаммамиз ҳам бундай босқинчи гуруҳларга қарши биринчи бор жанг қилишимиз, аммо подполковник Туробов тактик ва стратегик билимлар борасида қўпчиликка ўрнак. Мерганлик борасида ҳам чакки эмас. Буни ёдингдан чиқарма!

— Тушундим, ўртоқ генерал-майор. Кетишга рухсат беринг!

— Рухсат.

* * *

Уч киши тошлоқ сўқмоқ бўйлаб бормоқда. Эҳтиёт бўлиб қадам ташлашию орқасига осиб олган рюкзакдан сайёҳлар деб ўйлайсиз. Узоқдан қараганда овчига ҳам, табиатни қўриқлаш идорасининг ходимларига ҳам ўхшаб кетади. Лекин яқинроқдан назар ташласангиз қўлларида махсус қуроли борлигига гувоҳ бўласиз. Ҳа, шунчаки ов милтиғи эмас ахир, ҳақиқий снайпер милтиғи. Энди топдингиз, улар штаб бошлиғи, генерал-майор Комил Ўткиров томонидан олдинги маррага ташланган ёрдамчи гуруҳ. Биринчи бўлиб Эртўгон, ортида дўсти Мардон, охирида эса подполковник Туробов бормоқда. Бу ернинг пастбаландини билгани учун Эртўгон олдинда юришга подполковникни кўндирган эди. Ўрталаридаги масофа беш метр. Бир оёқ остига, бир атрофга аланглашади. Арча тагидан ногоҳ чиқиб қолган ўқилон ёки жайра уларни чўчитмаса-да, сергак бўлишга ундайди. Боботог ва Бойсунтоғ тизмаларида қўнғир айиқ, силовсин ва бўри борлигини эшитган Мардон, айниқса, атрофга ҳушёр боқади. Қўлидаги қурол уни ҳар қандай

душмандан ҳимоя қилишга қодир. Фақат хавфдан ўз вақтида огоҳ бўлса. Эртўгон боя, йўлга тушишдан олдин айтгандай, «Бу ердаги ёввойи ҳайвонлардан қўрқиш керак эмас. Улар қўққисдан ташланиб қолмайди: аввал кузатади, хавф сезса, қўрқитиб кўради, кейин, нари борса, қувиб ҳайдашга тушади. Айни пайтда, бу ҳудудда бошқа бир душман пайдо бўлган, у ҳар қандай ҳайвондан ҳам ёвузроқ: чегарадан писиб ўтган, ҳозир эса аллақайси харсангтош ёки дарахт ортида ёхуд гор ичида беркиниб ётибди; мулжални узоқдан — ё бошингни, ё кўксингни нишонга олади. Ана шу махлуқнинг ҳужумидан эҳтиёт бўлиш шарт!»

Ана, улар биринчи дуч келган дарада тўхташди.

— Мана шу жойда махсус кийимларни кийиб, ниқобланиб оламиз, — деди лейтенант Эртўгон Қодирниёзов. — Милтиқларни ҳам яшил матога ўраймиз. Юрмаган пайтимизда душман бизни сезмаслиги, атрофдаги арчалардан ажратолмаслиги лозим.

— Нега шу ерда? — бу кутилмаган таклифдан ҳайрон бўлиб сўради подполковник Туробов. Ахир бунақа кўрсатмани гуруҳ етакчиси сифатида у бериши керак эмасми? — Взвод анави тепалик ортида-ку. У ерга етиб боргунимизча эса камида уч-тўрт чақирим бор. Ўзимизни уларга таниттиргандан кейин кийинишимиз керак.

— Ўртоқ подполковник, бу гапим буйруқ ёки гуруҳга етакчилик қилиш дегани эмас. Тоғ шароитини яхши билганим учун таклиф қиялман. Ҳисор тоғ этакларида бу каби жарлар, кўринмас сўқмоқлар анчагина. Душман сездирмасдан взводнинг ортида пайдо бўлиши ва ҳужумга ўтиши мумкин. Бизнинг ниқобланишимиз эса, ҳам эҳтиёт чораси, ҳам келгиндиларнинг юрагига қўрқув солиш.

Подполковник Туробов «ҳай, майли, бир кат-танинг, бир кичикнинг гапига қулоқ солиш лозим» дегандай индамади. Назарияни амалиётдан кучли деб биларди, аммо дунёда бўлаётган гоҳ ошкора, гоҳ яширин урушлардан, террорчи гуруҳларнинг ёвуз ҳужумларидан хулоса қилиб англадики, амалий машғулотларда кўпроқ билим, кўникма ва тажриба ортаркан. Ҳозир кимнинг унвони катта, ким командир, ким буйруқ ёки кўрсатма беришга ҳақли деб тортишадиган пайтми? Йўқ, албатта! Айни дамдаги асосий мақсад душманнинг дайди ўқидан ғимояланадиган, олдинги позициядаги қуролдошларига етиб олиш, атрофдаги вазиятни билиш ва қарши томоннинг эгаллаган қишлоқларини бирма-бир озод қилиш. Подполковник Туробов гуруҳга топширилган вазифани аъло даражада баржариш тарафадори эди. У лейтенантнинг олдида тажрибасизлигидан эмас, ана шу масъулиятни ҳис этгани учун ҳам ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилмади.

Бир қарашда табиат сокин, ҳаво мусаффо. Аммо тоғнинг қаеридандир бирдан ўқ овози эшитилиб қолади, кўрқиб кетган қушлар осмонга кўтарилади. Бошқа пайт бўлганда бўрининг увиллаши юракка ваҳима соларди. Аммо ҳозир бу безовта махлуқнинг жон аччигида увиллашига эътибор берилмаяпти.

— Тепаликда заҳарли илонлар кўпми? — бирдан сўраб қолди Мардон. У паст овозда гапирди, бироқ дарада, барибир, анча баланд эшитилди.

— Юздан ортиги ўтишган деб эшитдим, — деб жавоб қилди Эртўгон деярли пичирлаб. Барчаси ўта заҳарли.

— Яна тагдор гапми? Мен ҳақиқий илонларни назарда тутяпман.

— Бўгма ва қора илонни кўрганман. Дадам Ўрта Осиё кобрасини ҳам учратган экан.

— Кузойнакли илонни-я?

— Ҳа.

— Бирорта қоплон ёки силовсинни учратиб қолсам, зўр бўларди-да. Уларни фақат телевизорда кўрганман, холос.

— Ҳали ашаддийлари олдиндан чиқиши мумкин.

— Отиш мумкинми, уларни?

— Одамсифат махлуқларними? Нақ пешонасини нишонга ол.

— Гапларинг жуда ilmoқли-да, Эртўгон. Биз махсус агентлар эмасмиз-ку, сирли гаплашсак, — Мардоннинг қиёфаси тундлашди.

Эртўгон унга юзланди, сал яқинлашгандан кейин гап бошлади.

— Бу ерда ҳар бир гиёҳ, ҳар бир тошнинг қулоғи бор. Иложи борича имо-ишора билан гаплашиш керак.

— Биз уларга зиён-заҳмат етказганимиз йўқ-ку!

— Тўғри, аммо салбий энергия олиб турган бўлса, керак пайтда бизни қўлаб-қувватламаслиги мумкин.

— Нима? Ўлай агар гапингга тушунган бўлсам. Қанақа салбий энергия?

— Бўлди, бас қилинглар! — тортишувга айланиб кетаётган суҳбатга якун ясади подполковник Туробов.

— Ўрни келганда тушунтираман. Ҳозир хавфсиз ҳудудда бўлсак ҳам овоз чиқармай юрганимиз маъқул.

— Худди кинодагидай.

— Ҳа, топдинг, — деди Эртўгон ва қўли билан олдинга юришга ишора қилди. — Бироқ бу кино эмас, ҳақиқий ҳаёт, қўлингдаги милтиқнинг патрони сохта эмас, ҳақиқий ўқ. Қаршимизда ҳам актёрлардан иборат «душман» гуруҳи эмас, юртимизга тажовуз

қилган, халқимиз тинчлигига рахна солган росмана жинойтчилар юрибди. Улар бизнинг Ватанимизга бос-тириб кирган, ота-онамизга, дўсту ёрларимизга қурол ўқталмоқда. Айримларини, ҳатто отиб ҳам ўлдиришди. Айт, бу киноми? Йўқ, кино эмас!

— Тушундим, Эртўгон!

— Унда, кетдик.

Учовлон анча юқорига кўтарилиб қўйди. Ўқ овоз-лари энди яқинроқдан қулоққа чалина бошлади.

* * *

Қўшимча ёрдам кучлари бораётгани ҳақида ол-динги позицияда ҳаракат қилаётган майор Ёдгоровга хабар берилган эди. Гуруҳида, асосан, автоматчилар бўлган майор снайперларни хурсандчилик билан кутиб олди. Чунки унинг командасида иккитагина снайпер бўлиб, уларнинг бири кеча эрталаб ярадор бўлган ва госпиталга жўнатишган эди. Подполковник Туробов майордан гоҳ ортга чекинаётган, гоҳ шу яқин-атроф-даги қишлоқларга бостириб кирмоқчи бўлган экстре-мистлар жойлашган ҳудудни аниқлаштириб олиш мақсадида сумкасидан букланган харита чиқариб, ўртага ёзди.

— Биз мана бу тепаликнинг жанубидамиз. Тер-рорчилар эса шимолроқда. Улар икки гуруҳга бўлиниб, шарқдан ҳам ҳужумга ўтишмоқчи. Агарда Ўзун тума-нида жанг олиб бораётган босқинчиларнинг бир қисми буларга келиб қўшиладиган бўлса, яна ёрдам кучлари етиб келгунча вақтинча чекинишга тўғри келади.

— Иккита гуруҳда аскарлар сони қанча?

— Тахминан йигирма беш-ўттиз кишидан иборат. Улар тунги ёритиш мосламалари билан таъминлан-гани учун, асосан, қоронғи тушгандан кейин ҳужум

уюштиришяпти. Эгаллаб олинган уч қишлоқ аҳолиси орасидан душманни ажратиш қийин бўляпти. Босқинчиларнинг орасида бу ҳудудни яхшигина ўрганган одамлар борлиги аниқ.

— Рўзимуродга ўхшаш айғоқчилар бор-да, гуруҳида, — деди Эртўгон гижиниб.

— Кундузи босқинчиларнинг қаердалигини топишимиз қийин бўляпти.

— Зардоба қишлоғи душмандан холими? — сўради Эртўгон харитадан қишлогини кўрсатиб.

— Ҳа, — деди майор қисқа жавоб бериб.

— Аниқми, ёки тахминми?

— Аниқ. Аммо жангариларнинг бир нечтаси нимагадир ўша томонга ўтишга уриниб кўришяпти. Нима учунлигини билмадим, лекин ҳаракатлари жиддий.

— Лейтенант Эртўгон Қодирниёзов ўша қишлоқдан, — тушунтирди подполковник Туробов.

— Шундайми? Унда айт-чи, қишлоқда тилла кони йўқми? — деб сўради майор жиддий оҳангда.

— Зардобадаги одамларнинг ўзи тилла-ку!

— Буни биламан. Лекин мен кон ҳақида сўрадим.

— Бизда Шаргун тошкўмир кони, мрамор, фосфор конлари, рух фойдали қазилмалари мавжуд. Лекин сиз айтгандай олтин кони йўқ.

— Унда нега қишлоққа киришга тинимсиз ҳаракат қилишяпти?

— Ўшаларнинг биттаси Рўзимурод деган жосус бўлиши мумкин. Агар тахминим тўғри чиқса, қишлоғимизда у уйланмоқчи бўлган бир бева аёл бор. Мақсадини аниқ билмадим-у, балки ўша аёлни олиб қочмоқчи бўлаётгандир? Ҳатто, уйланаман деб, Шермуҳаммад аканинг уйини сотиб олганди. Бироқ у ерга кўчиб ўтиш ҳам, уйланиш ҳам насиб этмади.

Шундан аламзада бўлиб, Гулбодом опани угирламоқчи. Лекин бу менинг тахминим, холос.

— Қозоқларданми?

— Йўқ, афгон ўзбекларидан деб эшитганман. Балки бу маълумот нотўғри бўлишиям мумкин, — деди Эртўгон кўнглидан ўтган гапларни рўйирост ошкор қилиб.

— Қисқаси, ёлланма қотил, шундайми?

— Ҳа. Шундай бўлиб чиқди. У билан Нигматни атай юборишган бу ерларга.

— Нигмат дейсанми? Э, бўлди эсладим, ҳалиги... ҳалиги уй сотган кишининг хотини отиб ўлдирган йигитми? Лекин дадил аёл экан. Жасоратига қойил қолдим. Унча-мунча хотиннинг қўлидан келмайди. Тоғликларнинг кўпчилигида тоғдек юрак ҳам бор-да.

— Эртўгон, яхши кўрган қизингнинг синглиси йўқми, божа бўлардик, — деди ҳазилнинг ўрни бўлмаса-да, тоғлик аёллар ҳақидаги таърифдан илҳомланиб кетган Мардон.

— Онасининг яккаю ягона қизи.

— Афсус, — дея бош чайқади Мардон.

— Тушунмадим, сен бу ерга...

— Нима бўпти, — Эртўгоннинг гапини бўлди Мардон, — қишлогингга кўёв бўлсам ёмонми?

— Лекин Эртўгоннинг турмушга чиқмаган яна бир синглиси бор, — дея Мардоннинг қулогига шипшиди майор.

Эртўгон бу гапни эшитмаганга олди. Аммо ҳайрон қолган нарсаси, бу фактни қаердан билдийкин? «Э-ҳа, топдим, — дея ўйлади Эртўгон хаёлига келган фикрдан. — Мен ҳақимдаги барча маълумотлар командирларга маълум қилинган. Демак, Узун ва Сариосиёга ташланган барча ҳарбийларнинг кимлиги,

келиб чиқиши уларга кундай равшан. Шунингдек, меники ҳам».

— Сен бир иложини топиб, уларникига меҳмонга бор, — яна пичирлади майор.

Мардон индамади, аммо «яхши айтдингиз» дегандай, бошмалдогини тепага кўтарди.

— Ўртоқ майор, қишлоғимизга кирмоқчи бўлганлар унинг қайси томонидан ҳаракат қиляпти? — деди Эртўгон асосий мавзудан четга чиққанларга томоқ кириб огоҳлантириш бераркан. — Илтимос, харитадан кўрсатиб беринг.

Майор ҳудудни аниқ кўрсатди.

Эртўгон ўйга толди. «Демак, Зардобанинг шимол тарафидан. У томонда нима бор? Ҳотам отбоқарнинг чойхонаси, яна Саидохуннинг дўкони ва омборхона, тагин... нимайди-я? Гулбодом опанинг уйи умуман тескари тарафда. Наҳот янглишган бўлсам? Нишон бева аёл эмас, шундайми? Бундан чиқди, босқинчиларнинг мақсади бошқа. Балки оч қолишган бўлса, дўконни ўмаришмоқчидир? Ҳа, шунақага ўхшаб қолди-ку? Бироқ... бу алдамчи ҳаракат бўлса-чи? Бир-икки киши ўзини қишлоққа шимолдан кирмоқчидай қилиб кўрсатади, аслида эса бошқа бир гуруҳ ғарб томондан бостириб киради. Рўзимурод, Рўзимурод! Сен ярамас, наҳот шу ерда бўлсанг? Жиноятчиларни кутиб олдингми, ёки бошлаб келдингми? Демак, ҳозир йўлбошловчилик қиляпсан. Шундайми? Сенинг шу ердалигингни аниқ билишим керак».

Майор ярим чақирим тепага чиқишга. аранг рухсат берди. Мардон Эртўгонга эргашди. Подполковник билан майор махсус сигналдан кейин взводни олдинга бошлаб борадиган бўлишди.

Қоқ пешин пайти. Атроф негадир тинч. Эртўгон бунинг сабабини топгандай бўлди: юртни вайронага айлантириш, босиб олиш, ҳокимият тепасига чиқиш ниятида қўлини қонга ботираётганлар пешин намозини адо этишга чоғланган. Улар гуё ҳақиқий мусулмон-у, бу ердагилар эса кофир. Аллоҳ кимнинг ким эканлигини, нияти қанақалигини кўриб, билиб турибди-ку. Наҳот шуни инобатга олишмаса, ўз ваҳшийликларини адолатдан деб билишса? «Йўқ, бу босқинчилик ҳақиқий мусулмоннинг иши эмас. Бу бузғунчилик, исломга доғ тушураётган, адоват уругини сочаётган, бойлик ва ишратга берилган бир тўда ёлланма қотилларнинг хатти-ҳаракати. Улар ўзларини намозхон, ислом динининг ҳимоячи ва тарғиботчилари қилиб кўрсатишлари мумкин, бироқ халқнинг назарида ярамас ва ваҳший кимсалар бўлиб қолаверади. Улар ҳеч қачон ўз мақсадларига ета олмайди. Ўз оила-аъзоларини, туғилиб ўсган тупроғини бундай қонхўр кимсалар қўлига топшириб қўядиган аҳмоқ, ландавур ва қўрқоқлар йўқ бу ерда. Бу пурвиқор тоғларда мана шундай катта қалб ва юракка эга бўлган одамлар бор. Улар шу азим ва абадий тоғлар мисол ўз юртининг посбонларидир. Мустаҳкам ироданинг намунаси бўлган бу юксак чўққиларнинг бир дона тоши зиён кўрса тоғлар жунбишга келгандай, одамларнинг бири заҳмат кечса ёки нобуд бўлса, барча кишилари оёққа қалқийди: ҳимояга отланади.

Эртўгоннинг дадаси чегаранинг тоғ қисмидан ўтган дара ва ўрмонсифат ҳудудларидан кўпроқ хавфсирар эди. Бу жойларда доимий назорат йўқ. Тўғри, авваллари битта давлат бўлгани учун ўзбек афгон юртига ҳам, тожик ерларига ҳам бемаллол ўтиб юраверган. Тожик ҳам, афгон ҳам Сурхондарёнинг тоғли қиш-

лоқларига келиб савдо-сотигини қилиб кетаверган. Собиқ совет ҳукумати қулаб, унинг исканжасидаги республикалар озодликка чиқди ва ўзларини мустақил давлат деб эълон қилди. Дарҳол чегаралар эсга тушди ва атрофни ўраб олишга киришдилар. Бироқ довондаги ўша сўқмоқлар, кўздан нари горлар, яширин йўллар ҳамон сақланиб қолди. Бу киши билмас «ўтиш жойлари» кимларгадир керак эди. Биров бу «давлат чегараси»дан ҳалол тижорат учун ўтса, биров чўнтагини қаппайтириш учун ўтди. Кимдир мол-қўйини боқиш учун ўтса, кимдир молининг ичига «мол» яшириб ўтди. Бир одам ўзга юртда қолган уруг-аймогини кўргани ўтса, бошқаси қориндошини сотгани, тупрогини топтагани ўтди.

Ёш Эртўгон дадасидан эшитган баъзи гапларни тушуниб-тушунмаган эди, аммо мана энди англаб етдики, чегаралар мустаҳкам бўлиши керак экан. Ҳалол, пок ниятли, ўқимишли, қонун-қонидани тушунган инсон ўзга бир давлатга бормоқчи бўлса, унинг очиб қўйган дарвозасидан ўтади. Ким эканлигини, нима мақсадда келганини яширмайди. Нопок, ўзгалар тинч ҳаётини кўролмаган, бойлик ва мансаб илинжида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган кимса-чи? У, албатта, тешик қидиради. Дарвозабонга рўбарў келишни истамайди, ўзини ошкор қилмайди. Чунки унинг қалби тоза эмас, қора юрагида қора нияти бор.

Эртўгон ҳаёлини жамлаб, милтигининг дурбинидан атрофни кузатишга киришди. Душман томонга йўналтирилган қуролидан бир минг уч юз метрни нишонга олса бўлади. Унинг чап томонида, беш метрлар чамасида Мардон ётибди. Қўлидаги милтиқ отишга шай. Бироқ яқин масофадан отишга қулай деб автоматини ҳам елкасига осиб олган. Унг тарафда, анави қалин

буталар орасида эса подполковник Туробов. У пис-толетдан ҳам бехато отади. Шунинг учун душманга иложи борица яқин боришни истади. Тез ва чаққон ҳаракати билан нишонни пойламай туриб отиш унинг севимли машғулоти. Штаб бошлиги уни разведка иш-ларига деб чақиртирган ва резервда ушлаб турганди. Оқурга кўнгилли икки снайпернинг келиши билан унга муҳим вазифа юкланди.

Аслида бу мард ўғлонларнинг ўхшаш тарафла-ри ҳам бор. Балки шунинг учун ҳам Яратганнинг ўзи уларни шу жойга жамланган бўлса ажаб эмас. Бир пайтлар — қизгин ўқув машғулотлари пайтида уларнинг ҳар учовида ҳам шу отишни ҳақиқий жанг майдонида синаб кўриш фикри хаёлидан кечган. Шун-чаки жанг майдонида тамомила бошқача ҳис-туйғу бўлса керак, деб кўнглидан ўтказишган. «Ҳаяжонни, қўрқувни енга олармикинман, қўлим қалтирамасмикин, душманга ўқ уза оламанми ўзи», деб бир зум хаёлга берилган. Тўғри, бу посбонлар юртида уруш бўли-шини назарда тутмаган, дунёнинг турли жойларида ёвузлик қилиб юрган манқурт кучларни қурол кўтариб Ватанига бостириб келишини ҳам ўйламаган. Бироқ террорчиларнинг нопок қадами азиз диёрига ҳам етиб келди. Қўлларига қурол олишга мажбур қилган ким? Жанг майдонига чорлаган-чи? Ёвуз кимсаларнинг ўзлари! «Энди омонлик йўқ, уларга!» дея нидо қилди Эртўгон.

Бир пайт катта харсанг олдида аранг кўзга ташла-ниб турган ғордан аста бош кўтарган душман кўрин-ди. Оралиқ масофа анчагина, у ерга ўқ етиб бориши даргумон. Эртўгон беркинган жойида нишонни кўр-сатиб Мардонга ишора берди. Мардон, ўз навбатида, подполковник Туробовга. Энди уларнинг ҳар учови

ҳам душман яширинган ҳудудни кузата бошлади. Гуруҳ командири «Отилмасин!» деб снайперчиларга буйруқ берди.

— Нега? — деди Мардон қўл ишораси билан. У, айни пайтда, соқчини мўлжалга олиб турарди.

— Биз уларнинг сони ва қурол-яроғи буйича маълумотга эга бўлишимиз керак, — дея пичирлади подполковник Туробов.

— Қоронғи тушиб қолса, изни йўқотамиз. Тунги ёритиш асбоблари уларда ҳам бор. Вэводни топиб олишлари мумкин, — Мардоннинг овози яна ҳам паст эшитилди.

— Ҳали сўраган саволингга жавоб бераман. Биз улардан чаққонроқ ҳаракат қиламиз. Негаки, бу ердаги жамики тирик жонзот: ҳайвонлар, ўт-ўланлар, тоғу тошлар ҳам бизга ёрдам беради, чунки ўзимизга қўшиб уларнинг ҳам тинчини сақлаб қоламиз. Ҳа, боя тўғри айтдинг, биз уларга зиён-заҳмат етказаетганимиз йўқ, етказмоқчи ҳам эмасмиз. Буни жонли мавжудот, албатта, сезади, тиканак унинг оёғига ёпишади, илон қўлидан чақади, кўршапалак унинг тепасида учади. Бойқуш шарпасини сезган заҳоти товуш беради.

— Билиб турибман, бу айтганларинг одамнинг душман эканини қандай ажратади, деб сўрамоқчиман?

— Ёвуз, жоҳил, жинойтчи кимсалардан чиқаётган салбий энергия орқали.

Ҳа, Эртўгон боя айнан шу гапни айтмоқчи эди. У, айни пайтда, фикрини уқтира олганидан хурсанд бўлди.

Аста кеч тушиб келарди. Эртўгон шом пайтида олдинга юрсакмикин, деб ўйлади. Лекин фикридан қайтди. Ахир душман ҳам атрофни кузатиб турибди. Балки ўзлари ҳам аллақачон нишонда бўлсалар-чи?

Яширинган жойидан ўрмалаб чиқиб, атай бўй кўрсатиши яна ҳийла бўлмасин?

Эртўгоннинг кўзлари бирдан катталашди, кейин қисилиб, дурбинга ёпишди. «Тухта, тухта! Ким бўлди, у? Башараси жуда таниш-ку. Нега дарҳол яна инига кириб кетдйкин?» Эртўгон гор олдидаги соқчининг имоси билан бирровга юз кўрсатган кимсани сал таниган эди. Негаки, у бир кечадаёқ Зардобадан жуфтакни ростлаб қолган Рўзимуродни эслатиб юборди.

Фактда гумон бўлмаслиги керак. Яна диққатини жамлади. Қалин арчазор орасида аранг кўзга ташланаётган харсангтош ва унинг ёнидаги гордан нигоҳини ололмай қолди.

Ниҳоят, яна таниш башарага кўзи тушди. «Ў-ў, бу қочоқнинг худди ўзи-ку!» Эртўгон гордан эмаклаб чиққан ва атрофга зимдан назар ташлаганидан кейин арча ортига ўтиб кетган Рўзимуродни аниқ кўрган ва таниган эди. Шубҳага ўрин қолмади. «Э-ҳа, кетмаган экансан-да? Нега қолдинг десам, ҳали тугалланмаган юмушларинг бор шекилли? Билсак бўладими, қандай иш эканлигини? Энди ўзим ҳам шу атрофда нега ўралашиб юрганингга жуда қизиқиб қолдим. Бева аёлни қўлга киритиш фикридан ҳамон воз кечмадингми, ёки бошқа топшириқ олганмисан? Лекин хомтама бўлма, бу ердагиларни иккинчи маротаба лақиллата олмайсан. Қани, қаёққа отландинг, ўзи?»

«Тоғда кун тез ботади», деганлари тўғри. Анамана дегунча ғира-шира бўлади, кейин узоқдаги нишонни кўриб бўлмай қолади. Бургут билан лочин ошиёнига қайтди. Қоплон, силовсин, қобон овга чиқди. Оёқ остида кўрсичқон ўрмалай бошлади. Пастда тулки кўринди, у думини ликиллатганича Тўполондарё томонга ўтиб кетди. У пистирмадагиларни сезмади

чоги, бехавотир кўринди. Аммо ҳар замонда эшитилиб қоладиган ўқ овозларини унутмаган, шекилли, йўлидан бир зум тўхтаб ортга диққат билан қараб қўйди ва яна қадамини тезлаштирди.

Эртўгон овоз чиқармай, ерда ётган ҳолда судралиб подполковник Туробовнинг ёнига келди ва Рўзимуродни танигани, у ҳозир ҳақиқатан ҳам нима учундир Зардоба қишлоғи томон ошиқаётганини айтди.

— Бир ўзими? — сўради подполковник Туробов.

— Ортидан яна бир киши эргашди.

— Демак, бу гал қандай бўлса-да, киришга қарор қилишган.

— Қишлоқ қўриқланияптими? — Эртўгон подполковник Туробовнинг ўйчан кўзларига тикилди.

— Албатта.

— Айтинг, ҳарбийлар чиқиб кетишсин.

— Эсинг жойидами? Бундай буйруқ беролмайман.

— Штаб бошлиғига хабар бера оларсиз?

— Сабаб?

— Рўзимуродни жинойт устида қўлга туширмоқчиман, — деди Эртўгон паст, аммо қатъий овозда.

— Юртимизга бостириб кирган террорчилар билан бирга эканлиги унинг жинойтига кифоядир.

— Тўғри. Лекин у қишлоғимизга яна нима мақсадда кирмоқчи бўляпти? Нимасини эсдан чиқарган? Шунчалар муҳим нарсами, қайта-қайта ўтишга аҳд қилса?

— Душманга имкон берилмайди, лейтенант! У тинч аҳолини гаровга олиши ёки ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

— Ҳозиргина тўғри айтдингиз, Рўзимурод бу гал қаттиқ киришганга ўхшайди, деб. Агар нимадир қилмоқчи бўлса, биринчи навбатда, қишлоқни қўриқлаётган аскарларни тинчитади. Чунки улар мақсадини

амалга оширишга халақит беришлари аниқ. Мабодо қаршилиқ бўлмаса, кўзлаган манзилига осонлик билан етиб олади ва жинойтга қўл уради. Мен худди ана шу пайтда унинг тепасида пайдо бўлишим керак.

— Сен борган пайтда кеч бўлса-чи?

— Йўқ, бу сафар уни қўлдан чиқармайман.

— Демак, унинг йўлига гов бўлмаймизми? — деди Мардон ҳам яқинроқ келиб.

— Ҳа. Сен эса яхшилаб ўйлаб кўр, лейтенант. Балки унинг кимдадир қасди бордир? Ана шу одамдан уч олиш мақсади бўлса-чи? Балки Тўполон сув омбори томон ўтиб кетар. Тўғонни портлатишни кўзлашган бўлса, уни олдинга ўтказиб юбора олмайман. Орқасидаги халтада нима борлигини билмаймиз-ку.

— Портловчи модда йўқлиги аниқ, халта бўшлиги учун елкасидан осилиб тушган. Сув омбори эса қаттиқ қўриқланаётганини улар жуда яхши билишади. Рўзимурод бизнинг қишлоққа тушишга уриняпти.

— Унга сездирмай ортидан бормоқчимисан?

— Ҳа, ўртоқ подполковник, худди шундай қилмоқчиман. Чунки қисқа йўлни биламан. Рўзимурод имилаб айланиб боргунча, мен ўша ерда бўламан.

Подполковник Туробов Эртўғоннинг режаси ҳақида штабга хабар берганди, душманни пойлаб ортидан боришга рад жавоби олинди ва қатъий команда берилди: «Жойида йўқ қилинсин!»

Эртўғон ўйланиб қолди. Подполковник Туробов буйруқни бажаришга ундади. Мардон қуролни шайлади.

— Ўртоқ подполковник, яна бир марта таклифимга қулоқ солсангиз. Ҳозирча Рўзимуродни тирик қолдириб турамиз. Унинг мақсадини билишим керак.

— Бу ишимиз учун ҳарбий требуналга тушамиз.

— Қасам ичиб айтаманки, бу сафар Рузимуродни қочириб юбормайман. У энди нишонимда бўлади. Менимча, унда қандайдир муҳим топшириқ бор. Агарда у ярамасни тириклайин қўлга олсак, ана шу нарсани билиб олган бўлардик. Балки бу давлат аҳамиятига молик сирдир.

— Ошириб юбормаяпсанми, лейтенант?

— Кўнглим сезиб турибди, унинг питирлашидан.

— Майли, сенга ишондим. Унда қолганларга қарата ўт очамиз. Қани, кетдик. Мўлжалга аниқ олиш учун масофани бироз қисқартирамиз.

Яшил арчасифат махсус ниқобга яхшилаб беркиниб олган снайперлар олдинга судралиб кетишди. Улар иложи борича секин, овоз чиқармай юришар, ҳар замонда бир зумга тўхтаб масофани чамалаб олишарди. Яна юз метрлар юришса бас, душман яширинган гор ҳам, пастга тушиб келадиган сўқмоқлар ҳам яққол кўринади. Бироқ қоронги тушиб қоляпти, тезроқ ҳаракат қилмаса ҳам бўлмайди.

Белгиланган нуқтага етиб келгунча қуёш тоғнинг ортига ўтиб, қизил шафақ таралди. Яна бир неча дақиқа имиллашса, жангарилар дарага тушиб кетишадди, кейин уларнинг ён томонидан кесиб чиқиш қийинлашади. Подполковник Туробов мўлжалга олишга рухсат берди. Олисдан элас-элас кўриниб-кўринмай турган босқинчиларнинг учтаси нишонга олинди.

Эртўгон гордан чиқиб пастлаб ўрмалаган босқинчига қарши ўқ узди. Энгашганича арча ортига ўтмоқчи бўлган бошқаси подполковник Туробовнинг нишонига айланди, харсангтошни пана қилиб, қуролини қайси томонга ўқталишни билмай гангиб қолган яна бир душманни Мардон ерга қулатди. У ўқ зарбидан аввал боши билан тошга урилди, кейин зарб билан юзтубан

йиқилди. Ҳойнаҳой, ўзи билан нима содир бўлганини англолмай ҳам қолди. Шундан кейин тепаликнинг ён томонида отишма бошланди. Майор Набиевнинг йигитлари Жилга қишлоғига ўтмоқчи бўлган босқинчиларнинг йўлига гов бўлишди.

Снайперларнинг қаерда турганини билолмай қолган душман чекинишга эмас, яширинишга кўрсатма олди, шекилли, бир зумда инига кирган сичқондай гойиб бўлишди. Эртўгон террорчиларнинг қўлида гранатомёт борлигини, ундан вертолётни уриб туширишда ёки аскарларни юрагига ваҳима солишда фойдаланаётганини эшитган эди. Шундай қурол кўтарган жангарини излай бошлади. Лекин бу пайтга келиб атрофга тун қора пардасини ёйди, энди олис масофани кўриб бўлмай қолди. Бироқ снайперлар атрофни кузатишда давом этди, улар қандайдир белги, нишон кўриниб қолишига умид қилар, душманнинг қарши ҳужумга ўтишини кутар эди. Ялт этган нарсa кифоя эди. Аммо душман қуролдан фойдаланмади, ҳойнаҳой, ўзларини қаерда эканликларини билдиргиси келмади: снайперлар пайт пойлаб туришганига ақли етган эди.

Тогнинг қаеридадир кетма-кет ўқ овозлари эшитилди. Бу душман гуруҳини пистирмага дуч келганидан далолат берарди. Ун дақиқа чамаси давом этган отишма бирдан тўхтади, лекин сал ўтмай, бирин-кетин иккита гараната портлаб атрофга шовқин солди.

Шу пайт мушьяк отилди. У ўзидан из қолдириб осмонга кўтарилгач, бир зум тоғ багрини ёритиб турди-да, ўчди, ундан қолган чўғ пастгача шўнгиди.

— Душман ёрдамчи куч чақирди, — тушунтирди подполковник Туробов йигитларни ёнига имлагандан кейин.

— Улар қайси томондан келиши мумкин? — сабрсизлик билан сўради Эртўгон деярли паст овозда.

— Тепаликнинг орти улар жойлашган макон. Бироқ айрим жангарилар пастдаги қишлоқдан чиқиб келиши ҳам мумкин. Ахир еттита қишлоқдан учтаси уларнинг қўлида-ку. Эрта-индин ялпи ҳужум уюштиришимизни сезганми, эгаллаган жойларини ташлаб тепага чиқиб кетишга ҳозирлик кўришмоқда экан.

— Буйруқ қандай бўлади, ўртоқ подполковник?

— Майор Набиевнинг взводига ёрдамга борамиз. Душман уларнинг қаерда эканлигини аниқлаган кўрилади. Ҳужумга ўтадиган бўлса, ён томондан уларни ҳимоя қиламиз.

— Қоронгида жанг қилиш қийин бўлса керак. Сенда ҳам, душманда ҳам, тунги ёриткич ускунаси бор. Ким биринчи кўрса, ўша тирик қолади, — деди Мардон гуруҳ ортидан йўлга тушаркан.

— Нолияпсанми? — бир зум тўхтаб ортига ўгирилди Эртўгон.

— Тоғларнинг бунчалик зимистон бўлишини билмаган эканман.

— Тўғрисини айт, қўрқяпсанми? — дея дўстининг юзига жиддий разм солиб тикилди Эртўгон.

— Нега қўрқаман, Эртўгон. Фақат илон мени танитай қолиб, ногоҳ чақиб-нетиб олмасин, деб хавотир оляпман, холос.

— Хавотир олма, уларга тайинлаб қўйганман. Ўзимизникиларни чақмайди.

— Топган гапингни-чи.

— Жим!

Подполковник Туробовнинг буйругидан сўнг йигитлар жим бўлишди ва атрофга қулоқ тутишди. Анча нарида қўнғир айиқнинг гингшигани, сўнг аянчли ўкириги эшитилди. Эртўгон ҳайрон бўлди, ахир айиқлар тунда овга чиқмасди-ку. Арча тагида

ётган бўлса, бўри ҳужум қилдимикин? Ёки қопқонга тушиб қолдимикин? У атрофга диққат билан разм солди, бироқ узоқ масофани, барибир, кўриб бўлмади. Дадил олдинга боришда давом этишди. Таваккалки, оралиқ масофани биров қисқартириш лозим. Ойнинг ёруғи дарахтларнинг тагига тушмайди, у ердаги оддий ҳайвон ёки каттароқ шох-шаббани ҳам баттар шубҳали акс эттиради. Аниқ хулосага келиш учун жиддий кузатиш керак. Вақт эса кутиб турмайди. Шундай экан, ички ишонч — психологлар айтмоқчи: олтинчи сезиш туйғуси биринчи ўринга чиқади.

Эртўгоннинг хаёлини бемаҳалда бўғизлангандай овоз чиқарган айиқ тарк этмаган эди. Нима бўлдийкин, жониворга? Наҳот, ростдан ҳам унинг бўйнига пичоқ тортишган бўлса? Овқати қолмай, ҳайвонларни тутиб ейишга ўтдимикин? Нега бу ишни кундузи эмас, айнан кеч тушганда амалга оширяпти?

Майор Набиевдан рация орқали хабар келди. Босқинчилар уларни таъқиб этишни бошлашибди. Аввалги позициясига қайтишаркан. Подполковник Туробов яна йигитларни ёнига чақирди.

— Биз майорнинг взводига етиб боролмаймиз. Террорчилар орасида ҳам снайперлар бор. Улар ҳаракатимизни сезиб қолишлари мумкин.

— Буйруқ қандай бўлади, ўртоқ подполковник?

— Шу ерда биров тамадди қилиб оламиз-да, душманни пастдаги ирмоқ бўйида кутиб оламиз.

— Йигирмадан ортиқ жангарига бас кела оламизми? — савол берди Мардон.

— Улар сув бўйига тушади, албатта. Дарани кесиб ўтиш чоғида ўққа тутамиз. Ойнинг ёруғида ҳам уларнинг сувдаги акси кўзга ташланади. Кечувга йўл қўймаймиз.

— Майорнинг йигитлари ёрдамга келса, яхши бўларди, — деди Мардон атрофга алангларкан.

— Уларни чақирмаймиз, — деб тушунтирди подполковник Туробов. — Ўзимиз ҳаракат қиламиз. Озчилик бўлганимиз билан бизда ҳам яхшигина устунлик бор.

— Қанақа?

— Овоз чиқармайдиган топпончани нима учун олдик? У яқинлашиб келган душманни шовқин-суронсиз йўқ қилишимизда жуда асқатади-да.

— Маҳоратингизни ишга соларкансиз-да, — деди Эртўгон.

— Бу менинг сеvimли машгулотим.

— Балки олдин маррага етиб олармиз. Кейин ўша ерда у-бу есак ҳам бўларди.

— Чидайсизларми?

— Албатта.

Снайперлар шалдираб оқаётган ирмоқ бўйига тушдилар. Эртўгон катта-катта харсанг билан тўлган бу кичик сойга кўп келган, унинг ҳар қаеридан кечиб ўтиш мумкинлигини билар эди. Аммо кечаси, барибир, қулай жой қидирилди. Бундай жой эса улар беркинган ердан эллик-олтмиш метрлар чамаси нарида.

— Буйругимсиз отмайсизлар. Гуруҳнинг охириги аъзолари тош устига сакраб чиққанда команда бераман. Мулжални юрган тартибимиз бўйича оламиз. Мен энг орқадагисини, Мардон ундан олдигисини, Эртўгон эса ҳужумга ўтганини нишонга олади. Сен иложи борица граната отмоқчи бўлганларни пойла. Ёки гранатомёт ушлагани. Бу қуроолларнинг иккиси ҳам хавфли. Душманга имконият қолдирмаслик керак. Милтигимиздаги бешта патрондан аниқ фойдалансак, ўн бешта душманни ер тишлатган бўламиз. Унтаси

ҳужумга ўтишга журъат қилолмайди, албатта, орқага қайтади. Ёнимизда пичоқ ҳам бор. Керак пайтида ишлатишни унутманг. Ҳа, ёдимдан чиқай депти, асирга тушиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрманг. Аммо имкон топиб, бирорта босқинчини қўлга туширсак, яхши бўларди.

— Топшириқ тушунарли!

— Қани, Эртўғон, бошла!

* * *

Майорнинг гуруҳига ортга қайтишга буйруқ бўлди, аммо пистирмага дуч келишди, икки аскар душман ўқига учради. Бу хабарни эшитгандан кейин Эртўғон тамадди қилишни ҳам унутди. У пистирма жойини эслади, тепаликнинг шимол томонида чўнтакни эслатувчи жой бор. Демак, душман қулай позицияда туриб аскарларни ўққа тутган. Лекин ўша ерни ҳам яққол нишонга оладиган бошқа бир тепалик бор. У ерда баланд арчалар ўсади. Худди ўша арчаларга чиқиб олиш керак. Бироз нишабликда жойлашган, аммо борса бўлади. Ёнг муҳими, бақувват арчаларга тирмашиб чиқиб олиш. Эртўғон худди шу манзилни кўзлаган эди. Энди халтасини очиб егулик олаётган Мардон нима қилишни билмай, подполковник Туробовга юзланди. Аммо қорнғида кимнинг кимга қараганини билиб бўлмас эди.

— Кетдик!

Подполковник Туробовнинг биргина гапи етарли бўлди, халтанинг оғзи ёпилиб, яна елкага олинди. Нишабликда юришнинг ўзи бўлмади: қуруқ тупроқ салга пастга шовуллаб оқар, арчанинг қуриган шохлари синиб кетар, юриш ҳам, туриш ҳам жуда ноқулай эди. Улар занжир мисол бир-бирларини маҳкам ушлаган ҳолда бироз тепаликка чиқишга муваффақ

бўлишди. Биринчи бўлиб Мардон кўтарилди, сўнг подполковник Туробов, энг охирида эса Эртўгон. Қалин шохли, баланд бўйли арчага чиқишнинг ўзи эмас. Яхшики, уларнинг бўйни ёпиқ, бўлмаса майда баргчалар аллақачон ичига тўлиб олган бўларди. Ниқобни ечиб қўйса бўларкан, шохларга илиниб, тепага кўтарилишга халақит беради. Лекин амаллаш керак эди. Амаллашди. Учта арчага яхшилаб ўрнашиб олдилар. Нишон уларга бемалол кўриниб турарди. Бироқ бу пайтга келиб, жангарилар яширинган жойларидан чиқиб олдинга юришга ҳозирлик кўраётган эдилар. Биринчиларни мўлжалга олишга кеч қолишди. Аммо кейинги учта душман аниқ нишонга олинди.

Дарани яна ўқ овозлари тутди. Олтита босқинчи бир зумда асфаласофилинга жўнатилди. Бундан ташвишга тушиб қолган душман яшириниш пайига тушиб қолди. Бироқ улар «чўнтак»ка қайтишмади, атрофга тарқаб кетишди.

Эрталаб мурдаларни қидириб боришган аскарлар ҳақиқатан ҳам олтита жангарининг жасадини топишди. Улар, асосан, пешанасидан ўқ еган эди. Ёнидан қурол чиқмади, ўқ ўтмайдиган нимчалари ҳам ечиб олинган эди. Ўликларнинг олдида ўн литрли бўш елим идиш ётарди, қопқоғи яхши ёпилмаган чоғи, ичидан бензин ҳиди анқиб турарди. Афтидан, жасадларни ёқиб юборишмоқчи бўлишган, лекин бензин тўкилиб кетганми ёки бошқами, режа амалга ошмаган. Шундан сўнг шипшийдам қилиб ташлаб кетилган. Яримяланғоч тананинг у ер-бу ери тишланганига қараганда, бўри билан тулкининг оғзи теккан. Гуё, маҳаллий халқ бу ёвуз кимсаларни «гўштинг ёввойи ҳайвонларга ем бўлсин!» деб қаргаган-у, ана шу дуоибат ижобат бўлгандай.

ХІІІ. ЖОСУСНИНГ СИРИ

Жанг майдонида кутилмаган вазиятлар рўй бериши мумкин. Алоқа бўлмаганда шароитга қараб иш тутилади, албатта. Икки кун горни пойлашга тўғри келди. Кечга яқин Рўзимурад яна бўй кўрсатди. Эртўгон бу сафар штабга хабар бермаслигини сўраб подполковник Туробовдан илтимос қилди. Бунақа имконият бошқа бўлмаслиги мумкинлигини айтди.

Подполковник Туробов Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ҳамшаҳарларининг кўпи билан учрашган, дилдан суҳбат қурган, бу ҳақида газета ва журналларга мақолалар ҳам ёзган эди. Ўзбек жангчиларининг бирортаси бутун уруш йиллари давомида асло ўзларини ўйлашмаган экан, қуролдош дўстларини ёлғиз қолдиришмаган, бир-бирига хиёнат қилишмаган. Шунинг учун ўзбеклардан дивизия тузилган, разведкага кўпинча уларни юборишган, «тил» ушлаб келишда ҳам биринчилардан бўлишган. Шундай экан, нега у масъулиятдан қочади, ўз гуруҳини ёлғиз қолдиради?

— Майли, лейтенант, бу гал сен айтганча бўла қолсин, — деди подполковник Туробов қишлоқ томон ошиқаётган Рўзимурудни дурбин орқали кузатар экан.

Эртўгон дарҳол миннатдорлик билдириб, йўлга тушди. Подполковник Туробов уни тўхтатди.

— Шошма, бир ўзинг қаёққа кетяпсан?

— Топшириқни бажаргани, ўртоқ подполковник. Зардобага тезроқ етиб олишим керак.

— Биз-чи?

— Сизлар ҳам борасизларми?

— Нима, бир ўзинг қаҳрамон бўлмоқчимисан?

— Қарамонлик ҳақида заррача ўйлаганим йўқ, ўртоқ подполковник. — Тезроқ бориб анави газан-

дани кутиб олмоқчиман. Ниятини сезишим билан ер тишлатаман. Сўз берганимдай, бу сафар уни қочириб юбормайман. Иложи бўлса, тириклайин асир оламан.

Мардон дўстининг олдига келди, қўлини елкасига ташлаб, катталарга хос босиқлик билан деди:

— Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқсаям донги чиқмас.

— Тасанно! Офарин, доноларнинг доноси! Лекин бир нарсани унутманг, бу ерда гап ўзимни кўрсатиш устида кетмаяпти. Рузимуродга ўхшаган босқинчилар қишлоқдагиларга зарар келтирмасин, бирортасининг жонига қасд қилмасин, деб хавотирдаман, холос.

— Ниятингни тушундик, лейтенант, Мардон сени синаш ўчун айтди, бу гапни. Қани йигитлар, кетдик!

— Йўл бошлашга рухсат беринг, ўртоқ подполковник.

— Бошла, лейтенант, бошла.

Учовлон йўлга тушди. Эртўгон билгандай қисқа сўқмоқдан юрди. У ёшлигида дадаси билан тепаликдан ким биринчи қишлоққа тушиш ўйнардди. Саноқул ака хансираб етиб келганда, у лайлак учираётган бўларди. Шунда Саноқул ака ўглининг бошини силаб, «лочиним», «шунқорим» деб алқаб қўярди. Фақат қаттиқ тайинларди: «Оёгинг тагига эҳтиёт бўл. Ерни қаттиқ босма, тоғу тош деб топтама».

Тенгқурлари ҳам унга етолмасди. Яшириниш ўйинида-ку, уни ҳеч ким тополмасди. «Бўлди, ютқаздим, чиқавер!» деганидан кейингина беркинган жойидан чиқиб келарди. «Энди билиб олдим», деган жўралари яна янглишарди, Эртўгон мутлақ бошқа жойдан чиқиб келарди. Ҳар гал турли жойларга беркинарди, айниқса, устига хашак ташлаб олса, болалар уни анча қидириб сарсон бўлишарди. Бир марта катта қўчқор

терисини устига ёпиб, қўрага кириб кетган, ўшанда бешта ўртоғи бир бўлиб ҳам топа олмаган. Кейинчалик шуларни эслаб, мактабни битиргунча қулиб юришган.

— Сен фақат ўзингни эмас, мениям қизиқтириб қўйдинг, лейтенант, Рўзимурод ва унинг ўлган шериги нима учун айнан Зардобани танлади экан? — деб сўради подполковник Туробов қишлоққа яқинлашиб қолганларида.

— Биринчидан, Сариосиё темир йўлга яқин. Етти километрлар чамаси масофа, холос. Иккинчидан, Шаргун шаҳрига боришга ҳам қулай. Сариосиё шаҳарчаси эса шундоқ пастда. Балки шу қулайликларни инобатга олгандир. Ахир, уларнинг разведка учун келган эканлиги маълум бўлди-ку.

— Оқсақол билан тил бириктирганмикин?

— Буни аниқ билмайман. Аммо ёрдам бериб юргани рост. Менимча, у пулга сотилган. Текин бойлик кўзини кўр қилиб қўйган.

— Лекин Мастура опанинг жасоратига, барибир, қойил қоламан-да. Уйига кирган ўғрини шартта отиб ташласа-я!

— У нафақат ўғри, босқинчи, қотил ҳам эди-да.

— Тўғри, аммо довдираб қолмаганига тасанно. Юрак ҳам бор экан-да.

— Тоғли аёллар шунақа мард бўлади, ўртоқ подполковник.

— Ҳа, буни тушундим.

— Қишлоққа келдик. Негадир соқчилар кўринмаяпти?

— Бирор уйга кириб олганмикин? Балки овқатланишга киришгандир? — Подполковник Туробов ҳам йўлини тўсмаган аскарларнинг йўқлигига ҳайрон эди. Кейин уккининг овозини қилиб «сайради».

Эртўгон қўллари билан оғзини ярим ёпиб ўзи «сайради». Унинг овози уккиникига ўхшаш, лекин жонлироқ чиқди. Бироздан кейин чойхона томондан икки ҳарбий қурулларини ўқталганича югуриб келишди. Подполковник Туробов ўзини ва йигитларни таништирди. Сўнг нима учун постда эмаслигини, қишлоқдаги вазият қандайлигини сўради. Старшина Аҳмедов ютиниб қўяркан, оғзини қўли билан артди ва тамадди қилиш учун бир зумга чойхонага кирганлиги, бу ерда ҳеч қанақа хавф-хатар йўқлиги ҳақида маълумот берди. Катта сержант Коволёв унинг гапларини тасдиқлади.

— Яширининглар! Қишлоққа кириб келаётган бегоналарни ўтказиб юборинглар. Мабодо отишма бошланиб қолса, душманни ярадор қилишга ҳаракат қилинг. Уларнинг бирини тириклайин қўлга олишимиз керак. Топшириқ тушунарлими?

— Худди шундай.

— Энди биз ҳам пистирмага ўтишимиз керак, ўртоқ подполковник, — деди лейтенант Эртўгон Қодирниёзов. — Қишлоқдагилар бизни сезмагани маъкул.

— Душманни қаерда пойлаймиз? — сўради Мардон сабрсизлик билан.

— Ўртоқ подполковник, таклифимни айтишга рухсат берсангиз, — Эртўгон подполковник Туробовга мурожаат қилди.

— Рухсат.

— Мен шу ерда қолиб чойхона ва дўконга кўз-қулоқ бўлиб тураман. Сиз ўша қойил қолган Мастура опанинг уйи яқинида бўлсангиз. Мардон эса Гулбодом опанинг уйини ҳимоя қилади.

— Булажак қайнонангнинг уйига ўзинг бормайсанми? Севган қизинг ўша ерда бўлса, кўришиб, гаплашиб ҳам олардинг, дўстим.

— Эртўгон борса, хаёли бўлиниши мумкин. У тўғри қияпти, бормасдан. Душманни юртимиздан қувиб чиқарсак, бемалол гаплашаверади. Балки тўйида ўйнаб ҳам берармиз, иккимиз.

— Бўлмасам-чи! Қани, таклиф ҳам қилмай кўрсин-чи?! — Мардон Эртўгоннинг елкасига муштлаб қўйди.

— Ҳазилни бас қилинглар, — жиддийлашди подполковник Туробов. Кейин лейтенант Қодирниёзовга юзланиб гапида давом этди. — Рўзимуродни шу икки манзилга келади деб ўйлаяпсанми?

— Тахминимча шундай, — деди Эртўгон зим-зиё қишлоқдан кўз узиб.

— Зардобага кирмаса-чи?

— Унда ортидан бориб йўқ қиламиз, — деди Эртўгон ёнидан чиқарган тўппончани жанговар ҳолатга келтириб.

— Яхши, тарқаламиз. Лекин иложи борица ўқ овози эшитилмасин. Муҳим маълумотларни қўлга киритишда душманни тириклайин асир олиш муҳим. Атрофдагиларнинг диққатини жалб этмаслик учун овоз чиқармай ҳаракат қиламиз. Қани, ҳамма жой-жойига. Рўзимурод дегани ҳам яқинлашиб қолгандир.

Лейтенант Эртўгон Қодирниёзов подполковникдан таклифига қарши чиқмагани, вазиятни баҳолашни унга қўйиб берганидан хурсанд бўлди. Сарвиноз билан, албатта, кўришиб кетишни, дадаси ва сингилларининг ҳолидан хабар олишни кўнглига тугиб, чойхона билан дўкон оралиғидан яшириниш учун қулай жой қидира бошлади.

Рўзимурод бу ерларни яхши билгани боис, қишлоққа етиб келишга унчалик қийналмади. Қоронгиликдан деярли чўчимади, йўлда пистирмага дуч келмади. Демак, тунов кунги отишмадан сўнг ҳарбий аскарлар олдинги позицияга ўтишмаган. Ҳойнаҳой, ёрдамчи кучлар келишини кутаётган бўлса керак.

У мана шундай хаёллар ичида қишлоққа қадам қўйди. Бироқ кираверишдаги катта харсангтош олдида бир зум тўхтаб, атрофга синчков разм солди, тунги ҳайвонларнинг ҳаракати ва овозига қулоқ тутди. Бахтига қишлоқ тинч туюлди.

Ўтган сафар бу ерларда аскарлар юрганди. Ноилж ортига қайтиб кетди. Амаллаб тинчитса бўларди, аммо отишма бўлишини истамади. Ахир эрта-индин яна келиши керак, ўз йўлини ўзи тўсишни истармиди? Улар негадир бугун йўқ? Шубҳали эмасми? Балки штабга чақиртиргандир? Ёки бошқа ҳудудни қўриқлаяптимикин?

Рўзимурод пешонасидаги тунги ёритиш мосламасини кўзига тақиб, кузатувни давом эттирди. «Омборга қадам босишдан аввал Гулбодомнинг уйига кириб, бир кўриниш берсаммикин? Мен ҳамон шу ердан, барибир, меники бўласан! деб кўнглига гулгула солиб кетсам, зўр бўларди-да. Ишқилиб, шаҳарга кетиб қолмадиммикин?» Қизиқиши ортди, шайтон васваса қилди, олдинда ишқий лаззат кутаётганини ёдига солди, аммо...

Рўзимурод анойилардан эмас, аввало, ишни тугатиши керак, мабодо хавф туғилмаса, вақти қолса, уйлаб кўради. Айш-ишрат у учун иккинчи даражада. Гулбодомни қоралаб нима учун бу ерга келганини ўзи яхши билади. Бевага кўз тиккани, бу ерда кўпроқ ту-

риш учун эди. Шермуҳаммаднинг уйини сотиб олгани, қишлоқдагиларнинг ишончига кириб, бемалол яшашни режа қилганди. Бу ерда қанча кўп турса, қанча муҳим маълумот тўпласа ва керакли жойга жўнатиб турса, унга шунча яхши эди. Унинг иши шу: маҳаллий аҳолининг кўзига яхши инсон бўлиб кўриниш, ёмонлик қилишга, бойлик тўплашга мойиллиги борлар билан «дўстлашиш», уларни тўғри йўлдан уриш, охир-оқибат ўзига оғдириш ва жиноятига шерик қилиш. Оқсоқол мўмай пулга учиб, уни омборга ишга жойлаб қўйса, бу унинг очкўзлиги, ҳамқишлоқларининг тақдирига бефарқлиги ва бегона одамга ишонувчанлигидан. Ахир у даставвал қўшни Яксарт қишлоғига қўнган, ўзини ночор кўрсатиб яшаш ва ишлаш учун ёрдам сўраган эмасмиди. Одамларнинг оқкўнгиллиги ва меҳмондўстлиги, мусофирга ёрдам қўлини чўзиши, бошпана беришдек инсоний фазилатларидан унумли фойдаланди; бир ҳафта ичида Обиддин деган чолнинг қўйнига кириб, «малайи»га айланди. Уни гапга солиб юриб Зардоба қишлоғи, унда яшовчи узоқ қариндоши борлиги, бир неча ой олдин вафот этгани, унинг Суфиён деган бобоколони бир пайтларда қўшни Афғонистоннинг Ҳирот шаҳарларида савдо-сотиқ қилгани, ҳатто, махсус ҳужраси бўлгани ҳақидаги ривоятнамо ҳақиқатни билиб олди. «Балки уйлангандир, бола-чақаси бордир», деб авраб ҳам кўрди. Чол буларни билмайман, билганим шуки, Суфиён бобо ўлими олдидан қайтиб келган, лекин кўп яшамай бу фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилган, деди.

Ўзга бир юртга жосуслик қилгани келган кимсага шу гапнинг ўзи етарли бўлди. Эртаси куни тўғри Зардобага борди. Қишлоқ оқсоқолини топиб, қўлидаги совға-саломни ҳадя этди. Бобоколони Хужа-

аброр шу қишлоқлик Сўфиён ҳожи билан қадрдон бўлгани, бирга тижорат қилиб қариндош тутингани, борди-келдини йўлга қўямиз деб аҳдлашганини тўқиб ташлади. Шундай ишонч, шундай кўз ёши, шундай меҳр-муҳаббат билан ҳикоя қилдики, Умрзоқ ота чиппа-чин ишонди. Мусофир меҳмонни таъзияга ўзи етаклаб борди. Гулбодом кўҳликкина аёл эди. Биргина қизи билан бева қолганди. Рўзимурад эрдан айрилган ёш жувонни кўриб, кетолмай қолди. Бобоколони васият қилганидай, «қариндош-уруғлик» риштасини боғламоқчи бўлди.

Рўзимураднинг бу ердаги қолган ишлари сизга аён: оқсоқол ўртага тушиб, милицияга рўйхатга тиркаб қўйди, дўконнинг омборидан иш, ётишга жой топиб берди. «Гулбодом рози бўлгандагина уйига кираман», деб қариларда шубҳа уйготмади. Хуллас, ўз юртини қўйиб, Зардобада яшашга аҳд қилган, бу ернинг табиатини, одамларини ёқтириб қолган, мусофир бир мўмин-мусулмон қиёфасига кира олди. Энди сиз уни яхши билиб олдингиз. Фақат биргина қилмишидан беҳабарсиз, холос. У Яксартдан Зардобага кўчишдан аввал қария Обиддиннинг уйида тунаб қолди. Чол кундуз кун қишлоққа ҳарбийлар келиб, баъзи одамлардан шубҳали кишиларни кўрган-кўрмаганини суриштириб кетганини айтди. Соддалик билан «Сизга учрашмадими, ҳарбийлар?» деган саволига «йўқ» деб жавоб қайтарди. Зардобадан паноҳ топишга кўзи етган Рўзимурад чолдан қутулишга қарор қилди. Ахир унинг Зардобага бориб келганини биргина шу чол биларди, холос-да. Агар у гапирмаса, бу ердагилар бир ҳафталик мусофирни қаёққа кетганини қаердан билиб ўтирибди.

Рўзимурад тонг саҳарда қишлоқдан чиқиб кетди. Сутга қўшилган заҳар тушга бориб ўз таъсирини кўр-

сатди. Нафаси сиқа бошлаган чол ҳушини йўқотди. Духтирликдан унча-мунча хабари бор қўшниси ҳар қанча уринмасин, асрга бориб қариянинг жони узилди. Обиддин чол кейинги пайтларда тез-тез касал бўлиб тургани боис, унинг заҳарланиб ўлганидан ҳеч ким хабар топмади. Соддалик билан бегонага айтилган эски гаплар унинг ҳаётига зомин бўлди. Рўзимурод ўша куниёқ зардобалик Умрзоқ оқсоқолнинг пинжига кирди...

XV. ОШКОР БЎЛГАН СИР

Рўзимурод қулфни алмаштирилганини дарров билди. Кулимсираб қўйди, осма қулфни у бир зарба билан очишнинг йўлини билмаса экан. Бунинг устига, овоз чиқармай ҳаракат қилишга ҳам уста-ку. Шеригини эшик олдида қолдириб ичкарига кирди. Қўлидаги фонарни ёқди. «Ва ниҳоят, яна шу ердаман!» — энтикиб нафас олди Рўзимурод. Омбордаги нарсалар аввал қандай бўлса, шундай ҳолатда турар, деярли ўзгармаган эди. «Қани у, турибдими, жойида» кўнглидан ўтказди Рўзимурод ва ёруғликни бир четдаги катта ёғоч сандиққа тўғрилади. «Ўзгариш катта-ку», деди ичида сандиққа осилган шаполоқдай қора қулфни кўриб. «Қизиқ, ичига нима солишдийкин? Ишқилиб, сандиқ тагидаги ертўлани сезиб қолишмадимикин?»

Омбор эшигидаги қулфни қандай эпчиллик ва овоз чиқармай очган бўлса, бунисини ҳам бир зумда эплади. Хавотир ичида сандиқнинг қопқогини кўтарди. «Шакар!»

Ҳа, сандиққа лиммо-лим қилиб шакар тўлдирилган эди. Қизиқиб ичига қўлини ботирди. Шубҳали нарса йўқ. Энди қандай қилиб уни бўшатиш ҳақида бош қотира бошлади. Топди! Мих сугурадиган ас-

бобни олиб келиб сандиқнинг ён томонидаги пастки иккита тахтасини кўчириб олганда, шакар бир зумда шовуллаб ерга қўйилди. Қолганини қўли билан суриб қўя қолди.

Ана энди енг шимариб ишга киришди: сандиқнинг тагидаги тахталари жойидан яхлит кўчди. Ахир буни ўзи ўйлаб топган эди-да. Кимнинг ҳам хаёлига келарди, сандиқни бошқа жойга кўчириш. У шундай жойлаштирилган эдики, бошқа ерда умуман қўйишга жой йўқ. «Ўзи яхши турибди, жуда ўрнини топган, нари-бери суришга асло ҳожат йўқ», дерди кўрган одам. Демак, кўчирилмаган сандиқнинг тагидаги тахтасини ўрнидан кўтариб кўриш ҳам кимнинг ўй-хаёлига келарди. Ҳеч кимнинг! Шундай экан, четдан келаётган қуроолларни яшириш ва сақлаш учун бундан бошқа қулай жой яна қаерда бор? Керак бўлгандан кейин ўрами, ертўлами қазийди-да. Шундай ҳам қилди. Ўзини ишчан кўрсатган бўлиб, омбордан чиқмади: гўё нарсаларни қайтадан тартиб билан тахлади, айримларининг ўрнини алмаштирди, ортиқ деб билганларини ташқарига олиб чиқиб ташлади; янги маҳсулотларни бир тарафга, эскиларни бошқа томонга қўйди. Бу ерга кирган одам ўзгаришни кўриши керак, мусофирга «балли» дейиши лозим. Шунга ҳаракат қилди ва мақсадига эришди. Кунора ярим кечаси келадиган эшак хуржунида зарур маҳсулот бўларди. Иккала хуржунни ҳам аввалига дўкондорнинг олдида очди: шубҳа қилмаслиги керак-да.

Бу эшакнинг қаердан келаётганини Рўзимуроддан бошқа ҳеч ким билмасди. Қизиқиб сўраганларга эса жавоби тайин: «Шаҳардаги бир бойвачча танишим жўнатяпти». Қишлоқда баъзан топилмай қоладиган истеъмол молларининг пайдо бўлиши дўкондорга

фойда келтира бошлади. У ишбилармон чиқиб қолган мусофир меҳмондан хурсанд бўлди. Бора-бора омборни унга тўлиқ ишониб топшириб қўйди. Ана шундан кейин ҳақиқий «иш» бошланди: келаётган озиқ-овқат ва хўжалик моллари орасида унга тегишли «юк» ҳам бор эди.

«Сандиқ жойида, аммо орадан анча вақт ўтди. Ишқилиб, янги келган омборчи ҳамма ёқни остинустун қилиб юбормадими? У қайта ясаган сандиқнинг «сири»ни билиб қолмадимикин? Агар шундай қилган бўлса, катта одам бемалол сигадаган махсус ертўладаги жамики «юк»лар — қурол-аслаҳаларни аллақачон керакли жойга топшириб юборгандир?»

Бекор шубҳага борган экан, ўрага тушадиган тўй-нук жойида турар, бу ерда атайин қазилган ертўла борлигини ҳеч ким билмаган эди. Халтани пастга ташлади, кейин фонар ёруғида пастга тушди. Ертўлага турли қуроллар, тунги ёритиш мосламалари, ўқ-дори яширилган эди. Уларни бир киши олиб кетолмасди, албатта. Шерик билан келгани яхши бўлган экан. Рўзимурод дала командири олдида юзи ёруғ бўлишини ўйлаб, жилмайиб қўйди. Мукофот ва мартаба... тайёр деса ҳам бўлаверади. Энди буларни тезроқ шерикларига етказиб берса бўлди. Эрта-индин тугаши кутилаётган патронлар ўрнига жуда зарур. Айниқса, милтиқлар снайперларга ниҳоятда керак. Чегарадан ўтганларидан бери узоқдан туриб отишма бўляпти. Шунинг учун аввалдан келтириб, яшириб қўйилган бу милтиқларга эҳтиёж сезиляпти. Тезроқ олиб кетса, топшириқни аъло даражада бажарган бўлади. Бу ишни қойилмақом қилиб адо этгани учун бошқа бир гуруҳга дала командири қилиб тайинлашлари аниқ. «Қани, бўлақол, Рўзимурод, сени буюк ишлар кутяпти!». У ўзини алқаб қўяркан, тезлик билан халтасини

тўлгазди, сўнг бир амаллаб тепага чиқариб қўйди-да, шеригининг рюкзагини олиб яна пастга тушиб кетди. Гранаталар кам жойни эгалласа-да, анча огир эди. Агарда яна қайтиб келишса?.. «Э, йўқ, бошқа имконият бўлмаслиги мумкин. Қурол эса сув билан ҳаводай зарур. Чегарада назорат кучайганми, ўқ-дорининг келиши камайиб қолди. Шунинг учун нима қилиб бўлса-да, олиб кетишим шарт. Эҳ, битта эшак топилганда зўр бўларди-да. Тўхта, кимда бор эди-я? Ҳм, Наим амакида! Бориб ўгирлаб келсаммикин? Сезиб қолса-чи? «Сичқон юрса сезади», дейишади. Йўқ, эпполмасам, боридан ҳам қуруқ қолмай, тагин. Ке, қўй, кўтарганимизча олайлик. Ййе, тўхта-тўхта, пул бор эди-ку, бу ерда. Э, мана, турибдийкану қўйган еримда». Рўзимурод елим халтани очиб, ичига назар ташлади: бир даста доллар жойида эди. «Ҳайрият, пул ўзимга насиб этди. Дала командирига «ўн минг Нигмат билан кетди», деб айтганим яхши бўлган экан. Тўгри, бу ерда тўққиз минг, катта маблаг эмас, аммо бир кунингга ярайди-да». У долларни киссасига солди.

Ниҳоят иккинчи халта ҳам тўлди. Рўзимурод уни кўтаришга қийналди, лекин инқиллаб-синқиллаб тепага олиб чиқди. «Шеригим қандай кўтараркин», деб ўйлади. Сандиқнинг тагтахтасини жойига қўйди. Энди қаддини кўтариб, Мاستонни чақирмоқчи эди, остонада кимнингдир сояси кўринди. Фонар эшикка тескари томонни ёритиб тургани боис, унинг кимлигини дарҳол таниб бўлмади. Рўзимурод чўчиб кетмади, лекин юрагини бироз шубҳа эгаллади. Ахир Мастонга махсус овоз берганимда кирасан, деб тайинлаган эди-да. Нима қилиб турибди, бу ерда? Омборга тилла қўмилган деб ўйладимикин ёки очиққан бўлса, чидаб туrolмадими?

— Мاستон, сенмисан? — дея қўлини фонарга узатди Рўзимурод.

— Фонарга тегма!

Рўзимуроднинг юраги шув этиб кетди. Ким бу? Овоз танишдай туюлди. Лекин эслолмади.

— Кимсан? — деди кўзига тушган ўткир нурни кафти билан тўсиб.

— Тўгонман! Эртўгон.

— Эртўгон?! Қайси Эртўгон?

— Шу қишлоқлик Эртўгон! Сиёвуддин мерганнинг набираси! Қимирлама! Агар қўлингни туширсанг, итдай отиб ташлайман!

— Қизиқ, — деди Рўзимурод юрагидаги ваҳимани босиб, ўзини қўлга олиш учун вақтни чўзишга ҳаракат қиларкан. Унинг яна бир умиди Мاستон орқадан келиб, Эртўгонга зарба бериб ҳушсизлантириши эди. — Сен нима қилиб юрибсан, бу ерда?

— Мен-ку, ўз қишлоғимдаман. Тугилган она тупроғимда! Лекин сен ўзинг нима қилиб юрибсан, газанда! Қимирлама дедим! Ҳа, энди тушундим нима мақсадда бу ерга келганингни. Сенлар Ватанимга ҳужум қилишни аввалдан режалаштиргансанлар. Бу ерларни ўрганиш учун эса, сени юборишган. Оқсоқолга ялтоқланиб, омборга ишчи бўлиб ёлланганинг ҳам бежиз эмас экан. Чегарадан яширин олиб ўтилган қуроолларни беркитиш учун қулай жой. Энди эса, булар зарур бўлиб қолди.

— Ақлинг расо экан, сен йигитни. Ҳозир увиллаб юбораман! — Рўзимурод шундай деб кутилмаганда ув тортиб юборди.

Буни сигнал эканини фаҳмлаган Эртўгон: «Бўридай увиллама!» деди жаҳл билан. Кейин оёғи остида ётган кишини кўрсатди.

— Ўзингга ўхшаган мана бу чиябурини чақиряпсанми?

Рўзимурод фонар ёругида Мастонни таниди ва энди ростакамига юрагига ваҳм тушди. Тамом қўлга тушганини англади. Писиб ётган Мастонни топиб, ўлигини судраб келибдими, демак, унинг ҳам куни битган. На мукофот, на мартаба насиб этадиган бўлди. Дала командири бўлиш орзуси сўнди. Наҳот шундай?

— Бўлди, таслимман! Сен голиб чиқдинг, — деди Рўзимурод сандиқнинг қопқоғини ёпиб, устига ўтираркан. У шу йўл билан тиззаси қалтираётганини яширмоқчи бўлди. — Лекин қуролсиз одамга ўқ узмассан?

— Сен қонун олдида, шу ерлик одамлар олдида жавоб берасан. Улар қандай қарор чиқарса, шу бўлади.

— Балки келишармиз?

— Тушунмадим. Қўлингни тушурма дедим!

— Қўрқма, ёнимда қуrolим йўқ. Ҳаммасини мана бу халталарга жойлаганман. Хўш, энди гап бундай. Мастонни ўлдириб, иккинчи марта Шермуҳаммаднинг хунини олдинг. Бирга икки бўлди, бу томондан бир-биримизда ҳаққимиз қолмади. Мана, ол! — Рўзимурод шундай деб кассасидаги долларни олди-да, беш метрлар чамаси нарида турган Эртўгоннинг оёғи тагига ташлади.

— Нима бу?

— Доллар! Тўққиз минг!

— Шермуҳаммад акага берилган пулларми?

— Ҳа.

— Ниғматнинг ортидан пойлаб борган экансан-да.

— Уйни олмадик, демак, пул бизга тегишли.

— Нега унда ҳаммасини олмадинг. Минг долларини қолдирибсан? Ўзингча, ҳийла ишлатгансан-да,

мендан гумон қилмасин деб. Лекин биз ростданам сендан шубҳага бормадик. «Ичимиздан кимдир олган бўлса керак», деб ўйладик. Бироқ ўғри топилмади. Энди билсам, катта ўғри сен экансан!

— Пулни ҳам, манави қуроллари ҳам ол. Эвазига мени қўйиб юбор.

— Сенинг жонинг шунча арзон турадими?

— Қуроллари-чи?

— Бир уюм металлом, агар ишлатилмаса.

— Чегарадан ўтган барча жангариларни олиб чиқиб кетаман.

— Улар шундоқ ҳам қайтиб кетишолмайди. Уларни бу ерга ажал бошлаб келди. Уларнинг ташвишини қилмай қўяқол.

— Унда нима истайсан?

— Мен савдолашмоқчи эмасман!

— Ҳар бир нарсанинг ўз баҳоси бўлганидай, одамларнинг ҳам нархи бўлади. Гап ана шу нархни туғри белгилаш ва тўлашда.

— Гапингни тушундим, — деди Эртўгон жосус кимни назарда тутиб гапирганини англаб. — Бироқ ўз халқини, туғилиб ўсган юртини севган мард инсонларнинг нархи бўлмайди. Улар бебаҳо.

— Ҳавойи гапларни қўйсанг-чи.

— Бу сен айтгандай, баландпарвоз сўзлар эмас. Оқ сут берган онамизга хиёнат қилмагандай, Ватанга ҳам хиёнат қилмаймиз. Сен ҳали бизни яхши билмас экансан. Бир қарияни тузогимга илтирдим, энди бошқаларни ҳам сотиб оламан, деб ўйлаётсанми?

— Унда пуллари қайтар!

— Энди сенга кераги йўқ, уларни.

— Ҳзинг олиб қўймоқчисан-да. Тирик гувоҳ қолдирмаслик учун ҳозир мени отиб ташлайсан. Сўнгра пулни яшириб, қуролнинг ҳзини топширасан. Муттаҳамсан, сенам ўтрисан!

Эртўгоннинг зардаси қайнади, жаҳли чиқа бошлади. Нафсониятига тега бошлаган ярамаснинг тилини сугириб олгиси келди. Мақсадига эришаётган Рўзимурод ҳақоратни кучайтирди. Тилига келган ёмон сўзларни ишлатиб, ўрнидан туриб кетди. Қўлларини қовуштирди ва гап орасида енгининг ичидаги пичоқни ушлади. Кейин бир қадам олдинга ташланди-да, Эртўгоннинг нақ пешонасини мўлжалга олиб, зарб билан улоқтирди.

Кўз очиб юмгунча содир бўлган хавфни пайқаш ва ундан ҳимояланиб қолиш учун қадимги япон самурайлари айтганидай, олтинчи сезги бўлиши керак. Лекин бу ибора фақат самурайларга хос эмас, жанг қилиш санъати билан шуғулланган ҳар бир шахс ўзида шакллантира олиши зарур бўлаган ҳиссиёт! Эртўгон «олтинчи сезги» деб аталмиш ўта нозик ва камёб фаҳм-фаросатни, пайқалган ички туйғуни оз бўлса-да, ўзлаштирган эди. Бу ҳис-туйғу снайперларда ҳам кучли бўлиши керак. Ўқдай учиб келган пичоққа чап беришни, айнан олтинчи сезгига тааллуқли деб ҳисоблайдиган бўлсак, Худо Эртўгонни бу ноёб ҳислатдан бебаҳра қилмаган экан.

Рўзимурод нишонга урдим деб ўйлаганди, ахир пичоқ отишда энг маҳоратли жангчилардан эди. У бирор жойидан қурол чиқариб отгандан кўра, пичоқ ёки ханжар улоқтиришда тез ва аниқ эди. Шериклари ундан ана шу эпчиллиги учун ҳам ҳайиқар, муросаи мадора қиларди. Рўзимурод бу ҳунарни йиллар давомида такрорлаган ва охир-оқибат мақсадига эриш-

ган эди. Баъзида қуролсиз юришининг сабаби ҳам шунда. «Ўлжадан оламан-қўяман» деган гапни кўп такрорларди. Ўзига ишонган эди. Бироқ... у рақибини менсимай хато қилганди. «Вақтдан ютдим, чалгитиб ўзимни босиб олдим, энди вазиятни ўз томонимга оғдириш пайти келди», деб ўйлаганди.

Эртўгон-чи? Эртўгон аслида рақибининг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб турар, қўлидаги фонар ёғдусини нафақат унинг кўзига, балки бутун танасига йўллаб, қалтис вазиятни назорат қиларди. Ҳар замонда ўнг қўлидаги тўппончани кўрсатиб, нишонда турганидан огоҳлантириб ҳам қўярди. Лекин Рўзимурод ростдан ҳам жуда тез ҳаракат қилганди, у берилажак зарбни кучайтириш учун қўлини бироз орқароққа чўзгани, Эртўгонга ҳолатни идрок қилишига кифоя қилди: у ажал тигини кўришга улгурмаса ҳам, унинг хавф солганини ва ўзи томон яшин тезликда келаётганини ҳис эта олди. Эртўгон шундоқ қулоғи устида зувилаган товушни, ҳатто унинг эпкинини ҳам сезд.

Рўзимурод ўйлаб ўтирмай, хатарга чап берган йигитнинг устига ташланди, негаки у пичоқни отганидан сўнг ҳар эҳтимолга қарши деб жойидан сапчиб олдинга интилган эди. Эртўгон зарб билан урилган Рўзимуродни тўхтатиб қолиши қийин бўлди. Орқаси билан тош деворга шундай қаттиқ урилдики, нафаси ичига тушиб кетди. У бошини асраб қолишнигина ўйлади. Агарда шундай қилмаганда, калласи қулочдай-қулочдай келадиған харсангга урилиб, тарс ёрилиши ҳеч гап эмасди. Зарб шу даражада қаттиқ бўлдики, Эртўгоннинг суяклари қарсиллаб кетди. Агарда терилган тошлар ўрнида ёғоч девор бўлганида уларнинг иккиси ҳам ташқарига отилиб чиққан бўларди. Чунки бу зарбага ҳар қандай тахта ҳам синиб кетарди.

Спорт билан шуғулланишнинг фойдаси мана шунақа, танг ҳолатларда билинаркан. Спортчи машқлар давомида ўзига етадиган жароҳатнинг камайтириш йўлини ҳам билиб олади, мускуللарга буйруқ берилгандаёқ, улар ҳаракатга тушади ва маълум маънода ҳимояланиб улгуради. Эртўгон ҳукиздай ўкириб келаётган Рўзимуродга нигоҳи тушгандаёқ зарбани камайтириш чорасини кўрган эди: аммо орқага тиралган оёқлари босимга дош беролмади, улгурган нарсаси Рўзимуроднинг бўйнидан қаттиқ қисиб ёнбошга тортгани бўлди. Иккаласи ҳам шилқ этиб ўтириб қолди. Эртўгон белида қаттиқ оғриқ сездим, Рўзимурод бошини чангаллади.

Орадан бироз ўтиб Рўзимурод қаддини кўтарди, унинг пешонаси ёрилиб, тинмай қон оқарди. Бир кўзи юмилиб ҳам қолганди. Эртўгон белини қимирлата олмади. Аммо қўлларини ишга солди. Мушт унчалар кучли бўлмади, аммо яраланган бўрини йиқитишга етарли эди. «Энди турмаса керак» деб ўйлаганди, қаёқда, ёмонга ўлим йўқ дегандай, Рўзимурод яна тиззалаб ўтиришга уринди. У деярли кўп нарсанинг фарқига бормаётган эди, ҳаракатлари суст, очиқ турган кўзи аланг-жаланг, қон билан беркилиб қолганидан ҳеч нарсани кўрмас эди. Унинг хотирасига ўрнашиб қолган охириги буйруқ — рақибининг устига ташланиш ва оёгига боғланган ўтқир ханжарни олиб, унинг кўксига санчиш Рўзимуроднинг зиён етган мия толаларида ана шу ҳукм ўчиб кетмаган, электр токининг қисқа туташувидай «чарс-чарс» этиб чақнаб қўяр, шалвираган гавдасини кўтаришга, титраган бармоқларини эса тўпиқ тепасига боғланган пичоқни пайпаслаб топишга ундар эди. У ўлишни эмас, ўлдиришни ўйлаётган ёвузнинг айни дамдаги

қиёфаси жуда хунук ва қўрқинчли эди. Наъра тор-
таётган бу махлуқдан ҳар нарса кутса буларди. У
ҳозир ҳаракатларига жавоб бера оладиган даражада
эмасди, қўлига ханжар илинса бўлди, атрофидаги
жамики нарсани илма-тешиқ қилиб ташлайдиган
ҳолатда эди. Кўзига ҳеч нима кўринмаётганди, бироқ
қаршисида рақиб турганини билар, бирдан-бир нияти
уни яксон қилиш эди. Унинг охириги нафасини эши-
тишни, сўнг жони узилганини ҳис этишни истарди.
Биргина тилаги шу эди.

Эртўгон оёғи билан тиралиб, нарига сурилмоқчи
бўлди, негаки душмани важоҳат билан тебраниб
олдинга интиларди. Аммо белдаги огриқ оёқларига
таъсир қилди чоғи, қимирлата олмай қолди. Энди
унинг бор умиди қўлларида эди. Бирдан тўппончаси
ёдига тушди, қани у? Қўлида эди-ку! Демак, девор-
га урилганда тушиб кетган. Ён-берига қаради. Йўқ.
Фонар ҳам анча нарида ётар, энди у ҳар иккаласига
ҳам бирдай ёруғлик таратарди. Биқинига нимадир
тиралиб турганини сезди, қараса милтиғи: қўндоғи
ерда, учи эса тепага қараган ҳолатда. Ҳа, ёдига туш-
ди, омборга яқинлашганда уни отишга тайёр қилиб
қўйганди. Эшик яқинида душман турганини пайқаб,
орқа томондан айланиб ўтган ва овоз чиқармайдиган
тўппонча билан тинчитган эди. Кейин уни эшик ол-
дига судраб келганди.

Эртўгон аранг хаёлини йиғиб, милтиқнинг учини
пастга туширишга ва илмоқни тортишга улгуриб қол-
ди. Негаки, бу лаҳзада Рўзимурод қўлидаги ялтироқ
ханжар билан унинг устига ташланаётган эди. Ўқ
овози омбор ичини тутди. Пешонага қадалган гильза
баҳайбат махлуқдай икки қўллариини кўтариб олдинга
ташланган Рўзимуродни жойида бир зум тўхтатиб
қолди. Эртўгон худди шу онда жон огриғига қарамай,

милтигига суянганча ўзини ён томонга ташлади. Мана шу ҳаракат уни жосус Рўзимуроднинг ханжаридан сақлаб қолди. Ўлим талвасасида ажал тигини янада маҳкамроқ сиққан Рўзимурод, барибир, олдинга йиқилди: унинг қўлидаги ханжар тошлоқ ерга шунчалар зарб билан урилдики, чирсиллаган товуш янгради, кетма-кет ялт этган учқун сачради.

Подполковник билан Мардон омборга кириб келганда бояги қаттиқ огриқнинг дастидан Эртўгон хушини йўқотган эди. Унинг икки ёнида душманнинг икки мурдаси ётарди.

* * *

Эртўгон кўзини очганда, дадаси тепасида турарди. Аввалига қаерда эканини дарҳол англолмади: ахир у дўкон омборхонасида эмасмиди?

— Дада, — Эртўгоннинг овози аранг чиқди.

— Ҳа, менман, ўғлим.

— Мен... уйдаманми, дада?

— Уйдасан, ўғлим, уйдасан? — деди Саноқул ака ўғлининг пешонасини оҳиста силаркан.

— Бу ерда нима қилиб ётибман? Ахир мен... омборда эмасмидим?

— Белинг озгина шикастланибди, — дея ўғлининг гапини бўлди Саноқул ака. — Дўхтир келгунча дам олиб ётибсан.

— Вертолёт чақиртирганмиз, — деди бир чеккада ўтирган Мардон жим туролмай.

— Мардон, сенам шу ердамисан? — Дераза томонга қарашга ҳаракат қилди Эртўгон, бироқ бўйинини бура олмади, белида қаттиқ огриқ турди. Кўз олди ёришиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Подполковник Туробов ҳам биз билан.

Мардоннинг гапидан кейин подполковник Туробов Эртўгоннинг олдига келди ва кафти билан қўлини аста сиқиб қўйди. Эртўгон бирдан кўзларини чирт юмиб, анчагача жим бўлиб қолди. Оғриқ бироз пасайгандан кейингина подполковник Туробовга қаради.

— Рузимурод... қочиб кетмадими, ўртоқ подполковник? У ярамасни... қўлдан чиқариб юбормадимми?

Ана энди отанинг кўзларидан бирин-кетин ёш думалади. Фарзандининг қўлларини аста силаркан, ютиниб-ютиниб қўйди. У нимадир демоқчи эди, гапиролмади. Подполковник Туробов лейтенантнинг ёнига утирди.

— Сен берган ваъдангни бажардинг, у аблахни жиноят устида қўлга туширдинг. Бунга чидай олмайд, пичоқ билан устингга ташланган шекилли, пешонасидан дарча очиб қўйибсан. Йиққан қуролларини штабга топширдик, сени эса ҳозирча уйга кўтариб келдик.

— Нима бўлди... менга?

— Эслолмаяпсанми?

— Бирдан эсимга келмаяпти.

— Деворга белинг билан қаттиқ урилибсан. Шунда умуртқа погананг лат еб, белингни қимирлата олмаяпсан? Балки асаб толалари қисилган бўлиши мумкин. Бирор ҳафта даволансанг... отдай бўлиб кетасан.

— Ҳа, эсладим, Рузимурод пичоқни отиб мўлжалга теккизолмаганига итдай қутириб кетди. Кейин оёғи ёнидан ханжар чиқариб устимга ташланди. Бошимни деворга уриб мажақламоқчи эди. Аммо... эплормади. Узининг калласи ёрилибдими?

— Ҳа, унинг пешонаси ёрилган эди. Сен қаҳрамонлик кўрсатдинг, лейтенант. Бир эмас, икки душманни тўхтатиб қолдинг.

— Мен ўз йигитлик бурчимни бажардим, холос.
— Ҳа, лейтенант, сен уни аъло даражада бажардинг!

— Мени қаерга олиб кетишмоқчи, дада? Аҳволим шунчалар ёмонми?

Саноқул ака ўглининг тепасига келди. Подполковник Туробов ўрнини бўшатди.

— Ўзимизнинг Термизга ётқизишмоқчи. Командиринг айтгандай, бир-икки ҳафта даволансанг... Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасан, ўғлим.

— Шу ерда даволансам-чи?

— Қишлоқда шароит йўқ-да.

— Ахир Сариосиёни босқинчилардан бутунлай тозаламадик-ку.

— Сен бу ёғидан хавотир олма, — гапга қўшилди подполковник Туробов. — Уларни бизга қўйиб бер.

Эртўгоннинг эсига нимадир тушди.

— Бир ўзингиз... қаҳрамон бўлмоқчимисиз, ўртоқ подполковник.

Подполковник Туробов билан Мардон кулиб юборди. Бу гапга тушунмаган Саноқул ака эса ҳайрон бўлиб ўглига тикилди. Эртўгон мийигида жилмайиб қўйди.

— Сингилларинг ўзингга келганингни эшитиб олдингга киришмоқчи, ўғлим.

— Киришсин, уларни жуда соғинганман, дада.

— Унда биз чиқиб турамиз. Сени кузатиб, биз штабга қайтамиз, — деди подполковник Туробов Эртўгоннинг олдига келиб.

— Сен билан хайрлашмаймиз, — деб кўз қисиб қўйди Мардон.

— Қани юринглар, меҳмонхонага кирамиз, — дея Саноқул ака йўл бошлади.

Даҳлиз шундоқ кўзга ташланиб турарди. Меҳмон-хонага утиб кетаётган Мардон Наврўзани кўриб бир зумга тўхтаб қолди. Қиз ҳам унга тикилди. Нигоҳлар тўқнашди. Бироқ дадаси томоқ қирди, шекилли, қизлар отилиб ичкарига киришди.

Эртўгон сингилларини кўриб жилмайишга ҳаракат қилди, лекин эпломлади, кўзи ёшланди. Фотима ҳам, Наврўза ҳам овоз чиқармай йиглаб юборди. Улар акаси билан кўришиб кетишди. Қўлларини силашди, юзларига босишди.

— Умрингиз узоқ бўлсин, ака, — деди Фотима йиғи аралаш. У ой-куни яқинлигидан бироз хиложат тортиб турарди. Эртўгон буни сезиб, жилмайиб қўйди, сингисининг қўлларини аста сиқиб: «Бахтингни берсин», деди.

— Бахтимизга соғайиб кетинг, акажон, — деди Наврўза акасининг бағрига бош қўйиб.

— Сенга ҳам бахт тилайман, — деди Эртўгон Наврўзанинг сочларини силаб.

Наврўза кўзларини яширди.

Даҳлизда Саноқул аканинг овози эшитилди. Наврўза шошиб ўрнидан турди ва дадасининг олдига чиқди.

— Кучага қара-чи, қизим, аёл кишининг товуши келгандай бўлди.

Саноқул ака шундай деб аскарларнинг ёнига кириб кетди. Аслида у эшикни қия очиб ким келганлигини билган, аммо уларга пешвоз чиқишга тортинган эди. Шунданми, ўзини худди билмагандай тутиб, қизини қақирган эди.

Бир пайт Наврўза хурсанд бўлиб кириб келди.

— Ака, топинг-чи, кимлар келди?

Эртўгон ташқарига чиқиб, меҳмонларни кутиб олган Наврўзанинг шўх-шодон овозини эшитиб қалби энтикиб кетган эди. «Сарвиноз», дея пичирлади лаблари. Ҳа, у янглишмаган эди. Остонада Сарвиноз кўринди. Салдан кейин ийманибгина Гулбодом опа кириб келди.

Эртўгон яна пичирлади: «Ўзингга шукур!»

Бу пайтда Ҳисор тоғларида яна бир мунаввар тонг отмоқда эди.

МУНДАРИЖА

I. «Қишлоқдаги бегона ким?»	3
II. «Чегарада хизмат қиламан»	14
III. Бу қандай синов бўлди?	25
IV. Иккинчи гуруҳ сафдан чиқди	39
V. Биринчи гуруҳда нима гаплар?	42
VI. Иккинчи гуруҳда нима гаплар?	58
VII. Дўст кулфатда билинади	63
VIII. Таътилда	80
IX. Изқувар	92
X. Мақсади аниқ йигит	122
XI. Мудҳиш хабар	134
XII. Мақсадидан чекинмаган йигит	142
XIII. Жосуснинг сири	168
XIV. Ошкор бўлган сир	176

Адабий-бадний нашр

АКБАР МИРЗО

(Нурматов Акбарали Мирзо Қосим ўғли)

СНАЙПЕР

Қисса

Муҳаррир Рауф Субҳон

Рассом-дизайнер Бекзод Зуфаров

Техник муҳаррир Бекзод Каримов

Мусахҳиҳ Сурайё Салоҳутдинова

Компьютерда тайёрловчи Акмал Сулаймонов

Нашриёт лицензияси: АИ №158. 14.08.2009 й.

Босишга 2018 йил 6 февралда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ¹/₃₂. Academy TAD гарнитураси.

Офсет усулда босилди. Шартли босма табағи 10,08.

Нашр-ҳисоб табағи 9,29. Нусхаси 5000 дона.

Буюртма № 17-773.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-84-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz